

**БУ МУҚАДДАС
ВАТАНДА АЗИЗДИР
ИНСОН**

Мазкур рисола Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2010 йил 3 августдаги 2-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:

А. Бекмуродов, У. Фафуров, Ш. Мустафақулов, Н. Каттаев

Тақризчилар:

*О.Ю. Рашидов — иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.К. Каримов — фалсафа фанлари номзоди, доцент,
С.Б. Тиллабоев — тарих фанлари номзоди*

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; нашр учун масъул А.Бекмуродов [ва бошқ.]. Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. — 148 бет.

Ушбу рисола мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-1358-сонли қароридан баён этилган фикр ва фикрлар, амалий кўрсатмаларни ўқувчи ёшлар ва талабалар ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш учун мўлжалланган. Унда мустақил тараққиёт йўлида эришилган улкан, том маънода тарихий ютуқларнинг ҳаётбахш манбаи бўлган истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз тарихидаги беқиёс аҳамияти аниқ мисоллар асосида ёритилиб, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва марралар, кўрсаткичлар таҳлилига кенг ўрин берилгани боис бу рисоладан тегишли мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва талқинотчилар, юртимиздаги ислохот жараёнларининг боришига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

ББК 66.3(5Ў)
6 65.04(5Ў)

А.Б. 4306020400-87 — 2010
360/04/-2010

ISBN-978-9943-03-312-2: Б.ц

© Фафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2010-й.

МУҚАДДИМА

Биз тарихи неча минг йилларни қамраб олган буюк халқмиз. Улуғ аجدодларимиз асрлар давомида сиёсат, илму фан ва маланият, дину диёнат соҳасида дунёни ҳайратга соладиган улкан ишларни амалга ошириб келганлар. Ватанимиз истиқлоли ана шундай анъана ва қадриятларимизни тиклаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имконини бергани учун ҳам бениҳоя азиз ва қадрлиир.

Ватан туйғуси шунчалар муқаддаски, бу сўзни эшитганингда қалбларимиз ғурур-ифтихорга тўлади. Давлат малҳияси шунчалар таъсирлики, у янграганда беихтиёр бутун вужудимизни ҳис-ҳаяжон, она юртга филоийлик туйғуси қамраб олади. Мамлакатимиз байроғи шунчалар улуғворки, у бошимиз узра ҳилпираганда кўксимиз осмон қалар юксалгандек бўлади. У биз учун мустақиллик, эркин ва озод ҳаёт, мардлик ва матонат тимсолига айланиб кетган. Юртбошимизнинг истиқлолни асраш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилиш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги даъватлари доимо қалбларимизда акс садо бериб, бизни юксак марралар сари чорлаб, барча интилишларимиз учун тоғдек таянч бўлиб турлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг гоялари, ташаббуслари ва бевосита раҳнамолиги остида олиб борилган барча ислохотлар, режа ва дастурлар, амалий саъй-ҳаракатлар авваламбор инсон учун, унинг манфаатлари, фаровон ҳаёти, хавфсизлиги ва орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун қаратилгандир. Биз ниманики режалаштирмайлик, ниманики амалга оширмайлик, нимагаки интирмайлик — барчасининг бош мақсади инсон ва унинг бахтли ҳаётини таъминлашдан иборатдир.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўзи учун дасуриламал қилиб олган халқимиз ўз миллий, тарихий, маънавий ва диний анъаналари, урф-одатларини сақлаб, айни пайтда дунёдаги энг илғор тажрибаларни ўрганиб, 19 йил мобайнида яратиш ва бунёдкорлик йўлидан қатъий бормоқда. Мустақиллигимиз, миллий давлатчилигимизнинг бош меъмори, диёримиздаги барча буюк ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз буюк келажак йўлида дунёдаги наманан деган миллатларга ҳам кўпгина масалаларда ўрнатиб, ўзининг энг

янги тарихи зарварақларига янги-янги ютуқ ва марраларни зарҳал ҳарфлар билан ёзиб келмоқда. Нега деганда, биз буюк давлат ва миллат ворисларимиз, шунга муносиб тарзда буюк давлат қурамиз ва бугунги буюк миллатлар қаторидан мустақкам ўрин олишимиз муқаррар.

Мустақил Ватанимиз босиб ўтган 19 йил, тарихан қисқа муддат бўлишига қарамай, халқимиз, миллатимиз ва давлатимиз тақдирида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси йўқки, унда мустақилликнинг ўрни, аҳамияти ва шукуҳи сезилмаса, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўқки, унинг ҳаётида истиқлолнинг ижобий самараси, ҳаёт-бахш таъсири из қолдирмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик биз учун шу қисқа муддатда бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, тўкин ва фаровон дастурхонимиз, халқаро майдондаги нуфуз ва эътиборимизнинг бош мезонига айланди. Ушбу гуруҳ ва ифтихор туйғуси эса унинг қўлга киритилиши ва мустақкамланишига барчамиз ва ҳар биримизнинг дахлдор эканимиз билан янада теран, янада маънодор ва янада бегубордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ўқир эканмиз, халқимиз босиб ўтган йўлнинг нақадар буюклиги, Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг қанчалик чуқур ўйлангани, амалга оширилаётган умуммиллий дастур ва режаларнинг бениҳоя серқирралигига яна бир бор амин бўламиз.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва нуфузи унинг қуйидаги бандларида ўз аксини топган:

❖ «Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш;

❖ мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

❖ шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

❖ истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар тугдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустақкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига теран сингдириш;

❖ биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг қўламли ислохотлар янги босқичда давом эттириляётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришяётган амалий натижалари, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллари дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этиляётганига алоҳида эътибор қаратиш;

❖ мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш».¹

Азиз китобхон, қўлингиздаги мазкур рисолада халқимиз томонидан ўтган 19 йил мобайнида амалга ошириб келинётган улкан бунёдкорлик ишлари аниқ рақамлар, мисол ва далиллар асосида мухтасар таҳлил этилган. Албатта, биз босиб ўтган тараққиёт йўлининг аҳамияти, шу давр мобайнида эришилган ютуқ ва муваффақиятларнинг миқёси ва кўламини кичик бир рисолада атроф-лича очиб беришнинг иложи йўқ. Рисолада мамлакатимиз тараққиётининг энг устувор йўналишлари бўйича қўлга киритилган ютуқлар илмий таҳлил қилинди, холос.

Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрами арафасида чоп этиляётган бу рисола орқали босиб ўтилган мураккаб ва шонли йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, ислохотлар жараёнида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг тафаккурига етказишга ҳаракат қилдик. Бу, ўз навбатида, ёш авлодимизни замонавий руҳда тарбиялангдек ўта масъулиятли ишга ўз ҳаётини бағишлаган ўқитувчи ва мураббийлар, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, олимлар ва мутахассислар, тарғиботчи ва ташвиқотчилар учун муҳим методик қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Рисолани тайёрлашда Ўзбекистон Миллий университети (Р. Икромов), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Н. Жумаев, А. Мўминов, М. Баҳодиров), Тошкент давлат педагогика университети (М. Лафасов), Тошкент молия институти (Т. Маликов), Тошкент давлат юридик институти (М. Усмонова), Тошкент давлат шарқшунослик институти (У. Идиоров, М. Исҳоқов), Тошкент давлат маданият институти (А. Тўраев, А. Маврулов), Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим этилган илмий-маърифий йўналишдаги матн ва мақола-лардан фойдаланилди.

Умид қиламизки, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ушбу рисола кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида ўтказиладиган суҳбатларда, давлатимиз мустақил тараққиётининг энг устувор йўналишлари ва шу борада эришилган ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришда имкон қадар ёрдам беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-1358-сонли қарори. «Халқ сўзи», 2010 йил 1 июль.

1. ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ, ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШ ДАВРИ

- 1.1. Сиёсий соҳада ҳамда давлат ва жамият қурилиши борасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар
- 1.2. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалланиши
- 1.3. Ижтимоий ҳаёт ва маънавиятнинг юксалиши
- 1.4. Суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллаштирилиши
- 1.5. Ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида эришилган ютуқлар

1.1. СИЁСИЙ СОҲАДА ҲАМДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар. Мамлакатимиз истиқлол даврида йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсад ва унга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, мустақилликнинг қўлга киритилиши билан тарихан қисқа вақт ичида:

- совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди;

- миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди;

- давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди;

- ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди;

- иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида:

Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишига эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор.

Ислом Каримов

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди;

- Президент ваколатларининг бир қисми юқори палата — Сенатга ўтказилди;

- Бош вазирнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормалар ўзгартирилди;

- парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақоми қонуний тарзда белгиланди;

- сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди;

- Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, бу номзод парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизми жорий этилди;

- сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқи берилди;

- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилди ва ҳ.к.

Жамият ҳаётида қонунийлик мезонларининг тўлиқ жорий этиб борилиши уларнинг давлат фаолиятида ўз аксини тониши ва доимо мустақамланиб борилишини тақозо этади. Айнан шу мақсадларга мос ҳолда, ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниш тамойилини амалга оширишни таъминлаш, жамият сиёсий тизимида парламентнинг роли ва таъсирини ошириш, суд ҳокимиятининг ролини ошириш каби масалалар Ўзбекистонда ислохотларнинг муҳим йўналишлари этиб белгиланди. Бу борада жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» гояси асосида ижобий натижаларга эришилмоқда.¹

Шу тариқа сиёсий соҳадаги давлат ва жамият қурилишида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг янада жадал ривожланишига, турли жабҳалардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларига янги ҳаракатлантирувчи куч бахш этмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг қарор топиши ва ривожланиши. Маълумки, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институт-

¹ Мустақиллик биз учун - ўзлгимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир: ЎзР Давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағиштаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун қўлланма / ЎзР Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавий тарғибот маркази. - Тошкент: «O'zbekiston», 2009, 9-бет.

ларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш, кўп жиҳатдан жамиятнинг изчил ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

Шу боисдан мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролик жамиятининг ўзига хос миллий институтлари қарор топиши учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мавжуд меъёрларга ҳар томонлама мос бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Асосий Қонунимизнинг 56-моддасида Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар фуқаролик жамияти институтлари сифатида эътироф этилади. Мамлакатимизда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси сайлови тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши жамият ҳаётида ушбу институтларнинг нуфузини юксалтиришга хизмат қилмоқда.¹

Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари шаклланиш ва ривожланишнинг ўзига хос эволюцион йўлини босиб ўтди. Энг аввало, ушбу институтларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди. Бу ўринда сўз сиёсий партиялар, фикрлар, ғоя ва мафкуралар хилма-хиллигини таъминлаш, мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган ҳар қандай сиёсий партиянинг яқка мафкуравий ҳукмронлиги – монополизмига йўл қўймайдиган мустаҳкам қонунчилик кафолатларини яратиш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик сари ривожланишнинг икки босқичини ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчи босқичда (1991-2000 йиллар) кўппартиявий тизимнинг ташкил топиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Иккинчи босқич XXI асрнинг бошланишида юртимизда (2001-2007 йиллар) парламентнинг икки палатали тизимга – Сенат ҳамда доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатасига ўтиши билан боғлиқ бўлиб, бу, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, давлат бошқарув тизимининг янада демократлашуви учун кучли туртки берди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида қонун чиқарувчи ҳокимият – мамлакатимиз парламентининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардаги роли ва таъсири анча ўсганини эришилган амалий натижалар ҳам тасдиқламоқда.

Жумладан:

– қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошди, жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаоллик кучайди;

¹ Ражабова М. Фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асоси // «Халқ сўзи», 2009 йил 17 ноябрь.

– мамлакатимизни сиёсий модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партияларнинг кенг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди;

– сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти сезиларли равишда фаоллашди. Бунга Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партиясининг депутатлар фракциялари ўз партияларининг дастурий кўрсатмаларини амалга ошириш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг самарали қабул қилинишини таъминлаш мақсадида Демократик блокни шакллантирганида кўриш мумкин. Ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси парламентда ўз сиёсий позициясини муҳолифатдаги озчилик сифатида белгилади. Бу ижтимоий аҳамиятли муаммолар ва вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига олиб келди.¹

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари таркибига қатор институтларни киритиш мумкин (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари таркиби.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистонда беш мингтадан ортиқ ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот фаолият кўрсатмоқда (2001 йилда 2300 та шундай ташкилот мавжуд эди). Бу ташкилотлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар ва ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар, экологик масалаларни ҳал этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида иш олиб бормоқда.² Жумладан, юртимиздаги 306 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмасининг 64 таси халқаро ташкилот мақомига эга. Жамоат бирлашмаларининг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси қасаба уюшмаси, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси қўмита ва яна 22 таси эса

¹ Саидова Х. Конституция ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти / «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари». - 2008 йил, 1-сон, 14–15-б.

² Ўша манба, 16-б.

бошқа турли номлар билан расмий рўйхатдан ўтган ташкилотлардир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 2237 та жамоат бирлашмаси фаолият юритмоқда.

Айни пайт мамлакатимизда қуйидаги 4 та сиёсий партия фаолият юритмоқда (1.1.1-жадвал):

1.1.1-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар

Сиёсий партиянинг номи	Ташкил топган санаси	Партия аъзолари сони (минг нафар)	Қонунчилик палатасидаги депутатлар сони (нафар)
Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП)	1991 йил 1 ноябрь	350	32
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси	1995 йил 18 февраль	80	19
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси	1995 йил 3 июнь	110	31
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛДП)	2003 йил 15 ноябрь	153	53

Бугунги кунда Ўзбекистонда 870 дан ортиқ газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостанцияси фаолият кўрсатмоқда. Агар бундан 15 йил олдин юртимизда 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу рақам 1110 тани ташкил этди. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларла фаолият кўрсатмоқда.

Сайлов жараёни ва сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашиб бориши. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамият барпо этиш, сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилишида ислоҳотларнинг самарали бўлишига эришишда мамлакатдаги сайлов жараёни ва сиёсий партиялар фаолиятининг такомиллашиб бориши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда сайлов жараёнлари ва партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, бу борада қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди (1.1.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, юртимизда дастлаб «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, у давлат ва жамият қурилиши тизимида жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда ролини белгилаб берди. Айтиш керакки, шунга қадар сиёсий партиялар фаолиятининг бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятидан фарқли жиҳатлари аниқ кўрсатиб берилмаган эди.

**Ўзбекистонда сайлов жараёни ва партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини
такомиллаштириш борасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	Қабул қилинган санаси	Сайлов жараёни ва партиялар фаолиятини тартибга солишнинг қисқача мазмуни
«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун	1991 йил 15 февраль	Давлат ва жамият қурилиши тизимида жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда ролининг белгилаб берилиши
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	1992 йил 8 декабрь	Партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий базасига асос солиниши, хусусан, фуқароларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга қонуний асосда бирлашиш тартибининг белгилаб берилиши
«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун	1996 йил 26 декабрь	Сиёсий партиялар ваколатларининг кенгайтиши ва улар томонидан қонун доирасида ҳокимият учун курашиш бўйича шароит яратилиши
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонун	1993 йил 28 декабрь	Сиёсий партиялар учун сайловчиларнинг кенг қатламлари манфаатларини тизимли ҳимоя қилиш имконини яратилиши
«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун	1994 йил 5 май	
«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун	2004 йил 30 апрель	Партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг турли жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш имконининг яратилиши
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун	2002 йил 12 декабрь	Сиёсий партияларнинг парламентда шакланган фракциялари фаолиятининг такомиллаштирилиши
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Қонун	2003 йил 29 август	
«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун	2007 йил 11 апрель	Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги ролининг янада кучайтирилиши
«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги Қонун	2007 йил 11 апрель	

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун мустақкам қонуний базага асос солди, хусусан, у фуқароларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқини белгилаб берди. Шу асосда кейинчалик «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонун сиёсий партияларнинг қонуний ваколатларини кенгайтди ва қонун доирасида ҳокимият учун курашишга шароит яратди.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигининг изчил такомиллаштирилиб борилиши ҳам сиёсий партияларнинг қонуний ваколатларини кенгайтди. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, ҳокимият вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Яъни, бу қонунлар сиёсий партияларга сайловчиларнинг кенг қатламлари манфаатларини тизимли равишда ҳимоя қилиш имконини берди. Яна бир муҳим ҳужжат – «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонун эса партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг турли жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш имконини яратди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий партияларнинг парламентда шаклланган фракциялари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён қилинган фикрлардан кўриниб турибдики, юртимизда миллий қонунчиликни босқичма-босқич ривожлантириш сиёсий партиялар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳитининг шаклланишига, мамлакатимизни ривожлантириш бўйича муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни амалга оширишда соғлом рақобатнинг кучайишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Буларнинг барчаси парламент ва бутун сиёсий механизмнинг янада самарали ишлаши, шунингдек, кенг кўламли ижтимоий ҳамда мафкуравий манфаатларнинг амалда ўз ифодасини топишига кўмаклашмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги қонуннинг ўз вақтида қабул қилингани ва муҳимлигини, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб бурилиш ясаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.¹

Юқорида қайд этиб ўтилган сайлов жараёнларига оид қонунчилик асосларининг такомиллаштирилиши натижасида кейинги йилларда бу борада қатор муҳим ўзгаришлар амалга жорий этилди. Жумладан:

¹ Жавакова К. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни // «Халқ сўзи», 2009 йил 21 ноябрь.


- ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳларидан номзод кўрсатиш институтлари тугатилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди;

- сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига «Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш» институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди;

- партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга ваколатли вакили институти жорий этилди. Унга имзо ва рақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 кишидан 10 нафарга кўпайтирилди;

- депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилди. Шу асосда 15 нафар депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.

Сайлов жараёнларини такомиллаштириш борасидаги яна бир қатор муҳим ўзгаришларни қуйидаги 1.1.2-расмда кўриш мумкин:



1.1.2-расм. Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида қабул қилинган ўзгаришлар.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли эндиликда мамлакатимиздаги битта депутатлик мандати қарийб 120 минг сайловчи овозини ифода этмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатни Италия, Буюк Британия, Шимолий Ирландия, Франция ва Канада каби давлатларда кузатиш мумкин. Россия, Японияда эса бу кўрсаткич 250 мингдан зиёдни ташкил этади.

2009 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов яқунларига кўра 150 нафар депутат сайланди. Жумладан:

- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар;

- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар;

- Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 31 нафар;

- Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилди, яъни Қонунчилик палатасидаги 15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларидир. Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари (22 фоизи) хотин-қизлардир. Сенатда эса хотин-қизлар 15 нафарни ташкил этади.

Сайланган депутатларнинг 47 нафари (31,3 фоизи) илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу ҳолат ушбу депутатлар ўз сайловчиларининг ишончига яна бир бор сазовор бўлганидан далолат бериши билан бирга, уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибаси келгусидаги профессионал фаолиятида янада самарали намоён бўлиши учун имкон ҳам беради. Парламент қуйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари борлигини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ, 1999 йилги сайловларда мамлакат парламенти депутатлигига сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 2004 йилда эса сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, 2009 йилда депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2004 ва 2009-йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижаларини ўзаро таққослайдиган бўлсак, бу сиёсий жараёнларнинг тобора либераллашиб, демократик руҳ касб этиб бораётганини кўрамиз (1.1.3-жадвал).

1.1.3-жадвал

**Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига
2004 ва 2009-йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижалари**

Кўрсаткич	2004 йилдаги сайлов	2009 йилдаги сайлов
Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар сони	489 нафар	504 нафар
Сайловларнинг биринчи турида сайланган депутатлар сони	62 нафар (51,7 фоиз)	96 нафар (71,1 фоиз)
Сайловларнинг иккинчи турида сайланган депутатлар сони	58 нафар (48,3 фоиз)	39 нафар (28,9 фоиз)
Парламентдаги депутатлар таркибида хотин-қизларнинг улуши	18 фоиз	22 фоиз

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичи – иккинчи турдан ўтиб сайланганининг ўзи ушбу сайловларнинг демократик асосда бўлиб ўтганидан далолат беради.

Сайлов жараёнлари ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш йўлида жамиятимизда катта қаламлар қўйилганини исботлади. Хулоса қилиб айтганда, бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон фуқароларининг юксак

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатчилиги ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Ислом Каримов

ижтимоий-сиёсий маланияти, сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётгани, халқимиз жамиятни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлини кенг қўллаб-қувватлаётганини яна бир бор яққол намоён этди.

1.2. ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАНИШИ

Ўзбекистонда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделининг ишлаб чиқиши ва унинг афзалликлари. Агар ксчаги тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустабил тузум даврида жаҳон жамоатчилигининг аксарияти дунёда Ўзбекистон деган бетакрор лиёр мавжуд экани, бу қутлуғ заминда бағрикенг, мард ва филоий халқ яшаши тўғрисида ҳатто олдий тасаввурга ҳам эга эмас эди. Бу — тарих ҳақиқати. Мустақилликнинг тарихан қисқа даврида эришилган улкан ютуқ ва натижалар Ватанимиз, халқимиз шуҳратини, бой тарихимиз, бебаҳо миллий қадрият ва анъаналаримиз, қудратли маънавий ва иқтисодий салоҳиятимизни, бизнинг кимлигимиз, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни бутун жаҳонга тараннум этди. Бутунги кунда дунё аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришишда, Президентимиз сўзлари билан айтганда, «аввало, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг **Фидокорона меҳнати**» мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда, ўзига хос, миллий тараққиёт йўли деб тан олинган тараққиётнинг ўзбек модели кўлаб ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, сиёсий арбоблар, нуфузли экспертлар, етакчи мутахассис ва таҳлилчилар томонидан кенг эътироф этилиб, юртимизга, хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали иқтисодий сиёсатга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда.

Мазкур тараққиёт моделини ишлаб чиқишда айнан Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий давлатчилик асосларини қайта тиклаш ва янги-ча асосда шакллантириш, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, миллий қадриятларимиз ва гуруҳ-ифтихор туйғусини юксалтириш, жамиятни тубдан янгилан, замонавий дунёқарашга эга бўлган ҳар томонлама баркамол авлодни — юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида фақат иқтисодий соҳани эмас, балки давлат қурилиши, ижтимоий ва маънавий жабҳалар-

ни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ҳам қамраб олгани билан жаҳондаги бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган тараққиётнинг ўзбек моделига асос солинди.


Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг афзалликлари ўзбек моделида ҳар томонлама ўз аксини топган қўйидаги омиллар билан боғлиқ: ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш борасида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг Ўзбекистон учун мақбул бўлган томонлари, илғор тажрибалари, усул ва воситаларидан самарали йўллари белгиланиб олингани; халқимизнинг ўзига хос миллий менталитети, қадимий урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, маланий мероси тўлиқ эътиборга олингани; юртимизда вужудга келган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар, аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олингани; ислоҳотларни амалга оширишда халқнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик кучига, ватанпарварлик ва фидоийлик фазилатларига таянилгани. Айнан ана шу ва шу каби бошқа омиллар ўзбек моделининг амалдаги муваффақиятини таъминламоқда.

Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг дастлабки палласидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Бугунги кунда эришилган муваффақият ва натижаларнинг ҳақиқий баҳосини англаб етиш, олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғри ва асосли эканини тушуниш учун мустақил тараққиётимизнинг дастлабки палласидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яна бир бор эсга олиш ўринли бўлур эди. Бу ҳақда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» рисоласида бағафсил баён қилинган. Бу китобда, жумладан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолган пайтлар ҳам бўлиб, юртимиз амалда очарчилик остонасига келиб қолгани, иқтисодиётнинг асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилиб, бир ёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолгани; ҳали янги миллий валюта жорий этилмаган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг кескин ўсиб кетиши; пахта яккаҳокимлигининг юртимиздаги экологик ва ижтимоий вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйгани; оммавий ишсизликнинг кучайиб, аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайиб кетгани каби ҳолатлар зудлик билан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатгани баён этилган.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган таркибий ислоҳотлар марказига мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи асосий вазифа қилиб қўйилди. Статистик маълумотларга кўра, 1990 йили Ўзбекистонга 454,8 минг тонна ун, 183,9 минг тонна картошка, 1401 минг тонна суг маҳсулотлари ва шу каби ҳаётий зарур товарларни қўшни республикалардан олиб келишга мажбур бўлинган. Бундай ҳолат собиқ совет даврида юритилган бир ёқлама иқтисодий сиёсатнинг натижаси эди. Ана шундай маҳсулотлар эвазига Ўзбекистондан асосан пахта хом ашёсини етказиб бериш талаб қилинар эди. Бундай сиёсат, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлиги, унинг мустақиллигига жуда катта таҳдид солар, миллий манфаатларимизга мутлақо жавоб бермас эди.

Ўзбекистонда галла мустақиллигининг қўлга киритилиши. Юқорида зикр этиб ўтилган ўта қалтис вазиятни бартараф этиш мақсадида мамлакатимиз раҳбари томонидан аҳолини энг аввало озиқ-овқат, хусусан, ун маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Қишлоқ хўжалигида давом этиб келган пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилиб, экин майдонларининг катта қисми дон маҳсулотларига ажратилди. Агар мустақилликка эришилган йилларда пахта майдонлари мамлакатимиздаги умумий экин майдонларининг 75 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этган бўлса, кейинги даврда пахта яккаҳоқимлигини тугатиш ва қишлоқ хўжалик экинлари таркибини оптималлаштириш чоратадбирлари олиб борилиши натижасида 2008 йилда пахта майдонлари деярли 39,5 фоизга қадар қисқартирилди.


Натижада юртимизда галла импортига қарамлик барҳам топиб, тез орада галла мустақиллигига эришилди. Агар 1991 йилда 4003 минг тонна миқдордаги дон маҳсулотини четдан олиб келишга мажбур бўлган бўлсак, мустақиллигининг дастлабки олги йили ичида бу эҳтиёжни кескин равишда 5,4 баробар қисқартиришга эришдик. Кейинчалик эса галлачилик соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобидан бу маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжимизни тўла қондиришга муваффақ бўлдик. Шу тариқа мамлакатимизда галла ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 1899 минг тоннадан 2009 йилда 6637,7 минг тоннага етди, яъни деярли 3,5 баробар ўсди (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. Ўзбекистонда галла етиштириш ҳажмининг ўсиб бориши.

Мамлакатимизда галлачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам туб сифат ўзгаришлари юз берди. Буни юртимиз бўйича 2009 йилда 1524,5 минг тонна картошка, 5704,7 минг тонна сабзавот, 1071 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1542,9 минг тонна мева, 1367,7 минг тонна гўшт, 5779 минг тонна суг маҳсулотлари, 2715,9 миллион дона тухум етиштирилгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, умумий ҳажми 706 миллион доллардан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари четга экспорт қилингани ҳам мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш каби ғоят муҳим стратегик вазифа муваффақиятли ҳал қилинганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши. Истиқлол даврида чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўз ички маҳсулотлари ҳисобидан тўла таъминланди. Агар 1990 йилда юртимизда 2810 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 4500 минг тоннани ташкил этди (1.2.2-расм). Табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли равишда ўсиб, 1990 йилдаги 40761 миллион куб. метрдан 2009 йилда 61408,2 миллион куб. метрга етди.




1.2.2-расм. Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши.

Бундай ижобий натижалар муқаррар равишда мазкур маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳамда экспортдан тушган валюта маблағлари эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш, илғор хорижий технологияларни олиб келиш имконини берди.

Истиқлол даврида иқтисодиётда биз учун мутлақо янги ишлаб чиқариш тармоқлари – автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, қанд-шакар, фармацевтика ва бошқа соҳалар вужудга келди. Республикамиз саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёнилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат каби соҳаларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда янги нефть конлари, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг барпо этилиши, Янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқаришнинг кўпайиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун тамомил янги бўлган автомобилсозлик саноатига асос солингани туфайли Ўзбекистон автотранспорт ишлаб чиқарувчи давлатлар халқаро ташкилотининг 33-тўлақонли аъзосига айланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 1,7 марта ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги тармогининг улуши деярли шунчага қисқарди, транс-

порт ва алоқа тармоқларининг улуши 1,5 марта, хизматлар соҳасининг улуши эса 1,3 марта ошди. Натижада ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи саноат, 18 фоизи қишлоқ хўжалиги, 7 фоизи қурилиш, 12 фоизи транспорт ва алоқа, 9 фоизи савдо, 23 фоизи бошқа хизматлар тармоқларига тўғри келди (1.2.3-расм).



1.2.3-расм. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибидаги ўзгаришлар.


Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислохотлар, айниқса, таркибий ўзгаришлар тез орада ўз самарасини берди. Энг аввало, халқ хўжалиги иқтисодий жиҳатдан мустақамланиб, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бир томонлама ишлаб чиқаришга барҳам берилди ва миллий иқтисодиёт инқироз ҳолатидан чиқарилди, унинг барқарор ўсиши таъминланди; макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустақамланди; иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари шаклланиб, ривожланди.

Ўзбекистонда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши. Биз танлаган ислохотлар моделининг нақадар тўғри экани ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб бораётгани яққол исботлаб бермоқда. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001–2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004–2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8–9 фоиздан юқори бўлиб келмоқда (1.2.4-расм).

Бутунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ҳолбуки, Ҳамдўстликдаги айрим давлатлар ҳали ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига ҳам етгани йўқ.

Энг муҳими, Президентимиз Ислам Каримов ўзининг нутқ ва маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганидек, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг

юқори суръатлар билан ўсиб бориши анъанавий хом ашё тармоқлари ёки жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хом ашё турлари ҳамда материаллар нархининг ошиб кетиши ҳисобидан эмас, балки, биринчи навбатда, рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.



1.2.4-расм. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида).

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, жумладан, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларнинг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришлар жараёнига янги куч бахш этди. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифалари қисқартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга қулай иқтисодий шароит яратиш мақсадида солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди. Агар иқтисодиётдаги солиқ юки 2000 йилда ЯИМга нисбатан 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 21,8 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда (1.2.5-расм).

Давлатнинг кўпга бошқарув функцияларини маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши, солиқ юкининг пасайтирилиши туфайли бюджетга тушумларнинг кўпайиши, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш натижасида республикада узоқ йиллардан бери амал қилиб келатган бюджет тақчиллигининг олди олинди, 2005 йилда ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз, 2006 йилда 0,5 фоиз, 2007 йилда 1,1 фоиз, 2008 йилда 1,5 фоиз, 2009 йилда 0,2 фоиз миқдоридаги профицит таъминланди.




1.2.5-расм. Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариш динамикаси.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётнинг яратилиши. Иқтисодий ислохотлар орқали, энг аввало, иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланган мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ тузум давридаги режали иқтисодиёт шароитида асосан давлат мулкининг яккаҳукмронлиги ва бу муносабатларга ўта расмиятчилик билан ёндашув мулкчилик муносабатларининг самарадорлигини деярли йўққа чиқарган эди. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифаси мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг марказига қўйилди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шаклланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борадаги ислохотларни аниқ мақсадга йўналтириш, ҳар томонлама асослаш ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ҳукумат даражасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, у иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилди. Жумладан, 1991–2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилган бўлса, 2001–2009 йиллар мобайнида 8919 та давлат тасарруфидаги корхона ва объект хусусийлаштирилиб, улардан тушган пул маблағлари ҳажми 630 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур маблағларнинг барчаси корхоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби талбирларга йўналтирилди. Бугунги кунда рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонидан нодавлат мулк шаклидаги корхоналарнинг улуши 92,7 фоизга етди. Бундай корхоналарнинг 54,3 фоизини фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоизини хусусий корхоналар, 0,9 фоизини хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизини акциядорлик жамиятлари, 16,4 фоизини бошқа турдаги корхоналар ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши жадал суръатларда амалга ошиб, тез орада ижобий натижалар бера бошлади. Ўзбекистонда иқтисодиёт нодавлат секторининг улуши сезиларли равишда ортиб борди. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 81,3 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмасида бу кўрсаткич энг юқори даражага – 99,9 фоизга етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибор ҳам ижобий натижалар берди. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён этиб, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши каби хусусиятлари уни иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантиради. Мазкур соҳа тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида юртимизда кичик бизнес корхоналари сони сезиларли равишда ошиб борди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224,2 мингга етди, яъни деярли 14 баробар ўсди. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташкил этган эди (1.2.6-расм).



1.2.6-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши динамикаси.

Кичик бизнес ва хусусий талбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли ҳам муҳим аҳамият касб этиши сир эмас. Дарҳақиқат, талбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, аynи пайтда даромadini ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг иш билан, даромад билан таъминланиши учун моддий пойдевор яратали. Мамлакатимизда бу боралаги фаолият ҳам кенгайиб бормоқда: 2000—2008 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик соҳасида банд бўлган аҳоли сони 3,3 марта ошди. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра кичик бизнес ва хусусий талбиркорликда банд бўлганлар сони 8402,3 минг кишини, шу жумладан, якка талбиркорлар 6446,2 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмалардаги бандлар сони 1956,1 минг кишини ташкил этди. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2002 йилда 369,3 мингта, 2005 йилда 434,2 мингта, 2006 йилда 290 мингта, 2009 йилда 390 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Умуман олганда, бугунги кунда юртимизда янги яратилаётган иш ўринларининг ўрта ҳисобда 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар асосан ернинг ҳақиқий эгаси, омилкор ва талбиркор мулкдорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бу асосан фермерчиликни жадал ривожлантириш орқали амалга оширилди. Бунда зарар кўриб ишловчи ва истиқболсиз ширкат хўжалиklarини фермер хўжалиklarига айланттириш ўз самарасини берди. Ислохотлар даврида фермер хўжалиklари сонининг ўртача йиллик ўсиши 173,6 фоизни ташкил этди. Агар ислохотларнинг дастлабки даври — 1993 йилда фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжалиklarининг сони 7630 тадан иборат бўлган бўлса, 2008 йилга келиб фермер хўжалиklarининг сони 200 мингтадан ошиб кетди.

Фермер хўжалиklари фаолияти самаралдорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш чоралари амалга оширилди. Бунинг натижасида 2008 йилнинг 1 октябрга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалигининг ер майдонлари йириклаштирилиб, улар асосида 105033 та хўжалик ташкил этилди. Натижада битта фермер хўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27 гектар ўрнига ҳозирги вақтда 56 гектар ер майдони тўғри келмоқда. Шундан пахтачилик ва галлачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжалиklари сони 47,6 мингта бўлиб, битта фермер хўжалигига ўртача 92 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди. Бу эса фермер хўжалиklarининг самарали фаолияти учун янги рағбатлантирувчи омилларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларидан фойдаланиш салмоқли натижалар бермоқда. Агар 2004 йилда 201 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 135 та корхона иштирок этган бўлса, 2009 йилда 843 та лойиҳа бўйича 333 та корхона фаолият кўрсатган (1.2.7-расм).



1.2.7-расм. Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони.

2009 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2854,0 миллиард сўм ҳажмидаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб (ўтган йилга нисбатан 2,3 баробар ўсган), унинг импорт ўрнини босиш самараси 1,9 миллиард долларни ташкил этди. Жумладан, нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Қулай инвестиция муҳитининг яратилиши. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар натижасида юртимизда инвестиция ҳажми йилдан-йилга сезиларли даражада ортиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 8,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 124,8 фоиздан кўп лемакдир (1.2.8-расм).



1.2.8-расм. Ўзбекистонда инвестиция ҳажмининг ўсиш динамикаси.


Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада ошириш мақсадида 2009–2014 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унда умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан иборат 852 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Энг эътиборли жиҳати шундаки, мазкур дастурдан ўрин олган барча лойиҳалардан умумий қиймати 19,3 миллиард доллар ҳажмидаги 138 та лойиҳа инновацион лойиҳадир. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг яқин келажакда замонавий техника ва технологияларга, ишлаб чиқаришнинг илғор усуллариغا, фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланган рақобатдош иқтисодиётга айланишидан дарак беради.

Банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши. Банк тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида, жаҳонда молиявий инқироз кўлами кенгайиб бораётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам бўлмаслик ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турибди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўндир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қолирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Кейинги йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустақкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борала кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк активлари 12 триллион 65 миллиард сўмни, тижорат банкларининг жами капитали эса 2 триллион 104 миллиард сўмни ташкил этди. Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, аҳолининг банклардаги омонатларининг давлат томонидан қоплатилгани, энг муҳими, юртдошларимиз банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан аҳолига 400 дан ортиқ қулай омонат турларининг таклиф этилиши 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра омонатлар миқдорининг 2 триллион 750 миллиард сўмга етиши учун замин яратди (1.2.9-расм).




1.2.9-расм. Банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиш динамикаси.

Ҳозирги пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнидаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори 6 триллион 372 миллиард сўмни, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 1 триллион 534 миллиард сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 1 триллион 251 миллиард сўмни, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори эса 135,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш. Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали ҳам намоён бўлмоқда. Айтиш мумкинки, мустақил мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти янгича мазмун ва йўналишларда деярли қайтадан ташкил этилди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 1991 йил 1 январь ҳолатига кўра атиги 30 тани ташкил этар эди. 2009 йилнинг бошига келиб бундай корхоналар сони 4,3 мингтадан ошиб кетди, яъни 145 баробардан зиёд ўсди. Агар ташқи савдо айланмаси 1995 йилда 6,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 3,2 баробар ўсиб, 21,2 миллион АҚШ долларига етди (1.2.10-расм).

**Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси
ҳажмининг ўсиши (млрд. АҚШ долл.)**



1.2.10-расм. Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида сўз юри-тар эканмиз, шу ўринда БМТнинг жаҳон мамлакатларида рўй бераётган ҳолат-лар тўғрисидаги маълумотлари мазкур натижаларга янада реалроқ қараш, улар-ни муносиб баҳолаш имконини беради: «БМТ маълумотларига кўра, бугун жаҳоннинг 54 мамлактада аҳоли 1990 йилга нисбатан камбағаллашган. 21 мам-лакат аҳолисининг кўпчилиги очликдан азият чекмоқда. 34 мамлакатда аҳоли-нинг ўртача умр кўриш даражаси пасайган. 12 мамлакатда болаларнинг бошлан-гич умумтаълим мактабларига қатнашиш кўрсаткичи камайган. Дунёда 100 миллион бола мактабга бормаиди»¹ (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

**БМТнинг жаҳон мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий
кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумоти**

Кўрсаткич	Сони
Аҳолиси 1990 йилга нисбатан камбағаллашган мамлакатлар	54
Аҳолисининг кўпчилиги очликдан азият чекаётган мамлакатлар	21
Аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси пасайган мамлакатлар	34
Болаларнинг бошлангич умумтаълим мактабларига қатнашиш кўрсаткичи камайган мамлакатлар	12
Мактабга бормаидиган болалар	100 миллион

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан аён бўлмоқдаки, мамлакатимизнинг ўтган йиллар давомида қўлга киритган ютуқ ва марралари асосини тўғри танланган ва босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган мустақил тараққиёт йўли, оқилона ва самарали иқтисодий сиёсат, мамлакатимизнинг бой иқтисодий ресурс ва имко-

¹ Раҳмонов Д. Ижтимоий хизмат нима? // «Жамият ва бошқарув». 2009 йил, 3-сон, 42-б.

ниятлари ҳамда халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик йўлидаги филокорона меҳнати, шунингдек, ҳар биримизнинг эртанги кунга, келажакка бўлган қатъий ишончимиз ташкил этмоқда. Бу ўринда Юртбошимиз томонидан билдирилган қуйидаги фикрларни эслаш мақсадга мувофиқ бўлур эди: **«Ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшайётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз»**. Бу даъваткор сўзлар бизни ўз мустақиллигимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинч ва осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш йўлида янгидан-янги зафарларга, бунёдкорлик ишларига чорлаб турадиган ўзига хос ҳаётий шиорга айланиши муқаррар.

1.3. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЮКСАЛИШИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу жараёнда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун бўлмоғи лозим» деган сўзлари асосий тамойиллардан бирига айланди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида давлатимиз томонидан **иш ўрни ва етарли даромад ҳажмини таъминлашга** қатъи аҳамият берилди. Тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очилиши ва қулай шарт-шароитларнинг яратилиши, ўз навбатида, иқтисодиётнинг нодавлат секторида аҳолининг 79,1 фоизи банд бўлиши учун имкон туғдирди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида янги иш ўринларининг деярли 85 фоизи кичик бизнес соҳасида яратилгани ҳам ана шундай чуқур ўйланган ислоҳотлар натижасидир. Айниқса, кичик бизнес соҳасининг устувор ривожланиши туфайли бу тармоқ мамлакатимиз бўйича жами иш билан банд бўлган аҳолининг 74,2 фоизини қамраб олди. Банд бўлган ишчи кучининг асосий қисми иқтисодиётнинг реал секторига тўғри келмоқда (1.3.1-жадвал).

1991–1998 йиллар мобайнида давлат ихтиёрида бўлган 1 миллиондан ортиқ квартиранинг 98 фоизини фуқароларнинг хусусий мулкига айлантириш жараёнида ҳар 3 квартиранинг биттаси уруш фахрийлари, ўқитувчилар ва ижодкор зиёлиларга бепул берилганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар нафақат иқтисодиётнинг шакли ва мазмунини, энг муҳими, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг онгу тафаккурини ва дунёқарашини ўзгартирди. Вужудга келган эркинлик, ҳар бир кишига эркин меҳнат қилиш, фаолият соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконининг берилиши натижасида узоқ йиллар давомида боқимандалчилик кайфиятида юрган аҳоли орасидан эндиликда ишбилармон ва тадбиркорлар, моҳир хўжалик эгалари, ҳунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар етишиб чиқмоқда. Улар фақат давлатдан иш жойи ва иш ҳақи кутиб ўтирмасдан, балки ўзлари ҳаракат қилиб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш ўринларини яратишмоқда. Бундай натижаларни мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг ўзгариши мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишнинг ижроси

Кўрсаткичлар	Сони
Дастур бўйича яратилиши кўзда тутилган жами иш ўринлари	932554
Амалда яратилган жами иш ўринлари	940532
Йиллик прогнозга нисбатан бажарилиши, фоизда	100,9
Жумладан:	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан	391825
Уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобидан	196727
Корхоналар билан меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан	77466
Йирик объектларни ишга тушириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан	70535
Кўшимча чора-тадбирлар ҳисобидан (Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ва бошқа чора-тадбирлар асосида)	281445

1990 йили аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 69,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромад 7,6 фоизни, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад 3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу даромадларнинг улуши тегишли равишда қуйидагича ўзгарди: 29,7 фоиз, 27,0 фоиз, 28,1 фоиз. Бундан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар даражаси билан деярли бараварлашган.

Ижтимоий ҳимоя тамойили асосида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга молдий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида **мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш** масалаларига катта эътибор қаратилди. Масалан, фақатгина «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфлангани ҳам шундан далолат беради.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483600 миллион сўм, жумладан, 213200 миллион сўм бюджет маблағи, 270400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфланди;

— 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди;

– давлат бюджетидан 4600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, 28 та «Меҳрибонлик уйи» ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 114 та замонавий автобус, 4 та оилавий болалар уйига эса «Дамас» микроавтобуси берилди;

– ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзгорни бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди ва ҳ. к.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини тубдан мустақкамлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда. 2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткични деярли 60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бево-сита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 10,4 фоиз қисми (1431,9 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун умумий бюджет харажатларининг 2 фоиздан 5 фоизгача бўлган даражасини ташкил этадиган МДХнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларнинг изчил амалга оширилиши орқали **ижтимоий соҳа объектларининг ишга туширилиши**да ҳам муҳим натижалар қўлга киритилди. Жумладан, 2009 йил давомида қишлоқ жойларида 197,2 км узунликдаги табиий газ, 1665 км узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қувурларини тортиш, 366 та қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш бошқармаларини 2100 дона махсус техника билан таъминлаш, 134 та кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Умуман олганда, ҳулудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча равишда 1,3 миллион нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

Маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич, тадрижий асосда амалга оширилмоқда. Ўтган 19 йил давомида мустақиллик биз учун энг улғу, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзликимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустақкам ўрин эгаллади. Мустақиллигимизни қўлга киритгач, мамлакатимиз ўтмишига, халқимизнинг бой тарихий меросига, миллий маънавий

¹ Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // «Халқ сўзи», 2007 йил 8 декабрь.

қадрият ва анъаналарга бўлган муносабатимиз тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таърифланганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ироласини бақувват, иймон-этиқолини бутун қилалдиган, виждонини уйготалдиган беқиёс куч — маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Истиқлол даврида миллатимиз ва халқимизнинг турури, у ҳақдаги барча тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрам ва урф-одағларимиз яна маънавий мулкимизга айланди. Азиз-авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, даярли йўқ бўлиб кетини арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришини миллий маданиятимиз тарихини ўрганиш, у ҳақда ҳолисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осори атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий ва бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имкони туғилди.

Жаҳон маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди. Истиқлол шарофати ҳамда Президентимизнинг ташаббуслари билан буюк алломаларимизнинг таваллуд саналари кенг нишонланди (1.3.2-жадвал).

Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

Ислом Каримов

1.3.2-жадвал

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда алломаларнинг таваллуд саналарининг нишонланиши

Таваллуд санаси нишонланган йил	Алломалар	Таваллуд ёши
1991 йил	Алишер Навоий	550 йил
1993 йил	Заҳририддин Муҳаммад Бобур	510 йил
	Баҳоуддин Нақшбанд	675 йил
1994 йил	Мирзо Улуғбек	600 йил
1995 йил	Нажмиддин Кубро	850 йил
	Маҳмуд Замахшарий	920 йил
1996 йил	Амир Темур	660 йил
1998 йил	Имом Бухорий	1225 йил
	Аҳмад Фарғоний	1200 йил
1999 йил	Жалолиддин Мангуберди	800 йил
2000 йил	Бурҳонуддин Марғиноний	910 йил
	Камолиддин Беҳзод	545 йил
	Имом Абу Наср Мотуридий	1130 йил
2003 йил	Абдухолик Ғиждувоний	900 йил
2004 йил	Хожа Аҳрор Валий	600 йил

Маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, илм-фан, санъат, матбуот, спорт соҳаларида улуғ ажодларимизга бағишлаб турли йўналишлардаги китоб, мақола ва рисолалар чоп этилди, турли фильм ва спектакллар яратилди. Улоқ, кўпкари, кураш каби кўп асрлик миллий ўйинларимиз қайта тикланиб, кенг миқёсда оммалаштирилди.

Истиқлол йилларида маънавий-маърифий ишларнинг янги, давр талабига, миллий манфаатларимизга мос такомиллашган тизими шаклланди. Юзлаб музейлар, маданият уйлари ва саройлар, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида ватандошларимизга маънавий-маърифий хизмат кўрсата бошлади. 1994 йилдан бошлаб Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази (2006 йилда Республика маънавият тарғибот марказига айлантирилган), 1999 йилдан эса Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолият юритиб келмоқда.

Истиқлол йилларида биргина Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Темурийлар тарихи давлат музейи, Миллий академик театр биноси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Болалар ижодиёт маркази, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси каби кўплаб бир-биридан салобатли маданий иншоотлар барпо этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан бевосита шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 2143 та клуб муассасаси, 87 та музей, жумладан, 18 та тарихий, 25 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 16 та мемориал ва 18 та бошқа йўналишдаги музей ва 60 дан ортиқ маданият ва истироҳат боғи ҳамда 37 та профессионал театр жамоаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Маданият ва маърифат масканлари жамиятда ўзига хос ўрин тутиб келмоқда, айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотларнинг маъно-мазмунини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда улар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1.4. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсдаги ишлар олиб борилди. Хусусан, бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламентимизда ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар янада чуқурлаштирилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд тизими 5 йил муддатга сайланади. Судларни ташкил қилиш, уларнинг фаолият юритиш тартиби қонунлар асосида белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Қорақалпоғис-

тон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар судлари ҳамда хўжалик судларига бўлинали.

Маълумки, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиб, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш учун прокуратура органларининг суд жараёнларига аралашувини чеклаш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ҳуқуқларини суд тизимига ўтказиш каби йўналишларни белгилаб берган эди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида бутунги кунда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармон суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш сари қўйилган катта қадам бўлди.

БМТнинг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича қабул қилинган «Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги баённомасида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш белгилаб берилган эди. Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур баённома қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда «одам савдоси» ва «одамлардан фойдаланиш» тушунчаларига аниқ таъриф берилган, одам савдосига қарши курашиш тизимини ташкил этиш тартиби, бу соҳадаги ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

2008 йилнинг 7 январда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. 2008 йилнинг 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккита фармони — «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонлари суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.¹

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган қонунлар бутун дунёда катта қизиқиш ва эътибор

¹ «Халқ сўзи», 2008 йил 28 май.

уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиной жазо тизимларидан бири яратилди.

Демак, 2010 йилга келиб, Президентимиз ва парламентимиз саъй-ҳаракатлари билан учинчи ҳокимият — суд тизими соҳасида қуйидаги ислоҳотларни амалга оширишга эришилди:

1) жиной жазога санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга катта эътибор берилди;

2) адвокатлар (оқловчилар)нинг мавқеи ва роли оширилди; адвокатура институти ислоҳ қилинди;

3) жиной жазо тизими либераллаштирилиб, ўлим жазоси Жиной кодексдан (2008 йилнинг 1 январидан бошлаб) олиб ташланди ва унинг ўрнига узоқ муддатли, умрбод қамоқ жазоси белгилаш тартиби ўрнатилди; прокуратура фаолияти такомиллаштирилди;

4) суд мустақиллиги таъминланди;

5) фуқаролик ва жиной ишлар бўйича судлар ташкил қилинди;

6) судлар фаолияти моддий-техник ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда;

7) суд соҳаси учун кадрларни танлаш ва тайинлаш механизми мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди:

- судлар ихтисослаштирилди;


- фуқаролик ва жиной ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди;

- судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Ўзбекистонда жиной ишлар бўйича суд ишларини юритиш соҳасидаги тизимли ўзгаришлар, бу борадаги ислоҳотлар хорижий давлатларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётгани билан ажралиб туради. Жиной қонунчиликни эркинлаштириш натижасида жиной жавобгарликка тортилганлар сони ҳар 100 минг нафар аҳолига нисбатан 140 кишини ташкил этиб, бу МДҲ мамлакатлари орасида яхши кўрсаткич ҳисобланади. Таққослаш учун мазкур кўрсаткич Россияда — 580, Қозоғистонда — 380, АҚШда — 700 кишидан кўпроқни ташкил этишини қайд этиш мумкин (1.4.1-расм). Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг жиной, жиной-процессуал ва жиной-ижроия қонунчилигини эркинлаштиришга қаратилган чуқур ўйланган сиёсат натижаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда умрбод қамоқ жазоси фақат иккита жинойт тури учун — жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун қўлланади. Умрбод қамоқ жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда — 6 та, Данияда — 9 та, Грузияда — 11 та, Швецияда — 13 та, Беларуссияда — 14 та, Япония ва Озарбайжонда — 16 та, Қозоғистон ва

Кореяда – 17 та, Францияда – 18 та, Голландияда – 19 та, Молдовада – 24 та жиноят тури бўйича белгиланган.¹



1.4.1-расм. Жаҳоннинг турли мамлакатларида жиноий жавобгарликка тортилиш даражаси.

Мустақил тараққиёт даврида «судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди».²

Жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини тартибга солувчи қонунларнинг тўлақонли бўлиши ва изчиллигини таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди: давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар; тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга, шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар; хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишга қаратилган қонунлар; мамлакатимизни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормалар; кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунлар.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасида собиқ иттифоқдаги ҳуқуқ-тартибот тизимининг ҳам таназзулга юз тутиши умумий беқарорликнинг кучайиб, жиноятлар сонининг кескин ўсиб кетишига сабаб бўлган эди. Маълумотларга кўра, 1985–1990 йиллар давомида

¹ Данияров И. Курсом либерализации уголовно-правовой сферы // «Народное слово», 23 септябр 2008 года.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш йўлида. / Асарлар. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008, 13-б.

рўйхатга олинган барча жиноятларнинг сони 1,2 баробар ўсган. Бу жиноятлар таркибида, айниқса, фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш, талаш ва босқинчилик, қасддан одам ўлдириш, харидор ва буюртмачиларни алдаш каби жиноят турлари 2 баробар ошган. 1990 йилда қайд этилган жиноятларнинг ҳар саккизинчиси оғир жиноят ҳисобланар эди.

Шундай ҳолатдан келиб чиқиб, мамлакатимизда қонун устуворлигининг таъминланиши аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишига, унинг эртанги кунга бўлган ишончининг ошишига катта таъсир кўрсатди.

1.5. ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бунда мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсати ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсати негизига қуйидаги устувор тамойиллар асос қилиб олинди:

— давлат миллий манфаатларининг, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— барча низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

— бирор-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслик;

— тўла ишонч;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш.

Тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойили асосида турли давлатлар билан кенг кўламли алоқалар ўрнатилиши Ўзбекистонда жаҳон хўжалик алоқалари тизимида муваффақиятли интеграциялашув, халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни фаол ривожлантириш учун имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши — **қўшни давлатлар, аввало, минтақадаги давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдир.** Минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш — Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг гаровидир.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-бирдан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

Ислом Каримов

Шунга кўра, мустақил тараққиёт даврида интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шунингдек, лозимки, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Фарб, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари билан алоқаларни изчиллик билан ривожлантириб, мамлакатимиз уларни янги маъно-мазмун билан тўлдиришга интилоқда.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, Европа Иттифоқи билан сиёсий мулоқотлар, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон билан Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари, жумладан, АҚШ ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизликка таҳдид солувчи глобал жараёнлар — наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, оммавий қиргин қуролининг тарқатишга қарши кураш соҳасида ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ўзаро ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Осиёдаги, Яқин ва Ўрта Шарқдаги эътиқоди, анъаналари ва урф-одатлари ўзаро яқин бўлган мусулмон давлатлари билан ҳам тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш имкониятига эга бўлди. Ушбу давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқалар ривожланмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — бу *МДҲ давлатлари билан алоқалардир*. МДҲга аъзо давлатлар кўн томонлама ва икки томонлама асосда умумий ва миллий манфаатларни рўйбга чиқариш, самарали ҳамкорликни ривожлантириш имкониятига эга.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан яна бири — минтақавий ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлидаги халқаро ҳамкорликдир. Хавфсизликнинг ажралмас ва яхлит ҳолиса экани тўғрисидаги умумэътироф этилган асосий тамойилга асосланган ҳолда, Ўзбекистон халқаро тузилмаларнинг, энг аввало, БМТнинг халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги родини кучайтириш зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишни тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Европа қитъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман, минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга юртимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Жанубий Корея Республикаси, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатган.

Мустақил тараққиёт даврида «қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бутунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу тариқа юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди».¹

Бутунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган. Тошкентда 42 та элчихона, 1 та бош консулхона, 9 та фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломагик ва консуллик ваколатхонаси чет давлатларда ва халқаро ташкилотлар ҳузурида, шу жумладан, Нью-Йорк шаҳрида – БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, Женева шаҳрида – БМТнинг Европа бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлари ҳузуридаги ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. /Асарлар.16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008, 13-б.

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги 100 дан зиёд халқаро ташкилот аъзосидир. Улар орасида айниқса, БМТ, ШХТ ва МДХ нуфузли ташкилотлардир. Юртимизда Европа Иттифоқи ва НАТО билан яқин ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.¹

Ўзбекистон БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Европала хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти каби халқаро ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда ўз Қуроли Кучларини тузди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври яқунлангач, навбатдаги вазифа уни замон талаблари асосида ислоҳ қилишдан иборат бўлди. Бунда, аввало, кўшинлар кўлланишининг стратегик ва тактик жиҳатидан келиб чиқиб, асосий эътибор мамлакатимизни ҳимоя қила оладиган кўшинлар ва махсус кўшинларни тузишга қаратилди. Булар:

- Куруқликдаги кўшинлар;
- Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари;
- Махсус ва муҳандислик-қурувчилик кўшинлари;
- Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул кўшинлари;
- Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари;
- Чегара кўшинлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ 14-сессиясида эътибор Қуроли Кучлар, Чегара ва Ички кўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич чуқур ислоҳ этиш масалаларига қаратилди. Ислоҳотлар ҳақидаги қарорларни қабул қилишда Қуроли Кучларнинг жанговарлик қобилиятига фаол таъсир кўрсатувчи қуйидаги асосий омиллар ҳисобга олинди:

Биринчи омил – Қуроли Кучлар техникавий жиҳатдан яхши таъминланган ҳамда бошқарувнинг ишончли воситасига эга бўлиши лозимки, бу жанговар воситалар таркиби кам, аммо самарадорлиги юқори бўлган Қуроли Кучлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш имконини бериши зарур. Бу ўз ўрнида шахсий таркибнинг касбий малакаси юқори, техника ва қурол-аслаҳаларнинг жанговар имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш маҳорати аъло даражада бўлишини тақозо этади.

Иккинчи омил – Қуроли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз миқёсидаги ҳарбий ютуқлардан, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибалари ва

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий округлари:

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус шаҳрида);

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қарши шаҳрида);

Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах шаҳрида);

Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент шаҳрида);

Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон шаҳрида).

¹ Манба: <http://mfa.uz>.

илмий янгиликлардан фойдаланилди. Жанговар ҳаракатларнинг янгича усул ва шакллари пайдо бўлган шароитларда жанговар вазифаларни ҳал қилишнинг янада самарали имкониятларини излаш борасида фаол иш олиб борилди. Бунда, албатта, экстремизм ва халқаро терроризм фаолиятининг фаоллашуви каби янги таҳдидларга қарши кураш ҳам назарда тутилди.

Учинчи омил – Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлишидир. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, уларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. У жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустақам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қарагишга йўналтирилган.

2. ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

- 2.1. Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти – барқарор тараққиёт гарови
- 2.2. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити – ижтимоий-маънавий юксалиш омили
- 2.3. Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги – Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори

2.1. ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Яқин ўтмишда, собиқ Иттифоқ даврида халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортди. Шунинг учун у жабру ситам ва тугкунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қайтадан қуллик кишанига тушишни асло хоҳламайди.

Мустақил Ўзбекистон, аввало, мамлакатимиздаги барқарорликни, ўз халқининг тинч-осуда ҳаётини таъминлаш борасида тўғри ва одилона олиб борилган сиёсат туфайли барча жабҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Президентимиз истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ бу борада зарур чоратадбирларни кўрди, барча ижтимоий кучларни ягона мақсад сари бирлаштириб, сафарбар этди. Бугунги кунда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайли мамлакатимизнинг улкан ижобий натижаларга эришаётганини дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда, энг муҳими, халқимиз бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш лозимки, фақат мустақил давлат ва эркин жамиятгина тинчлик, осудалик асосида ислохотларни амалга ошириши мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, бундай тараққиёт йўли нечоғлик тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам ҳаққоний равишда қайд этмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган, тараққиётнинг

Халқаро терроризм кучлари қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда.

Ислом Каримов

Ўзбек модели деб аталган стратегик йўлимизнинг амалий натижасидир. Буни миллий тараққиёт моделимизнинг маъно-мазмунига сингиб кетган қуйидаги қоидалар мисолида ҳам кўриш мумкин:

- миллати, тили ва динидан қатъи назар, давлатимизда яшовчи барча кишилар учун муносиб тинч-осуда ҳаёт шароитини яратиб бериш;

- ҳар бир инсон учун ижтимоий қафолатланган турмуш даражасини ва эркинликларини таъминлаш;

- халқимизнинг қадриятлари ва менталитетига, миллий давлатчилик анъаналарига таяниш;

- дунё тажрибасининг илгор ютуқларига асосланиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш.

Мустақиллик йилларида тинч ва осуда ҳаётни барпо этиш мустақилликни қўлга киритишга нисбатан оғир ва масъулиятли вазифа эканига яна бир бор амин бўлдик. Маълумки, жаҳон тарихида ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин уни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, халқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жиддий ёндаша олмаслик сабабли яна бошқаларга қарам бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам кам эмас. Бу эса биздан доимо огоҳ бўлишни, мустақиллигимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, жумладан, диний экстремизм ва халқаро терроризм балосидан кўз қорачигидек асраб, ҳимоя қилиб яшашни талаб этади.

Дунёдаги турли террористик ва экстремистик кучлар, мафкуравий марказлар томонидан халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини бузишга қаратилган ҳаракатлар ҳам бўлиб турди. Албатта, бу қабиҳ кучлар ўз олдларига қўйган ғаразли ниятларини турли даъволар, «олижаноб», «эзгу» гоёлар билан қанчалик ниқобламасин, уларнинг пинҳоний мақсади - мустақил Ўзбекистонни эркин ва озод тараққиёт йўлидан қайтариш, халқимизни яна бошқа кўринишдаги қарамлик сиртмоғига солишдан иборат эди.

Ҳозирги кунда ҳам жаҳоннинг айрим минтақаларида бундай разил кучлар ва марказлар пухта ўйланган режа асосида, катта маблағ билан таъминланган ҳолда энг замонавий восита ва имкониятларга эга бўлган тарзда ҳаракат қилмоқда. Улардан бири «Ҳизбут-таҳрир» диний-экстремистик оқимидир. Мазкур диний оқим тарафдорлари ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсонавий гоёни олдинга суради. Яъни, гўё дунёдаги барча мусулмонлар «халифалик» деб ном олган ягона диний давлатга бирлашиши керак ва уни битта халифа бошқариши зарур эмиш. Ҳолбуки, ҳозирги ХХІ асрдаги шароит бундан минг йиллар олдинги шароитдан тубдан фарқ қилади. Биз юксак технологиялар асрида, ахборот ва тафаккур асрида яшамоқдамиз. Тарихни орқага қайтариш мумкин эмас. «Ҳизбут-таҳрир» диний оқими, унинг ақидапараст «доҳий»ла-

Биз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз, Ватанимизни кўз қорачигидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Ислом Каримов

ри жаҳон харитасини ўзгартиришга, халқларни ўрта асрларда ҳукм сурган жаҳолат даврига қайтаришга қанчалик уринмасин, улар ўз ёвуз ниятларига эриша олмайди. Биз, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, «қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз».¹

Бизнинг мустақил ва эркин ҳаётимизга қарши қаратилган ҳаракатларнинг илдири мамлакатимиз таниқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремистик марказларга бевосита боғлиқ эканига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов бу масалани ўз асарларида, нуфузли минбарлардан сўзлаётган нутқ ва маърузаларида етарлича далиллар билан исботлаб келмоқда.

Шу ўринда афсус билан таъкидлаш керакки, бизнинг онгимизда тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Тўғри, бу масалага, авваламбор, мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётгий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаллас бурчи бўлмоғи керак. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, «мана шундай тинч, осуда ва мазмунли ҳаётимизнинг қадрига етиш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш учун, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир».²

Шунинг учун ҳам бугун ҳар биримиз «тинчлик-осойишталикни, шу тинч ва осуда ҳаётни, мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қилишман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

«Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорни Президентимиз кўп марта такрорлайдилар. Бугунги кунда мана

шу долзарб вазифага барчамиз етарли аҳамият беришимизми? Афсуски, баъзи жойларда бу борада ҳануз бегамлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Ислоҳ Каримов

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. 6–б.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 37-бет.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласида таъкидланганидек, «Тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъматидир, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин «тинчлик бўлсин», деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмунини нечоғлик теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмунини англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди... Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак».

2010 йилнинг 11–15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган қочоқларга зарур шарт-шароитларни яратиш бериш, беминнат ёрдам кўрсатишда халқимизнинг юксак фазилатлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Мана шундай ўта қалтис вазиятда айнан бизнинг Президентимиз, бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутилиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб аланга олиб кетишига йўл қўйилмади.

2010 йил 18 июнь куни Президентимиз Бухоро вилоятининг Вобкент туманида қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатда бу воқеалар ҳақида атрофлича фикр билдириб, «Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаганмиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга фақат омонлик, тинчлик тилайман»,¹ деб таъкидлади.

Мамлакатимиз фуқаролари ва жаҳон жамоатчилиги бу воқеаларга ўз вақтида холис баҳо берди. Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим. Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан муҳим», деган фикрлари ҳаммамизни яна бир карра огоҳ бўлишга, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка, гўзал ҳаётимизнинг қадрига етишга даъват этади.

2.2. ЎЗАРО ҲУРМАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ — ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» аса-рида Шарқ оламида, хусусан, Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туй-гуси гоят муҳим аҳамият касб этишини баён этиб, эзгу одатимизга айланиб

¹ Луқмонов В., Тўрақулов О., Ёдгоров Э. Изчил ислохотларнинг амалий натижалари // «Халқ сўзи», 2010 йил 19 июнь.

Мен хавфсизлик, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи биз учун нақадар долзарб эканлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Буни яқинда қўшни давлат ҳудудида юз берган воқеалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ислом Каримов

кетган меҳр-оқибат тушунчасининг теран тарихий, миллий, диний илдиэлари борлигини таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бундай туйғу ва тушунчалар, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшинининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош билан, оиланинги оила билан, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, силқидилдан, бсга-раз ёрдам бсришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ота-боболаримиз неча асрлардан буён шу минтақада қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бутун ҳам эл-юртимиз ана шундай дўстлик, ҳам-корликни қўлаб-қувватламоқда. Бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этади.

Ғарб оламида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат устунлигини кузатамиз. Гегель Ғарбни ғоялар, қонун-қоидалар дунёси бошқарса, Шарқни урф-одатлар, қадриятлар бошқаради, деганида ҳақ эди. Минг афсуски, шундай тарихий ҳақиқатни англамаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг 19 йиллик мустақил тараққиёт йўли даврида бағрикенглик олижаноб фазилят сифатида қадрланиб, улугланиб келмоқда.

Бағрикенглик (толерантлик) — бу ҳар хил эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида мамлакатимизни ривожлантириш учун асос бўладиган қуйидаги маънавий-ахлоқий негизларни кўрсатиб берган эди:

- 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- 2) халқларнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- 4) ватанпарварлик (филоийлик, жасорат, талбиркорлик каби тушунчалар билан боғлиқ).

Ўтган 19 йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимизнинг яқин ва олис ўтмишига, аждоқларимизнинг бой тарихий меросига,

Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамыз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадрқиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

Ислом Каримов

маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Аён-ки, мустақиллик учун кураш маънавий жиҳатдан баркамолликка интиланган фуқаро ва халқ томонидангина амалга оширилади. Онгли, маънавияти кучли халқ барча қийинчиликларга чидаши мумкин. Аммо эрксизлик, қулликка чидай олмайди. Маънавияти юксак халқ ўз тарихи, тили, маданияти, қадриятлари, анъаналарини сақлаб қолишни ўзининг фуқаролик бурчи, деб билади.

Шубҳасиз, бундай дунёқараш ўзини англаган халқни ҳаракатга келтиради. Эрон аҳамонийларига қарши 200, грек-македонларга қарши 180, араб истилочиларига қарши 200, мўғул босқинчиларига қарши 150, чоризм ва коммунистик мафкура ҳукмронлигига қарши олиб борилган 130 йиллик курашлар замирида ҳам аслида мустақиллик ғоялари, юксак маънавият, ўзини англашга интилиш, миллат ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ётибди.

Шунинг учун ҳам истиқлол даврида маънавиятга миллий тараққиётимизнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилди.

Миллий маданиятимизни, тарихимизни ўрганиш, улар ҳақида холисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратилди. Осори атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг мустақил ва эркин ҳаёт йўлидаги шонли курашлари, бунёдкор фаолияти ва меросини тўлақонли ёритиш имкони туғилди.

Айни пайтда миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда нишонланди.

Кўплаб Шарқ алломаларининг нодир асарлари она тилимизга таржима қилиниб, нашр этилди. Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган юртдошларимизнинг номи абадийлаштирилди. «Шаҳидлар хотираси» хиёбони, «Хотира майдони» барпо этилди. Диний байрамларимиз – Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, халқимизнинг қалимий байрами – Наврўз қайта тикланди.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кўпгина буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз қатори Абдулхолиқ Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборақ сиймоларини ёд этиб, уларнинг маънавият оламидаги ролига юксак баҳо беради.

2007 йил дунёдаги нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.

Ислом Каримов

бўйича тузилмаси АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Бу халқимизнинг ислом дини ривожига қўшган буюк ва беқиёс ҳиссасининг яна бир ҳаққоний эътирофи бўлди.

Диний багрикенглик (толеранглик) гоёси – тинчлик ва миллий хавфсизликнинг муҳим омилларидан бири. Диний багрикенглик миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, турли диний эътиқоддаги кишиларнинг ягона умуммиллий мақсад ва манфаатлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб янашани англатади.

Бугунги кунда юртимизда 17 та диний конфессия (уюшма), 3000 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Тошкент Ислам университети, 14 та мадраса, 400 га яқин исломий диний ўқув муассасаси ишлаб турибди. Диний таълимот масканларида 4200 дан ортиқ ёшлар дин асосларини ҳамда дунёвий билимларни ўрганмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг ўзига хос самарали тизими юзага келди. Юзлаб санъат ва маданият масканлари, музейлар, маданият уйлари ва саройлар, ахборот-ресурс марказлари, истироҳат боғлари, хиёбонлар маънавий-маърифий тарғибот марказларига айланиб, эл-юртимизга хизмат кўрсата бошладди. Жумладан, ҳозирда Республика маънавият тарғибот марказининг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари кенг фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикаимиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида яна қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Юртимизнинг барча вилоятлари, йирик шаҳарлари ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, Мустақиллик куни, Наврўз, Мсҳржон байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, ёш истеъдод соҳиблари, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик-танловлари, «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Энг улуг, энг азиз», «Келажак овози» ва бошқа кўрик-танловлар мунтазам ўтказилмоқда.

2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатагон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 31 август тонгида бу масканда халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилиш, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллариининг бу ерга келиб, марҳумларни ёд этиши, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланди.

Мустақилликни қўлга киритишимиз шарофати билан мустабид тузум даврида топталиб келинган миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз қайта тикланиб, бугунги миллий-маънавий тараққиётимизга хизмат қилмоқда. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаида таъкидланганидек: «Айни пайт-

да юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англр эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одаг ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан ёппасига бестартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қитмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди». Ушбу китобда маънавиятнинг миллий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти, уни ўзлаштириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».¹ Бу концептуал гоя бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантиришда давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бири сифатида ижобий натижалар бермоқда.

Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади.

Ислом Каримов

Бугунги кунда ОАВ, хусусан, телевидение маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб келмоқда. Аммо жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган «оммавий маданият» экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган бузилишлар инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чиқариши, инсон ва жамият ўз маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилиши мумкин. Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... коммунисттик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак... Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваламбор, эзгу инсоний ғоялар ва юксак

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008. 117-б.

маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маланий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт». Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазаларида «оммавий маланият»нинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда мусиқа, маланият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди. Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, юксак истеъдодли ижрочилар танловлари ва кўргазмаларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилари сони кўнаиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маланий жамоатчилиги ўртасида кенг шуҳрат қозонмоқда.

Маълумки, маланий-маънавий ривожланишнинг энг муҳим пойдевори — таълим тизимидир. Чунки замон талабларига жавоб берадиган, илгор фан-техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни этиштирмасдан туриб жамиятни юксалтириб бўлмайди. Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасидаги эски тузумдан мерос бўлиб қолган нохуш ҳолатларни бартараф этишга, уни тубдан ислоҳ этишга, халқаро талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга қатъият билан киришилди. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлди. Дастурга кўра, юртимизда таълим ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилди ва ҳозирги кунда янада такомиллаштирилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистонга хос энг муҳим хусусияти — янги турдаги 3 йиллик ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими тизимини яратишдан иборат вазифа собитқаламлик билан амалга оширилди. Замоनावий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари, дарсликлар, қўлланмалар яратилди ва ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари, интерактив усуллар татбиқ этилди.

Олий таълимда бакалаврият ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига мос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай деган эди: «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайратшижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маланиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маланияти дурдоналаридан

Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавийтимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса, ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, «оммавий маланият» шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

Ислам Каримов

бахраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилди. Бу дастур АҚШдан сўнг дунёда иккинчи бор фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бутунги кунда турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибамизни катта қизиқиш билан тўла ўрганмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3 босқичдаги ислохотлар асосида амалга оширилди.

1-босқич — 1997—2001 йилларда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлари яратилди. Бу даврда давлат томонидан қўшимча равишда 65 миллиард сўм маблағ сарф қилинди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моддий-техник базасини яратиш даври деб номланди.

2-босқич 2001—2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи деб ном олди.

3-босқич 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ҳам ўз ичига олади. Бу босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб таҳлил этилмоқда. Шу асосда юртимизда шаклланган янги таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам бу босқич таълим тизимининг модернизация даври деб аталмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маросимдаги (2009 йил 5 декабрь) маърузасида таъкидлаганидек, «бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади».

Ҳақиқатан ҳам, бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди, реконструкция қилинди. Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 мингдан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бутунги кунда қишлоқ хўжалигида, бошқарув тизимида, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқда. Юртимизда жами 1 минг 957 та мактаб қурилди ва реконструкция қилинди. 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларида бунёд этилди. Ҳозирда Ўзбекистонда 9772 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд.

Таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар юртимизда маданият ва маърифатни янада юксалтиришдек дунёдаги энг эзгу мақсадлардан бирига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 63 та олий ўқув юрти, жумладан, 20 та университет фаолият кўрсатмоқда. 400 мингдан зиёд талаба юксак замонавий талаблар асосида таҳсил олмоқда.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Жумладан, Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети иш бошлади. И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисликларга бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмақда ва ўз малакасини оширмақда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўнлаб симпозиумлар, конференция ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби гурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Ўзбекистонда давлат томонидан миллий тараққиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган яна бир ўта муҳим ва долзарб масала — турли миллат ва этник гуруҳларнинг ривожига мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги миллий сиёсат қўйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг ривожига учун шароит яратилди;

— миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминланди;

— давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликлар ҳисобга олинди;

— миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик муҳити шаклланди;

— ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакиллариининг ҳар томонлама иштироки таъминланди;

— мамлакатимизда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилишига, уларнинг фаолиятига йўл қўйилмади.

**Ўзбекистонда турли миллат вакиллари томонидан тузилган миллий
маданий марказ (МММ)лар**

Ўзбекистонда МММни ташкил этган миллатлар	Ташкил этилган МММлар сони	Ўзбекистонда МММни ташкил этган миллатлар	Ташкил этилган МММлар сони
Корейслар	31	Уйғурлар	3
Руслар	23	Бухоро яхудийлари	3
Тожиклар	10	Белоруслар	2
Татарлар	9	Қрим татарлар	2
Шу жумладан, бошқирд татарлари	3	Араблар	1
Озарбайжонлар	8	Болгарлар	1
Туркманлар	7	Бошқирдлар	1
Украинлар	6	Греklar	1
Қирғизлар	6	Грузинлар	1
Турклар	5	Литвалиklar	1
Европа яхудийлари	5	Қорақалпоқлар	1
Немислар	4	Хитойлар	1
Поляклар	4	Дунганлар	1
Арманлар	4	Жами	141

Ўзбекистонда 137 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги миллатлараро аҳиллик ва тотувликни таъминлашда хизматлари катта бўлган 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 14 таси республика миллий маданий маркази мақомига эга (2.2.1-жадвал).

Мустақиллик йилларида Республика байналминал маданият маркази ва МММ фаолларидан 71 киши давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Шу жумладан, 32 киши «Дўстлик» ордени билан, 2 киши «Меҳнат шухрати» ордени билан, 13 киши «Шухрат» медали билан мукофотланди. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилди. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг теле-радио каналлари орқали 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиздаги газеталар 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман) босилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилмоқда.

Миллатлараро тотувлик гоёси азал-азалдан эзгу умумбашарий қадриятлардан бири бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутди, улар учун тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилиб келди.

Бугунги Ўзбекистон мисолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топаётгани нафақат юртимиздаги, балки хорижлик мутахассислар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

2.3. МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деган мавзудаги маърузасида юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларининг энг асосий ва устувор жиҳатларини яна бир бор таъкидлаб ўтди. «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янала чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан огишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»,¹ деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиз аҳолисининг кўнмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баён этилган бўлиб, улар аввало, бутун дунёда эътироф этилган умумбашарий қадриятларга, тамойилларга асосланган.

Дунёда эътироф этилган **умумбашарий қадрият ва тамойиллар қуйидагилардан иборат:**

- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, яъни қонун олдида тенг экани;
- давлатнинг асосий вакилик органларига сайланиш, яъни ҳокимият органларининг эркин ва адолатли сайловлар асосида сайланиши;
- очиқ ва ҳисоб берувчи ҳукумат;
- давлат ҳокимияти органларининг бўлиниш принципи: қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимиятларининг ва оммавий ахборот воситалари («тўртинчи ҳокимият»)нинг мустақиллиги;
- сўз, матбуот, виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги;

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 34-б.

- фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг мавжудлиги ҳамда тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шаклланган давлат органларининг сайлаб қўйилган органлар олдида ҳисоб бериб туриши;
- жамиятда кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- давлат ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган умумий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;
- сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши;
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар рангбаранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг амалий ҳаётга жорий этилишининг таъминланиши ва ҳ.к.

Ушбу умумбашарий қадрият ва тамойиллар Ўзбекистоннинг Конституцияси, асосий қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топган ҳамда улар шахс, жамият ва давлат фаолиятига, амалиётга жорий этилмоқда.

Миллий маънавий қадриятлар – муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, унинг эзгу манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар миллий маънавий қадриятлардир (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Маънавий қадриятларнинг таркибий тузилиши.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг қуйидаги тамойиллари таъминланди:

- халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳиятининг устуворлиги;
- халқ онгида устувор бўлган фикр: дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқин ҳамкорликда яшаш;
- оила, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътиборнинг бутун жамиятни ҳурмат қилиш билан уйғунлиги;

– миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат уни севиш билан уйғунлашиб кетгани;

– каттага ҳурмат, кичикка иззат;

– аёл зотига эҳтиром, яъни муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш;

– сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

– ҳалоллик, меҳр-оқибат;

– азалий қадриятлар, урф-одатлар, миллий-маънавий меросни қайта тиклаш, ривожлантириш.

Умумбашарий қадриятлар сифатида инсон, Ватан, интеллектуал мулк, демократик сайловларни кўрсатиш мумкин.

Президентимиз «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда». Масалан, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳаширалари бунинг тасдиғидир.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик гоёси миллий истиқлол гоёси ва мафкурасининг асосий устунларидан бири бўлиб, у умумбашарий қадрият саналади. У турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилаб берадиган муҳим омилга айланмоқда, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг қуйидаги принципларига амал қилинмоқда:

– барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

– миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка таяниш;

– турли миллий маданиятлар ривожини учун йўл очиб бериш;

– бошқа миллат ва элат вакилларига ҳурмат билан қараш;

– миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлигини таъминлаш.

Мустақиллик йилларида демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда тарихий анъаналаримиз, миллий хусусиятларимиз ҳамда миллий қадриятларимиз янада бойиб бормоқда ва ҳаётимизга кенг жорий этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Баркамол авлод йили» муносабати билан ишлаб чиқиладиган

Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-маъмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шартини ва мезонини бўлиши даркор.

Ислом Каримов

давлат дастурида бошқа муҳим вазифалар қатори ёшларда миллий ва маънавий қадриятларни юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, қуйидагиларни баён қилди: «Маълумки, бутунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли ингилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор».

«Оммавий маданият»ни асосан Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳолиса деб тушуниш, уни гоёсизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. XX асрда радио, телевидение, кино санъати, видео ва компьютер техникасининг пайдо бўлиши натижасида «оммавий маданият» янада авж олиб кетди. Бу ҳақда гап кетганда, оммавий маданиятнинг ҳақиқий ва сохта кўринишларини фарқлаш лозим. Маълумки, дунёдаги ҳар бир халқ маданиятида унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган ҳақиқий оммавий маданият намуналари бўлади. Жумладан, бизнинг миллий маданиятимизда «Тоҳир ва Зухра», «Маҳаллада дув-дув гап» кинофильмлари, «Келинлар кўзғолони», «Олтин девор» спектакллари ана шундай ҳақиқий оммавий маданият намуналаридир. Айни пайтда ана шундай халқ дилига яқин асарларни ҳаётимиздан сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнини эгаллашга уринадиган сохта «оммавий маданият» турлари ҳам борки, улардан доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим. Улар, асосан, турли хорижий сериаллар, енгил-елпи китоблар, жангари фильмлар, беҳаё тасвирлар сифатида тарқалиб, ёшларимизнинг қалби ва онгини бузади.

Бутунги кунда «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга кириб келаётган хуружлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида «оммавий маданият»дан фойдаланиши;

2) одамларнинг, ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқариб, сохта гоё ва мафкураларни тарғиб этишга уриниш;

3) ғаразли мақсадларни амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

4) мафкуравий тарбия, мустақил тафаккурни издан чиқаришга уриниш.

Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнге жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқлардан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Ислом Каримов

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бутунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақалар муҳим эканлигини англаб олмоқда.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимизда 19 йиллик тарихан қисқа муддатда, мустақил тараққиётнинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бутунги кунда халқимиз томонидан босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ қилишда, яъни ҳаёт ҳақиқатини ёритишда, қўлга киритилган натижаларни жамоатчиликка етказишда биз баъзан ҳаётдан орқала қолмоқдамиз. Хусусан, истиқлол замонида диёримизда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг замини ва омилларини кўрсатишда далилроқ ва қатъийроқ бўлишимиз лозим. Мустақиллик ўзбек халқига қандайдир туҳфа тариқасида тақдим этилмаганини ҳар тарафлама ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий изланишлар ва кенг таҳлиллар ҳозирги кунда ўта долзарбдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 19 йиллик мустақил тараққиёт йўлининг бутун мураккаблиги ва қамрови билан ёритиб бериш Ватанимизнинг истиқлол тарихини ўрганишда, уни тарғиб этишда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

3. ВАТАН ТАҚДИРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ – МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ

- 3.1. Маънавий ҳаётимизда Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси**
- 3.2. Бетакрор миллий меросимизнинг тикланиши**
- 3.3. Кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз – миллий ўзлигимиз тимсоли**
- 3.4. Диний бағрикенглик – ижтимоий барқарорлик мезони**
- 3.5. Бой тарихимизнинг тикланиши**

3.1. МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ВАТАН ТАҚДИРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бирон-бир халқ ўз тарихини билмасдан, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмасдан, уни янада ривожлантирмасдан туриб ўз келажагини тасаввур эта олмайди.

Бироқ, ўтмишга мурожаат қилишдан аввал, унга бўлган муносабатни холис ва ҳаққоний йўлга солиш керак. Бусиз тарихни холисона яратиш мумкин эмас. XXI аср бўсағасида Ватанимиз тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди. Дунё харитасида яна бир мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ҳар бир халқ, ҳар қайси мамлакат ўзининг бетакрор тарихига эга бўлганидек, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи ҳам бой ва сермазмундир.

Тарихий воқеаларни ўрганишда илмий, назарий-методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жула катта. Шўролар даврида уни ўқитиш ва ўрганиш ишлари марксистик методологияга бўйсундирилди. Ҳар қандай воқеани ёритишга коммунистик мафкуравийлик, партиявийлик, синфийлик нуқтаи назардан ёндашилди. Оқибатда кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар сохталаштирилди, ўтмишимиз ноҳақ қораланди, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз ҳақоратланди. Улар ёш авлодга хурофот, эскилик сарқити деб ўргатилди. Тарих фақат жангу жадал, уруш ва қирғин, синфий зиддиятлардан иборатдек қилиб кўрсатилди.

Маълумки, тарихда ҳеч бир халқ ёки миллат ўз озодлиги ва мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Жумладан, бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳам асрлар давомида босқинчилар зулми остида яшаб, доимо озодлик учун курашиб келди. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Таробий, Амир Темур сингари қаҳрамон аждодларимиз бошчилигидаги курашлар, сўнгги 130 йилдан ортиқроқ исканжа ва истибдод даврида кечган озодлик курашлари бу фикрларни яққол исботлайди. Шу билан бирга, истиқлолга эришиш ва

унинг неъматларидан баҳраманд бўлиш бир кунлик ва ҳатто бир неча йиллик иш эмаслиги ҳам тарихдан аёндыр.

Шунинг учун ҳам биз бугун эришган истиқлолимиз не-не қурбонлар, тинимсиз курашлар эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон ёлдан чиқармаслигимиз лозим.

Халқимизнинг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда биз қураётган буюк давлат асослари ана шу қадимий пойдеворга таянади. Тарихий илдишлар бор жойлагина тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлар ҳам буни тасдиқлайди. Бу қоидалар бугунги кунда мустақкам асосда барно этилаётган мустақил ўзбек давлатчилиги мисолида яна бир бор амалий ифодасини топмоқда.

Албатта, неча асрлик курашлар оловида куйиб-ёнган бу табаррук замин, жонажон Ватанамиз — Ўзбекистон ўзининг огир, мусибатли тарихи билангина эмас, балки жаҳон маланиятига ўз муносиб ҳиссасини кўнган фозилу фузалоларни стиптириб бергани билан ҳам машҳурдыр.

Ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришишга чорлаган миллий истиқлол ғояси бизнинг саъй-ҳаракатларимиз мезонига айланиб, биз собиқ тизимдан мерос иллатлар — қарамлик, боқимандалик кайфиятидан тўла озод бўла бошладик. Мустақиллик даврида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар туфайли келажак тақдиримиз фақат ўз фаолиятимизга, ўзимизнинг кучимиз ва салоҳиятимизга боғлиқ эканига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Биз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек мақсад сари қадам ташламоқдамиз. Бундай дадил қадамларимизда маънавиятга эътибор ва унга интилиш асосий роль ўйнамоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маънавиятга муҳим аҳамият берилмоқда.

Мустақиллигимизнинг уч таянчи — мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақилликнинг замини мўрт бўлади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди. Юртимизда ана шу уч таянчнинг ўзаро уйғунлиги таъминлангани Ўзбекистоннинг улуг юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан сўнг олдимизда турган долзарб муаммолардан асосийси — янги тарихий шароитда жамиятга, эл-юрт ишига ҳар томонлама муносиб, жисмонан стук, онгу тафаккури юксак, маънавий баркамол инсонларни тарбиялашдан иборат эди. Бундай буюк ва олижаноб вазифани бажариш эса аввалги ўн йилликлар давомида элимиздан яшириб,

Бугун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдыр. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Ислом Каримов

тақиқлаб келинган халқимизнинг кўп минг йиллик маданий меросини, унинг ҳақиқий жонли тарихини тиклаш, кенг, холисона ёритиб, тарғиб этиш билан бевосита боғлиқ эди. Чунки ажлодларимиз томонидан яратилган қадимий маънавий ва маданий мерос қанчадан-қанча тарихий-сиёсий жараёнлардан, тазйиқ ва тақиқлардан, замонлар синовидан шу кунларгача эсон-омон ўтиб, сақланиб келган эди. Биз Юртбошимизнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсати, халқимизнинг азму шижоати туфайли ана шу мураккаб вазифани ҳал этиб, ажлодлардан мерос буюк маънавий хазинани ўзимизнинг бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, эртанги ёруғ келажагимиз учун хизмат қилдиришга эришмоқдамиз.

3.2. БЕТАКРОР МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов собиқ мустамлакачилик даврига шундай таъриф берган эди: «Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-ажлодини билмайдиган манқуртларга таянар, халқ онгини, унинг барча фаолиятини марказ измига бўйсундириш асосан ўшаларга ишониб топширилган эди».

Мустабид мафкура бизнинг неча минг йиллик маънавий меросимиз, миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳи учун мутлақо бегона бўлиб, фақат сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида четдан зўравонлик йўли билан киритилган, шафқатсиз усуллар билан онгимизга синдирилган эди. «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз, — деб ёзган эди Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, — бу гул билан қопланган йўл эмас, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир».¹

Бугунги кунда ҳам янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб. Миллий мафкурани янада бойитиш ва кучайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш ҳозирги даврнинг ҳам энг муҳим вазифасидир. Мустақиллик масъулияти айни шу вазифаларни мукамал ҳал этишни тақозо қилмоқда.

«Биз, — дейди Президент Ислом Каримов, — иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз».² Чунки халқ маънавияти ўнганмагунча на ижтимоий-сиёсий жараёнларда, на иқтисодий соҳада жиддий янгилашнишлар юз берали.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутуди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк ажлодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, ватанпарварлик, халқларварлик, шу заминга муҳаббат ва садоқат руҳидаги янги фуқаролик онгини шакллантирмоғи зарур. Мамлакатимиз тарихида сиёсий ақл-идрок би-

¹ *И. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: «Ўзбекистон». 1996 йил. 359-б.

² *И. Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: «Ўзбекистон». 1996 йил. 35-б.

лан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўшлаб буюк аждоғларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихорига айландилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълуми машҳурдир.

Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Буюк аждоғларимизнинг улуг номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир. Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзла ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламадан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқинлиги – ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам берали.

Мустақиллик йилларида бой меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўнган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халқаро миқёсдаги мавқеи тобора ошиб бормоқда. Бунинг яққол мисоли 1997 йилда ЮНЕСКО ижроия кенгаши аъзолигига Ўзбекистоннинг сайланиши ва 1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155-сессияси ўтказилганидир. Унда Ўзбекистоннинг таклифи билан «Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти» деган ҳужжат қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида буюк шахсларнинг хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорликлар мажмуаси жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий гурурни янада камол тойтириш ҳамда халқимиз, ёшларимиз онгига миллий мафкурамиз асосларини синглиришга, дунё халқларига ўзбек давлатчилигининг илдиэлари нақалар бақувват эканини намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 2700 дан зиёд тарихий ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган. Шундан 806 таси архитектура, 1500 таси архсологик, қолганлари эса монументал ёдгорликлардир. 2001 йили Самарқанд «Маданиятлар чорраҳаси» номинацияси бўйича ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эди. Бинобарин, Самарқандни ва унда қад ростлаб турган бетакрор обидаларни асраб-авайлаш, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бутун инсониятга даҳлдор бўлган олижаноб вази-фадир. Мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Самарқанд замини

ҳам янада обод бўлиб, бу ердаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Регистон ансамбли, Ҳазрати Хизр ва Бибихоним масжидлари, Шоҳи Зинда мажмуаси каби нодир ёдгорликларда олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишлари натижасида уларнинг чиройи очилиб, бутунги кунда сайёҳлару зиёратчилар олдида бутун маҳобати ва гўзаллигини намойиш этиб турибди.¹

Буюк алломаларимизнинг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари янгиликдан кашф этилиб, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди. Жумладан, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Термизий, Бурҳонуддин Маргиноний, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Шарафиддин Али Яздий, Азизиддин Насафий каби улуғ зотларнинг мероси бутун дунёга тарғиб этилмоқда.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби жасур шоир ва ёзувчиларнинг номлари, адабий-бадий мероси тикланиб, ҳурмати жойига қўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, иккинчи жаҳон урушида жонини фидо этган халқимизнинг муносиб фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хотира майдони» барпо этилди.

Мустақиллик йилларида XIX аср охири ва XX асрнинг I ярмида халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш учун фидоийлик кўрсатган жадид маърифатпарварларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Отажон Ҳошимов, Боту, Элбек каби инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, ижодидан намуналар кўплаб миқёсда нашр қилиниб, халқимизга тақдим этилди.

Шарқ халқларининг, жумладан, Туронзамин халқларининг қадимги севимли байрами бўлмиш Наврўз айёмига мустабил тузум лаврила, афсуски, диний, реакцион байрам сифатида ёндашилиб, уни кснг нишонлашга йўл берилмади.

Мустақиллигимиз шарофати билан Наврўз байрами юртимизда ҳар йили халқимиз томонидан кенг ва ниҳоятда тантанали нишонланадиган улкан байрамимизга айланди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсадмуддаоларимизга етиш, айти пайт-

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида, айниқса ёрқин намоён бўлади. Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Ислом Каримов

¹ Маданий меросимиз муҳофазада.// www.region.uz.

да халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омишлар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий гурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Ўн тўққиз йил тарих олдида бир лаҳза. Аммо бизнинг ўтган ҳар бир йилимиз асрларга тенг, десак, муболаға бўлмайди. Бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ҳар бир кунимизни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг навбатдаги қутлуғ 19 йиллик санасини катта шоду хуррамлик билан нишонлаётганимизнинг ўзи танлаган йўлимизнинг тўғрилигига, эртанги кунимизга, ўз кучимиз ва қудратимизга бўлган ишончимизнинг яна бир амалий ифодаси, Ватанимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюклигидан далолатдир.

Чиндан ҳам, истиқлол туфайли бой тарихимиз ва маланий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, лину диёнатимиз қайта тикланди. Қон-қонимизга сингиб кетган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий қиёфамизнинг ёрқин намоёни сифатида бизни дунёга танитди. Бу бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

3.3. КЎҲНА УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ — МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Маълумки, юртимизнинг ҳар бир вилояти ва минтақасида айнан шу жойга хос бўлган бстакрор урф-одат, анъана, маросимлар мавжуд. Ўтган 19 йил давомида мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги ана шундай анъана ва қадриятларни тиклаш, тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бундай амалий ишлар ҳақида гапирганда, Жиззахдаги анъанавий «Халқ ўйинлари» фестивали, Бойсунда ўтказилалиган «Халқ фольклор ансамбллари» фестивали каби миллий анъана ва қадриятларни тиклашга хизмат қилалиган кўплаб талбирларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳолбуки, собиқ нўролар даврида қанчадан-қанча давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият намояндалари, зиёлилар, олдий халқ вакиллари жанозага боргани, никоҳ ўқитгани, миллий кийимда юргани учун тазийқларга учрагани ҳали халқимиз ёдидан кўтарилгани йўқ. Кўплаб шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳукмрон коммунистик партия сиёсатини кўқларга кўтариб мақтамагани учун йиллар давомида чоп этилмай ётгани ҳам сир эмас. Тарихий қаҳрамонларимиз тасвирланган бадий асарлар эса миллатчилик руҳида ёзилган, дея сохта айблов-

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради.

Ислом Каримов

лар билан нашрдан тўхтатилгани ҳам айни ҳақиқат. Умуман, озгина миллийлик нуқси урган ҳар қандай ҳаракат миллатчилик сифатида қоралангани туфайли айрим қадрият ва анъаналаримиз унутилиш даражасига келиб қолган эди.

Асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз халқимизнинг бетимсол бойлиги, истиқлолимизнинг мустақкам пойдевори ва порлоқ истиқболимиз кафолатидир. Бугунги глобаллашув даврида инсон онги ва тафаккурини эгаллаш йўлидаги кураш кескинлашаётган, ёшларни ёт гоё ва мафкура, салбий иллатлар таъсирига тортишга уринишлар тобора кучаяётган бир шароитда аждоқларимизнинг орзу-умидлари, интилишлари ва бой тафаккурини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлигимизни кўз қорачигидай асраш ва уни улгайиб келаётган навқирон авлоднинг онгу шуурига чуқур сингдириш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган 19 йиллик даврида тарихий анъаналарга садоқат, аждоқлардан фахрланиш, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш мустақил сиёсатимиз ва миллий гоёмизнинг энг муҳим ҳаётбахш омилларига айланди. Тарих ва маданий мерос миллатнинг асосий бойлиги. Меросга муносиб ворис бўлиш учун урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашимиз, уларни янада такомиллаштириб боришимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида барча жабҳалар сингари миллий маданиятимиз, санъатимизни изчил ривожлантириш, бу борадаги анъаналарни давом эттириш, унинг энг яхши намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, ижодий бирлашмалар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармасининг фаолияти бунинг далилидир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда маданият, фан ва таълим соҳасида аввалги давр билан таққослаб бўлмайдиган даражада беқийс ютуқларга эришилди. Чунончи, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, юртимизнинг барча вилоятлари учун анъанавий бўлган ҳунармандчиликка эътибор кучайтирилиб, бу соҳа давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Миллий ҳунармандчилик соҳаси билан шуғулланиб, бу борадаги анъана ва удумларимизни тиклашга ўз ҳиссасини қўшаётган юртдошларимизни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланувчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилингани бунга мисол бўла олади.

Мустақиллик туфайли мусиқа, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон нуфузли халқаро мусиқа ва театр фестивалларига, истеъдодли ижрочилар танловлари ва кўرғазмаларига ҳам мезбонлик қилмоқда.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ўстириш маънавий-маърифий ишларимиз марказида турган энг буюк вазифага айлангани, айниқса, қувончлидир. Шу мақсадда истиқлолнинг дастлабки йилларида ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» жамғармаси тапшиқ қилиниб, шу номдаги дастлабки орден таъсис этилди. Мамлакатимизда «Она ва бола» ижтимоий дастури қабул қилиниб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, янги-янги скрининг ва неринатал марказлар, замонавий шифохоналар барно этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ягона узлуксиз тизимнинг шаклланиб, самарали фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам соғлом авлод тарбиясида катта роль ўйнайди. Ҳар йили Президентимиз тапшабуси билан янги йилга махсус ном бериб, давлат дастури қабул қилинган баркамол авлод масаласи алоҳида эътибор марказида тугилмоқда. Айниқса, «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Ёшлар йили» ва ниҳоят, бу йилги «Баркамол авлод йили»да бу борала улкан амалий ишлар қилинди.

Юртимизда ногирон болалар учун «Меҳрибонлик» саховат фестивали мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонимизда маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган халқаро кино, театр ва мусиқали фестиваллар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ бахшичилиги санъатига эътибор кучайиб, республика конкурслари ўтказилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилари сони кўпайиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маланий жамоатчилиги орасида кенг шуҳрат қозонмоқда. Шунингдек, миллий курашимиз халқаро мақомга эга бўлиб, бу борала мунтазам равишда жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда миллий курашни олимпиада ўйинлари рўйхатига киритиш учун амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Тошкент миниатюрочи рассомларининг монументал санъат соҳасидаги ижодий ишлари ҳам муваффақиятли бормоқда. «Санои нафис» гуруҳи томонидан 1996 йил Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи залларида бажарилган миниатюра услубидаги нақшлар мутахассислар ва томошабинларнинг юқори баҳосини олди.

1990-йилларда кинематографияда репертуарнинг янги кино талқинларига мос равишда жанрларнинг ўзига хос ва услубий ҳамда техник янгиланиши кузатилди. Тарихга, миллий анъаналарга, халқ оғзаки ижоди мотивларига кўпроқ мурожаат қилиб, халқ руҳига яқин асарлар яратилди.

2004 йили миллий кинематографияни молиялаштириш билан боғлиқ муҳим қарор қабул қилинди. Юртимизда миллий тарих, анъаналар ва маланият-ни ёритишдаги ютуқлар рағбатлантириб борилмоқда. Пойтахтимизда 2009 йил охирида бўлиб ўтган «Art Week Style.uz — 2009» санъат ҳафталиги юқоридаги фикрларимизга яққол далил бўла олади. «Ўзбекистон маланияти ва санъати форуми» жамғарма томонидан бундай нуфузли талбирлар кўпшаб ўтказилиб, улар орқали миллий меросимизни асраб-авайлаш, амалий санъат ва ҳунармандчилик йўналишидаги қадимий анъаналарни тиклаш, бу борала ижодкорларга ҳар томонлама қўмаклашиш, ёш истеъодларнинг фаолияти учун зарур шаро-

итлар яратиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, юртимиз ва халқаро миқёсда оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Асрлар садоси», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози», «Базар Арт» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, миллий ҳунармандчилик ярмаркалари, турли кўргазмалар, концертлар бунинг далилидир. Айни пайтда ушбу ижодий лойиҳалар ижтимоий йўналтирилгани, катта маданий-маърифий аҳамияти билан нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам тобора эътибор қозонмоқда.

2010 йили Хива шаҳрида худди шундай тadbирлардан бири – «Асрлар садоси – 2010» маданият фестивали ташкил этилди. Мазкур фестивал ўтмиш меросимиз ва анъаналаримизни авлодларга етказишда муҳим ўрин тутди. Айни пайтда бу навқирон авлодни миллий маданиятимиз, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларда Ватанга, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиромни шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Миллий маданиятимиз, санъатимизнинг ўзига хос байрами сифатида ташкил этилган ушбу тadbирда фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусиқачилар, раққосалар, қизиқчилар, рассомлар, ҳунармандлар, «Янги авлод», «Келажак овози» фестивали ва кўрик-танловларининг голиб ҳамда совриндорлари иштирок этмоқда.

3.4. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашимиз шубҳасиз.

Биз бугунги мана шундай тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай огир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий мустақиллик гоясини янала чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавий ва маърифий тadbирларни янада кучайтиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқишувлар ва қарама-қаршиликлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Ўзбекистонда яшаб фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар вакиллари-нинг маънавий дунёси, эътиқод эркинлиги учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб кенг йўл очилди. Ёш давлатимиз дин маънавий-маданий ҳаётнинг узвий қисми эканидан келиб чиқиб, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз раҳбари динга бўлган янгича муносабатни «дунёвийлик – даҳрийлик эмас» деган тамойил асосида аниқ ва равшан белгилаб берди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити ўрнатилиши учун барча

шароитлар яратилган. Кўпконфессияликнинг реал ижтимоий ҳолат экани ва унинг келажакда ҳам сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда, диний бағрикенглик учун тўла шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг давлат ва дин муносабатлари масаласига тааллуқли асосий бандлари ривожланган жамиятларнинг ҳуқуқий меъёрларига мос келади. Конституциянинг 18-, 31-, 61-молдалари ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрири 1998 йил 1 майда қабул қилинган) ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлари миллий, ирқий ва диний келиб чиқишидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувликни ҳаётга татбиқ этиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дин давлат сиёсатига аралашмайди. Шу билан бирга, ҳар қандай дин, аввало, маънавий-ахлоқий ҳодиса бўлиб, у муайян бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тўлалигича ўзида мажассамлаштиришга даъво қилолмайди. Акс ҳолда, дин ўз мақсад ва вазифаларидан четлашиб кетади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз қонунларида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланади. Дунёвий давлат тузуми амал қилаётган Ўзбекистонда барча динларга бир хил ва тенг муносабатда бўлиш бугун реал воқеликка айланди. Дин ва давлат муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифалари: виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш, давлат органларининг юртимиз ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан алоқасини амалга ошириш, диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва сабр-тоқатлилиكنи мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказиш, мамлакатимизда ва чет элларда диний ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатилишини ташкил этиш, фуқароларнинг она диёримиздан ташқаридаги муқаддас жойларга зиёратга бориши, халқаро анжуманлар ўтказилишини уюштиришдан иборат.

Ўтган 19 йил мобайнида бу йўналишда муайян натижаларга эришилди. Энг асосийси – бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланди. Бугун Ўзбекистон Республикасида 17 диний конфессия, 3000 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Юртимизда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўртамаҳсуз ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1991 йил 11 апрель ва 20 июндаги фармонларига биноан «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал-Алҳо» (қурбон) ҳайитлари юртимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Истиклол даврида 80 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлди. Ҳар йили бошқа диний жамоаларнинг юзлаб вакиллари Исроил ва Россиядаги муқаддас зиёратгоҳларга ташриф буюрмоқда.

2004 йил апрелда мамлакатимиздаги турли конфессиялар ўртасида тотувлик ва багрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик юзасидан таклифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита қошида конфессиялар ишлари бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Аждодларимизнинг бебаҳо меросини мукамал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг фармони билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университети очилди. Бу таълим масканида бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш ислом назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда. Тошкент ислом университети халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўҳнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақи, унинг тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий-замонавий билимларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларига яна бир янги мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралда имзолаган «Ҳазрати имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамгармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорда Ҳазрати имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти инобатга олиниб, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш кун тартибига қўйилди ва бу савобли ишларга тезкорлик, куч-гайрат билан киришилди ва қисқа муддатларда маҳобатли мажмуа барпо этилди. Бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа бўлиб, халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Шарқ дарвозаси деб ном олган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак мақомга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Юртимиздан етишиб чиқиб, ислом оламида шуҳрат қозонган алломалар — Баҳоуддин Нақшбанд-

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Қуръони карим, ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Қуръонни кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр қилган дунёнинг учинчи мамлакати бўлди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали, «Ислом нури» газетаси, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг «Восток свыше» журнали чоп этилмоқда.

нинг 675 (1993 йил сентябрь), Хожа Аҳроп Валийнинг 590 (1995 йил ноябрь), Маҳмуд Замаҳшарийнинг 920 ва Нажмиддин Кубронинг 850, Имом Бухорийнинг 1225 ва Аҳмад Фаргонийнинг 1200 (1998 йил октябрь), Имом Могурийнинг 1130 ва Бурҳонуддин Марғинонийнинг 910 (2000 йил ноябрь) йиллик юбилейлари кенг нишонланди, уларнинг номи билан боғлиқ қадимий қаламжолар обод қилинди.

1995 йилда Тошкентда «Бир осмон остила» шиори билан ташкил этилган халқаро христиан-мусулмон конференцияси бўлиб ўтди, унинг ишида Жаҳон черковлари кенгаши, турли хорижий черковлар вакиллари иштирок этди. 1996 йилда Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги нишонланди. Тантаналарда черков тарихида илк бор Москва ва Бугун Русь Патриархи Алексий Иккинчи Марказий Осиё ҳудудига таъриф буюрди. 2001 йилда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ўзининг 130 йиллигини нишонлади. 2002 йилда Рим-католик черкови католикликнинг Марказий Осиёда қайта тикланганига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбирларини ташкил этди. 2003 йилда Самарқанд шаҳрида Арман Апостоллик черковининг 100 йиллиги нишонланди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Қуръони карим, ҳадислар тўплами, Инжил (Янги аҳд) ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Қуръонни кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр қилган дунёнинг учинчи мамлакати бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали, «Ислом нури» газетаси, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг «Восток свыше» журнали чоп этилмоқда. Мамлакатимизда диний ақиданарастлик, экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича изчил ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дидоримизга суқилиб киришга ҳаракат қилган, халқимиз орасида мутаассиблик уругини сочишга уринган ва бу билан ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган турли гуруҳлар фаолияти фож этилди.

Ҳозирги куннинг энг асосий вазифаларидан бири халқимизнинг диний эътиқолига зид бўлган зарарли оқимларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, анъанавий, маърифий, мўътадил исломни ёт тоғлар таъсиридан сақлашдан иборат.

3.5. БОЙ ТАРИХИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

Истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор тонди, тарихга муносабат ўзгарди. Топган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қаламжолари обод гўшаларга айлантирилди. Ваганимиз озоллиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абалдилаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари тапаббуси билан бой тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилган айрим тадбирлардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— 1998 йил июль — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Айнан шу қарорга кўра, Я.Фуломов номидаги Ўзбек давлатчилиги тарихи анъанавий илмий анжумани ташкил этилди ва бу анжуманда тарихимизнинг кўплаб ўрганилмаган саҳифаларига аниқлик киритилмоқда;

— 1999 йил 9 майда — Хотира ва қадрлаш куни илк бор нишонланди.

— 1999 йил 22 июлда — «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди;

— 2000 йил 12 майда — «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди.

— 2001 йил 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни деб эълон қилинди ва 2002 йил 31 августда «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ташкил топди.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва юксалтириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу ўринда мустақиллик солномасидан айрим кўчирмаларни келтирсак:

1992 йилда:

— мумтоз шоиримиз Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланиб, Наманган шаҳрида музей, боғ ва ҳайкал барпо этилди;

— буюк азиз-авлиё Баҳоуддин Нақшбанл ҳазратлари таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

1993 йилда:

— буюк аллома ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини ишонлаш ҳақида фармон эълон қилинди;

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган санасининг 510 йиллиги нишонланди.

1994 йилда:

— 1994 йил юртимизда «Улуғбек йили» деб эълон қилинди;

— Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги нишонланди; унинг номи абадийлаштирилди, асарлари қайта чоп этилди.

1995 йилда:

— Улуғ аллома — тилшунос, файласуф, шоир Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси,

Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ислом Каримов

буюк аждоларимиздан мерос қолган маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлишни талаб қилади. Бунинг учун ушбу табаррук заминни обод этишга ўз ҳаётини бағишлаган буюк аждоларимиз номини келажак зафарларга ундовчи бир байроқ янглиг баланд тутмоғимиз лозим. Ана шундай номи миллатимиз туғига айланган забардаст сиймо улуғ бобокалонимиз Амир Темурдир.

Собиқ тузум даврида кўп йиллар мобайнида, ҳаттоки, Европа давлатлари самимий эҳтиром билан тан олган бобокалонимиз шайхонига тухмат ва ҳақоратлар ёғдириб келинди. Мустамлака зулми исканжасида кун кечирган халқимиз

буюк аждодини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имкони билан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутинга маҳкум этилди. Мақсад — халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Ниҳоят, ҳақиқат галаба қилиб, Шарқда тенги йўқ саркарда, Ватан ва миллат мустақиллиги учун умрини бахш этган мард ва фидойи инсон, Марказий Осиёда бундан 600 йил аввал улуғ бир салтанат барпо этган давлат арбоби истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди. Ёш авлод онгига миллий маънавиятимиз анъаналарини сингдиришда буюк саркарда Амир Темурнинг «Тузуқ»лари, миллат номини юксақларга кўтаришга сарф этилган ҳаёти буюк ибрат тимсолига айланди.

1996 йил юргимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди ва шу йили улуғ саркарда ва бунёдкор бобомиз шарафига ўтказилган халқаро анжуман ҳамда тантаналар, жойлардаги юзлаб талбирлар том маънода маънавий меросимизга, халқимизга эҳтиромнинг беқиёс намунаси бўлди.

1997 йили беназир ҳассос шоиримиз, истибод қурбони Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди. Буюк мусаввир Камолдин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди.

1998 йили буюк муҳаллис Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, улуғ астроном олим Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик саналари, қорақалпоқ шоири Бердақ юбилеи тантанали нишонланди.

1999 йилда эса «Алпомиш» халқ эпосининг, буюк саркарда Жалолдин Мангуберди, хоразмлик атоқли шоир, таржимон, тарихчи Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг, қорақалпоқ шоири Ажиниёзнинг таваллуд саналари нишонланди.

Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шайхон шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Ислом Каримов

2001 йилда Алишер Навоий номи билан юритилувчи вилоятда унинг номидаги муаззам бог яратилиб, шоирнинг ҳайкали ўрнатилиши ҳам маънавиятимиз оламида катта воқеа бўлди. Бу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ мамлакатимизда маънавий меросга муносабат, уни ўрганиш, тадқиқ этиш ва авлодларга етказиш масаласи давлатнинг маънавият соҳасидаги устувор сиёсатининг ажралмас қисмига айланганини кўрсатади. Бизнинг ўтмиш маданиятимиз бутун инсониятни қизиқтириб келаётгани, албатта, тасолифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши, Тошкент, Қўқон ва Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча инсонлар учун қутлуг зиёратгоҳга айланган. Мустақиллик даврида ўзбек олимларининг кучгайрати билан тарихимизнинг кўпдан-кўп гоёғ муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янги тдан кашф этилди.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажигига болта уриш демақдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиллага етиб бориши учун қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни беэаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳаларни кўриб, буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Илгари эса республика шаҳарларида кўчаларга Ленин, Маркс, Энгельс, Свердлов, Металлургическая, Донбасская ва бошқа шунга ўхшаш номларнинг берилишига собиқ мафқурани халқ онгига сингдиришнинг бир усули сифатида қаралган.

Қадимий номларда эса ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам вилоят ва ҳудудий топонимик комиссиялари фаолияти шаҳарлар, туманлар, шаҳар кўчалари, маҳалла номлари ва туманлардаги қишлоқлар номлари қайта тиклашга қаратилиб, бу борада катта амалий натижаларга эришилди.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги – ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломаларимиз инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуг сиймолардир.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Чунки, Тош-

кентнинг тарихи ва бутунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбар-час боғлиқ.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамалдунига қўнган ҳиссасининг ўзига хос эътирофи бўлди. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан амалга оширилган ишлар пойтахтимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтириш, унинг халқаро миқёсда янада улғуворлик касб этишига хизмат қилмоқда.

2009 йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентда азим шаҳримизнинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида пойтахтимизнинг тутган беқийс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкилланди.

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг 2009 йил 20 августдаги фармонида биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўнган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди. Президентимиз Ислоом Каримов ушбу юксак мукофот – «Мустақиллик» орденини азим пойтахтимиз байроғига қалаб қўйганида барчамизнинг қалбимиз гурур-ифтихор туйғуларига тўлди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борала тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади».

Биз бу масалага ана шундай илмий асосда ёндашиб, қадимий тарихимизни ўрганиш ва баҳо беришда унинг бирор-бир даври ёки жабҳасини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Жумладан, мустамлакачилик ва совет давридаги олмавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аجدодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганишни айнан ана шундай маънавий негизда йўлга қўйганимизни қайд этиш зарур.

Ислоом Каримов

9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қилингани, ҳеч шубҳасиз, юртимизда тарихий хотирани тўлақонли тиклаш йўлида ҳаётнинг ўзи тақозо этган яна бир жиддий қадам бўлганини айтиш лозим. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилгани, улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тарихида ибратли маънавий воқеа бўлди.

Маълумки, ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгилалиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсулидир. Мана шундай қонуният ва қарашларни инкор этиш, уларни тан олмаслик ва бунга тескари йўл тутиш кутилмаган ва тескари салбий натижаларга олиб келиши муқаррарлигини кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ халқимиз тоталитар тузум тазйиқидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви таъсиридан халос бўлиб, ўз кучига, ақлу заковатига ишониб, инқилобий бўҳронларсиз, босқичма-босқич озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга киришди. Кишиларимизда ўзининг ақлу идрокига, интеллектуал салоҳиятига, яратувчилик кучига, маънавиятига ишонч уйғонди. Бу борада ҳали бартараф этилиши зарур бўлган тўсиқлар етарлича топилади. Аммо халқимизда, фуқароларимизда миллий ўзлигини англаш ва намоён этиш истаги барқарор қадриятларга айланиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас. Айнан ушбу истак мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларга ва чуқурлашаётган иелоҳотларга маъно, йўналтирувчилик руҳиятини бахш этмоқда.

4. ИСТИҚЛОЛ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ БУЮК ИМКОНИАТ

- 4.1. Истиқлол – янги уфқ ва имкониятлар манбаи
- 4.2. Истиқлол – ҳар бир шахснинг истеъдоди ва қобилиятини намоён этишнинг кафолати
- 4.3. Истиқлол – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун мустаҳкам замин

4.1. ИСТИҚЛОЛ – ЯНГИ УФҚ ВА ИМКОНИАТЛАР МАНБАИ

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Бу йиллар моҳиятган юртимиз тарихида ўта масъулиятли ва шарафли даврни ташкил этди. Шу даврда ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Халқимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабил шўро тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди. Юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган жараёнларни ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқлол ғояси бизнинг дунёқарашимиз, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланди ва қарамлик, боқимандалик кайфиятидан бутунлай озод бўлдик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдик.

Менинг тақдирим халқимнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ҳеч қачон ўзимиз танлаган мустақиллик йўлидан қайтмаймиз. Биз буюк келажакни, озод ва фаровон ҳаётни қуриш мақсадида матонат ва қатъийлик билан меҳнат қиламиз.
Ислом Каримов

Яқинлашиб келаётган улуг байрам арафасида истиқлол халқимиз учун қандай имкониятлар яратди, деган ўринли савол туғилади. Бу саволга Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан жавоб бериб, шундай дейиш мумкин: «Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир».¹

Истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 283-бет.

Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, эркинлик халқимизга фаровон ҳаёт кечириш ва имкониятлардан тўла фойдаланиш кафолатини таъминлаб бермоқда.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахр-ифтихоримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллаш имконини берди.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли қуйидаги имкониятларга эга бўлди:

— ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайланган давлат органлари орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;

— ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгаллик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;

— тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;

— тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабил тузум асоратидан халос этиш;

— ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим ва касб-ҳунар бериш;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шакллантириш;

— юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;

— халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилик асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Юқоридегилардан кўриниб турибдики, мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини берди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».¹

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик туфайли биз ўзлимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида олдимизда Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён этиш имкони очилди. Озодлик туфайли бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг гайрати, азмушижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 105-бет.

Ваганимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг келгусида фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан ёнларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқдир. Биз «мустақиллик» ва «имконият» тушунчаларига ўзаро муштарак сўзлар сифатида қарашимиз лозим. Чунки мустақил давлатдагина имкониятлар ва ислоҳотлар тўла амалга оширилади. Мустақиллик инсоннинг яхши янаши, муносиб турмуш даражасига эришиш учун имконият яратади.


Тарихан қисқа давр — 19 йил давомида мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур ислоҳотлар ўтказилди. Уларнинг кўлами ва моҳиятини англаш учун собиқ иттифоқдан, эски мустақил тузумдан бизга қандай сиёсий мерос қолганини эслаш зарур.

Ўзбекистон мустақилликкача бўлган 130 йил давомида сиёсий қарамлик, мустамлакачилик зулмини бошидан кечирди. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмас эди. Миллий давлатчилигимиз тарихи, анъана ва қадриятларимиз тўла инкор этилиб, юртимиз халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, собиқ шўро империясининг маъмурий-ҳудудий қисмига айланттирилган эди. Халқ ўз юртбошисини ўзи танлаш ва сайлашдан маҳрум эди, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар бошлиқлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам собиқ марказ томонидан тайинланарди. Бизга маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқарув усулига қурилган, ўта мафкураланган, халқни итоаткор оломон деб биладиган тоталитар тузум, ўта мафкуравийланган муносабатлар мерос бўлиб қолган эди.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати билан мамлакатимизда инсон манфаатларига, халқнинг тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очиқ ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишни таъминловчи кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон миллий-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришда дунёда тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихига, ўзига хос маънавий-ахлоқий қадриятларга таянди.

Истиқлолимиз берган имкониятлар туфайли 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир».¹



¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. — Т.: «Ўзбекистон», 1992. 44-бет.

Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда янада демократиялашган икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда.

Юртимизда давлат бошқарувининг янги, замонавий, самарали, энг мақбул тизими — президентлик бошқаруви амал қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими тубдан ислоҳ қилинди. Миллий давлатчилигимиз анъаналарини ўзида мужассам этган кучли ижроия ҳокимият — Вазирлар Маҳкамаси муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни асосида юртимизда суд ислоҳотлари ўтказилди, «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимияти идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик институти ташкил этилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталари ташкил этилди.

Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизими барпо этилди.

Мамлакатимизда 4 та сиёсий партия (Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси) фаолият юритмоқда. Айни вақтда Халқ бирлиги ҳаракати, Экологик ҳаракат, қасаба уюшмалари ташкилотлари, ёшлар ва хотин-қизлар, республика ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий институтлар тизими вужудга келди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг ваколатли институти (Омбудсман) таъсис этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Юртимизда демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари вужудга келди.

Аёнки, тарихда мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиққан. Ўзбекистон ҳам давлат мустақиллигига эришганидан кейин мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига мос келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бориш имкониятига эга бўлди. Кўҳна диёримизнинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолишидек ноҳуш ҳолатга барҳам берилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўлкамиздаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари беқиёсдир, унинг майдонлари ва богларида ҳосил мўл етиштирилади, унинг ҳар қарич тупроғи олгинга тенгдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... биз бутунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб

рест» чўққисига чиқиб, мамлакатимиз довруғини яна бир марта дунёга тараннум этишди.

Боксчилардан Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Тўлқинбой Тургуновнинг номлари ҳам жаҳон бўйлаб янгради. 2000 йилдаги Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Артур Таймазов кумуш, Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалига сазовор бўлишди.

Мустақиллик йилларида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу мусобақаларда Ақобир нолвон, Камол полвон, Тоштемир иолвон каби спортчиларимизнинг номлари бутун жаҳонга таралди.

2008 йилдаги Пекин олимпиадасида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев кумуш медаль соҳиби бўлди.



Истиқлол йилларида юртимизда каратэ федерацияси тузилиб, ёш истеъодларни жаҳонга танитмоқда. Масалан, бскободлик Фаррух, Ўзам ва Парвиз Абдумавлоновларнинг эришган ютуқлари билан халқимиз фахрланади.

2009 йилда ногиронлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Айниқса, 2010 йилнинг июнь-июль ойларида Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказилган XIX жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган ҳамюртларимиз Равшан Эрматов ва Рафаэль Илясов чемпионатнинг ҳақиқий кашфиётлари билан бўлишди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юртимизда дунёда ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт мусобақалари тизими яратилди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт мусобақалари ёш авлодни спорт соҳасида ўз истеъод ва қобилиятини юзага чиқариши, энг муҳими, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун янги-янги имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Мустақиллик туфайли Ватанимизда теннис энг оммавий спорт турига айланди. Президентнинг «Юнусобод» теннис мажмуасида бир неча марта халқаро Президент кубоги ўтказилди. 1999 йилнинг июль ойида Лондонда ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада тошкентлик спортчи Ирода Тўлаганова Уимблдон учрашувининг голиби бўлди.

Ёш қобилият эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган турли жамғармалар ўз фаолиятини аниқ йўналишлар асосида олиб бормоқда. Бу каби жамоат ташкилотлари сирасига бутунги кунда фаолият қамрови кенгайиб бо-

чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари, яъни иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён».¹

Ёш давлатимиз мураккаб синов кунларини бошидан кечираётган бир пайтда, қанчалик қийин бўлмасин, биз фақат ўз куч ва имкониятларимизга таяниб ва суяниб иш тутишга мажбур бўлдик.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритилиши тарихимизни мавжуд бирламчи манбаларга таянган ҳолда холисона ва ҳаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўқитиш имконини берди. Юртимиз фуқаролари Ўзбекистоннинг ҳар қандай мафкурадан холи бўлган ҳамда таҳлилларга асосланган ҳаққоний тарихини ўрганиши ва ундан сабоқ олиши давр тақозосига айланди.

Ватанимиз тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми бўлиб, Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини ҳозирги кунда бутун жаҳон тан олмоқда.

Буюк тарихга эга бўлган халқнинг маънавияти ҳам улуғ ва беқиёс бўлади. Чунки юксак маънавиятга эга бўлмаган халқ ўзининг бетакрор тарихини ўз қўли билан ярата олмайди. Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

4.2. ИСТИҚЛОЛ – ҲАР БИР ШАХСНИНГ ИСТЕЪДОДИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШНИНГ КАФОЛАТИ

Истиқлол туфайли Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ўз истеъдодини намоён қилишига имкон тугилди. Бунда, айниқса маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган ютуқларимизни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Кўплаб юртдошларимиз қаторида маънавий жасорат соҳибларидан бири, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам ёшларимиз учун ибрат намунасилик. Бу инсон оғир касаллигига қарамасдан, «Жаҳон адабиёти» журнаliga бош муҳаррир бўлиб, бу нуфузли нашрнинг ишини таъкилий-амалий ва ижодий томондан йўлга қўйди, айтилиши вақтда, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилди, маънавий-мафкуравий жабҳадаги долзарб масалалар юзасидан бўлиб ўтган талбирларда фаол иштирок этди. Бундай жасорат, бундай азму шижоат ҳар қандай одамни ҳайратга солади.

Ўтган давр мобайнида юртимизда спорт соҳаларини ривожлантиришнинг аажоиб ютуқларга эришилди. Бу муваффақиятлар, айниқса теннис, ўзбек кураши ва жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларида яққол кўзга ташланди.

1998 йил май ойида мамлакатимиз альпинистлари жаҳон миқёсида катта ютуққа эришдилар. Улар «Ҳимолай» тоғ тизимидаги дунёнинг энг баланд «Эве-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008, 103-бет.

раётган «Истеъдод», «Меҳр нури», «Келажак овози», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари фаолиятини киритиш мумкин. Бу жамғармаларнинг асосий вазифаси истеъдодли ёшларни танлаш ва уларни чет эллардаги нуфузли ўқув юртлирида таълим олдириш, сифат жиҳатидан янги дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни мамлакатимиз таълим тизимига жорий қилиш, жаҳондаги стакчи ўқув марказлари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, турли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишдан иборат.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси турли кўргазмалар, театр ва кино фестиваллари, халқаро симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш орқали юртимиз маданияти ва санъатининг халқаро майдонда янада кўпроқ эътироф этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарма томонидан ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, «Янги авлод» болалар ижоди фестивали, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали тез фурсатда кенг жамоатчилик эътиборига тушди. Бутун мамлакат миқёсида ташкил этилаётган «Келажак овози» мегатанлови эса юртимизнинг минглаб ёшларини бирлаштирмоқда, маданият ва санъатнинг турли йўналишларида иқтидор эгаларини кашф этмоқда.

Жамғарма концертлар, фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш баробарида Россия, Япония, Бельгия, Люксембург каби давлатларда ўнлаб зиёд халқаро лойиҳаларни амалга оширди. Люксембург ва Бельгия давлатларида ташкил этилган «Ўзбек фотографиясига 125 йил» кўргазмаси миллий маданиятимизнинг халқаро майдондаги ўзига хос тақдироти бўлди, дейиш мумкин. Кўргазмада мамлакатимизнинг 150 дан зиёд фото усталари ва ёшларининг асарлари намойиш этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси илк фаолиятини йўлга қўйган даврда фақат миллий маданият ва санъат йўналишида иш олиб борган бўлса, эндиликда ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни ҳам амалга оширмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ушбу нодавлат бирлашма томонидан таълим соҳасида кўплаб дастурлар амалга оширилди. 2005 йилдан буён жамғарманинг таълим грантлари дастури амалга ошириб келинмоқда. 2006 йилдан бошлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» таълим лойиҳаларига Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури ва Педагогик грантлар дастури ҳам қўшилди.

Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловлар, жумладан, «Ниҳол», «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти, олий ўқув юртлири талабалари орасида юксак истеъдодли талабаларни саралаб олиш мақсадида нуфузли стипендияларнинг жорий қилиниши ёшларнинг изланишлари, ўз устида ишлашлари учун туртки бермоқда.

Замонавий усулда барпо этилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг юқори педагогик технологиялар асосида билим олиши, касб эгаллаши учун барча қулайликлар яратилди. Эндиликда бу қўллар даргоҳларда ёшлар ҳар томонлама билимли бўлиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланмоқда. Замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида билим олаётган ёшлар, ўз навбатида, билимларини янада чуқурлаштириш учун интиломоқда ва ўз салоҳиятларини намойиш этмоқда.

Умуман, юртимизда устувор йўналиш бўлиш кадрлар тайёрлаш масаласига Юртбошимизнинг қанчалик кагта аҳамият бераётганлигини унинг куйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

Айниқса, кейинги йилларда таълим савиясини кўтариш, таълим шакллари ни ўзгартириш, янги шаклдаги ўқув юртлари — коллежлар, лицейлар ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Чунки, инсон салоҳиятини оширишнинг энг ҳаётбахш манбаи таълим тизими саналади. Мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизими аҳолининг саводхонлик даражасининг юқори даражада бўлишини таъминламоқда.

Ёш авлоднинг ўз қобилиятини рўёбга чиқаришининг энг зарур шarti — бу хорижий тилларни чуқур ўрганиш, ахборот асрида яшаётганимизни ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва ахборот технологиясидан яхши хабардор бўлишдан иборатдир. Замонавий таълим жараёнларида буларнинг барчаси ҳисобга олинмоқда.

Юртбошимиз ҳам бу масалани алоҳида таъкидлаб, «Менинг орзуим шуки, ўзбек йигит-қизларидан ҳам чет тилларини чуқур биладиган, дунёда тан олинган, халқаро майдонда танилган журналистлар чиқса»,¹ деб фикр билдиргани бежиз эмас, албатта.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир нечта йўналиш бўйича диплом олган, бир нечта хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон йигит-қизларни кўриб, қалбимизда ишонч, гурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

4.3. ИСТИҚЛОЛ — ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунчилик асосида мустаҳкамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий кафолатлар тизими билан таъминлангандан кейингина амалга ошиши мумкинлиги масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Албатта, инсоннинг «абадий», «табиий» ҳуқуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин улар юридик воситалар билан таъминланмаса, бу ҳуқуқлар амалда ҳеч қандай самара бермайди.

¹ *Ис.юм Каримовнинг* 2005 йил 28 декабрда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бир гуруҳ талабалар билан учрашувда билдирган фикрлари. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. — Т.: 2006, 110-бет.

Мамлакатимизнинг сиёсий тизими фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол этилганда уларни ҳимоя қилиш ва уни тиклаш бўйича давлат ҳуқуқий механизми ва кафолатларининг бутун бир тизимига эга.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари» деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир. Бу йўналишдаги асосий қоидалар Конституциямиз X бобининг 43–46-моддаларида ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар асосида мустақкамлаб қўйилиши, албатта, зарур. Чунки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаётга ишончли тарзда татбиқ қилиниши энг мураккаб жараён ҳисобланади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Демократик жамият қуриш тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳар қайси жамиятга мансаби, ирқи, жинси ва бонқа ижтимоий даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, барча фуқаролар Конституция ва қонунлар билан мустақкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда тўлиқ бажарсагина ўзлари учун тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдалана олишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим ўрин тугади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаро касабга уюшмалари аъзоси, 1 миллиондан ортиқ фуқаро эса сиёсий партиялар аъзоси сифатида жамоат ишларида иштирок этмоқда. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотажорат ташкилотлар фаолиятида қатнашмоқда.

Юртимизда суд ҳокимиятининг ислоҳ қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. Бунда суд органларининг мустақиллиги ва эркинлигини мустақкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг «Муқаддима»сида халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги орзу-интилишлари ўз ифодасини топган.

Истиқлолнинг асл моҳияти — инсонни ва унинг ҳаётини улуглашдир. Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бонқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани белгилаб қўйилган.

Ўзбекистоннинг бон мақсади — эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришдир. Бу мақсадга эришиш муайян вақт ва тараққиёт даражасига эришишни талаб этади. Бу йўл осон ва силлиқ кечмаслигини ривожланган давлатларнинг янги тарихи яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч бир жамиятда бир тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни осонликча кечмаган, айниқса, тоталитар тузумдан кейин демократик жамият қуриш мураккаб жараён. Мустақиллик йиллари халқимизнинг ўз давлат раҳбари билан

якдил ҳолда янги демократик жамият қуришга бўлган қарори қатъий эканини аниқ кўрсатди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг фаоллигимизга, ҳар биримизнинг ёруғ келажакка бўлган қатъий интилишимизга боғлиқ.

Биз учун инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият ҳисобланади. Президентимиз айтганидек, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».¹

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади деб билган халқимиз шу мақсадга эришишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан ишонч ва қатъият билан бормоқда. Мустақиллик йиллари халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш йиллари бўлганини жаҳон аҳли ҳам эътироф этмоқда. Тарихан бу қисқа давр ичида мамлакатимизнинг сиёсий қурилиши, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди ва бу жараён давом этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик институтларнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари тўла шаклланган, давлат ҳокимияти органлари демократик тамойил — ҳокимиятлар бўлиниши асосида фаолият олиб бормоқда; иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий, ташкилий ҳамда иқтисодий асослари шакллантирилган, мулкнинг турли шакллари бир хил, тенг шароитда амал қилиб турибди ва уларни давлат томонидан бирдек ҳимоя қилиш механизми мавжуд; ижтимоий соҳада жаҳондаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда; маънавий соҳада эса умумбашарий қадриятлар билан халқимизнинг асрий шарқона қадриятларининг ўзаро уйғунликда ривожланишига асосланган маънавий муҳит шаклланмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётида, айниқса, кейинги йиллари ўзгача бир шуқуҳли йиллар бўлди, десак муболага бўлмайди. Чинакам кўшпартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар натижасида икки палатали парламент шаклланиб, фаолият юрита бошлади; суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотлар ўзининг ҳал қилувчи босқичига кўтарилди; юртимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра ижро ҳокимиятининг самарадорлигини тубдан яхшилашни таъминлашга қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ўтган тарихан қисқа, бироқ мазмунан натижаларга бой йиллар жамиятимизни пировард мақсад — ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга тобора яқинлаштирди.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиб, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли тўлақонли аъзоси бўлганидан бери ўтган давр ўзбек халқининг, ўзбекистонликларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида алоҳида тарихий бир давр бўлгани шубҳасиздир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т., 1996, 44-б.

Ўз мустақиллигининг дастлабки пайтлариданоқ давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш вазифасини ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилди ва бу масалада амалий, таъкилий-ҳуқуқий ишларни бошлаб юборди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг Асосий Қонунимизда кенг ва батафсил мустаҳкамлаб қўйилиши ушбу соҳалаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди.

Конституциямизнинг асосий маъно-мазмуни унинг 13-моддасида мустаҳкамланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қалр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланали, деган юксак инсонпарвар қоидада ўзининг яққол ифодасини топган. Демократик тараққиёт йўлини танлаб, инсонпарвар давлат қуриш йўлидан кетаётган давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз Конституциясида инсонларнинг табиий, ажралмас ҳуқуқлари мавжудлиги ва барча инсонлар ўз қобиляти, ижтимоий келиб чиқиши, миллий, мафкуравий мансублигига кўра ҳар хил бўлишига қарамай, қонун ва суд олдида тенглиги тўғрисидаги инсонпарвар қоидаларни олий мақомда мустаҳкамлаб қўйган.

Инсон шахсининг камоли учун эркин фуқаролик жамияти зарур. Фақат шундай жамиятдагина шахс ўзининг барча қобилятларини тўла амалга оширади. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашали».¹

Инсон ҳуқуқлари — шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, унинг мавжуд ҳуқуқ тизимига, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократиявийлик даражаси, сифат кўрсаткичи ролини ўтамоқда. Айни пайтда инсон ҳуқуқларининг мавжуд аҳволи умуман жамиятнинг ривожланиш, етуклик ва маърифийлик даражасини ҳам холисона, аниқ кўрсатиб турувчи ўзига хос мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари масаласи, бир томондан, ривожланган демократик давлатларда тўнланган ижобий тажриба, ютуқ ва сабоқларни, иккинчи томондан эса, ҳозирги замон қарама-қаршиликлари, мураккабликлари билан боғлиқ муаммо ва вазифаларни ўзида мужассамлаштирган.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари масаласида тўнланган тажриба ва амалиётнинг ўзи мустақил ижтимоий ҳолиса сифатида намоён бўлиб, айни пайтда сиёсий маданиятнинг бир кўриниши, шакли сифатида ҳам ўз ўрнини топмоқда.

Бугунги кунда дунёда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича 300 дан кўп халқаро-ҳуқуқий ҳужжат амал қилиб турибди. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки пайтларданоқ инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган қоидаларига қатъий риоя этишини бутун халқаро ҳамжамиятга эълон қилди. Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича олтинчидан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Т., 1998, 151-б.

ортиқ халқаро конвенция имзоланган. Инсон ҳуқуқлари борасида давлатимизнинг олиб бораётган доимий ва изчил саъй-ҳаракатлари жаҳон ҳамжамиятига яхши маълум.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик даврида юртимизда ҳуқуққа муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим вазифаси қонунийликни таъминлаш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда олий қадрият даражасига кўтариш, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашини ҳолатларига йўл қўймаслик, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланали.

Демократик анъаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакат иқтисодий салоҳияти, фуқаролар савиясининг юқорилиги ва уларнинг сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Ўзининг буюк келажаги сари қатъият билан интилиб яшаётган халқимизнинг эзгу орзу-истаги юртимизда демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти бунёд қилишдан иборатдир.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари тизимида энг муҳим ва бирламчи ҳуқуқ ва эркинликлар – бу сўзсиз шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардир. Чунки, кишиларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганидан кейингина Конституция, қонунлар ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланадиган, кафолатланадиган ва ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш учун реал шарт-шароит яратилади. Шу боис, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита шахсий ҳуқуқ, эркинликларнинг узвий давоми сифатида қарамоқ керак.

Инсон ҳаёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг дунёга келишидан анча аввалроқ бошланмоғи керак. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш билан бир қаторда, кенг кўламли чора ва тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Бу борада Ўзбекистонда ҳукумат даражасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тағбиқ этилганки, уларнинг бош мақсади болалар ўлимининг олдини олиш, экологияни яхшилаш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш учун ижтимоий шароитлар яратиш, оналик ва болаликнинг фаровон турмуши учун зарур моддий ва маънавий асосларни яратишни кўзлайди.

Давлат муносабатларида асосий эътибор инсонга қаратилиши зарур, давлат ва унинг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сафарбар қилгандагина ўз вазифасини адо этган ҳисобланади. Ушбу қоида энг асосийсидир, унга ҳамма итоат қилиши шарт.

Ислом Каримов

2009 йили мамлакатимиз ҳаётида бўлиб ўтган энг муҳим воқеа – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилган сайловлар юртимизда фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий савияси, фуқаролик онги ўсиб бораётганини ёрқин намоён этди. Сайлов жараёнида миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ҳамда талабларига тўлиқ жавоб берадиган шарт-

шароитлар яратилди. Халқимиз бу сиёсий воқеада фаол иштирок этди ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Бундан ташқари, ҳар бир шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминлини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Бутун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган алоҳида эътибор туфайли бу борода янги босқичга қадам қўйилмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини амалда таъминлаш жараёнларига катта аҳамият берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди, мамлакатимизда адвокатларнинг ўрни ва мавқеи янада юксалди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини изчил ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ йўналишида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари соҳала амалга оширилаётган янгиланишларнинг яхлитлигини таъминлаб, соҳа ходимларининг касб этикаси қоидаларига риоя этишни назорат қилиш механизминини мустаҳкамлади.

Суд қарорларини ижро этиш тизимини, прокуратура фаолиятини таъкомиллаштириш йўлидаги босқичма-босқич ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалга жорий этилиши бутун дунёда улкан қизиқиш уйғотди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Айни пайтда суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ижросини таъминлаш, шу йўналишда белгиланган вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида зарур чоралар кўрилмақда. Бу ишларнинг самарасини фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича 95 мингга яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 258 мингдан ортиқни ташкил этди. Уларнинг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъволар қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2009 йилда 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди.¹

Судлар томонидан талбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ишлар юзасидан 2009 йилда 360 та ҳал қилувчи қарор чиқари-

¹ *Мустафоев Б.* Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш — бош мезон. «Халқ сўзи», 2010 йил 19 февраль.

либ, 356 ҳолат бўйича даъволар қаноатлантирилди. Бундан кўринадики, иқтисодиётимиз таянчи бўлган талбиркорлар манфаатлари давлат, жамият ва суд ҳимоясида. Бу миллий қонунчилигимизда кафолатланган хусусий мулк дахлсизлиги, талбиркор эркинлигининг амалий ифодасидир.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш ишларида фаол иштирок этиш суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг ҳам устувор вазифасидир. Мазкур дастурда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса суд тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Жамиятимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли сайй-ҳаракат ва ислохотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу ишларга ҳар бир юртдошимиз ўз ҳиссасини қўшиши, мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида астойдил меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаллас фуқаролик бурчимиздир.

5. ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, ЮКСАК ЭЪТИРОФЛАР

- 5.1. Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тараққиёт йўли
- 5.2. Иқтисодий-иқтисодий тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишнинг зарурати
- 5.3. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлашуви
- 5.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши
- 5.5. Модернизация жараёнларининг чуқурлашуви ва бундан кутилаётган натижалар
- 5.6. Халқ фаровонлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар
- 5.7. Тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойилларнинг дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётгани

5.1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосини 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонун ташкил этади. Аслини олганда, ана шу қонундан бошлаб Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида қарор топиши ва ривожланишида янги давр бошланди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз ўз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Тарих олдида бу муҳлат кинрик қоққандек тез ўтиб кеталиган қисқа бир муҳлат. Лекин бу муҳлат моҳиятан ўзгаришларга бой шонли бир даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб, ўзлигимизни англай бошладик.

Давлат ва жамият қурилишида, ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, энг муҳими, одамларимизнинг онгу шуурида том маънода янгича қараш ва янгича фикрлаш туйғуси шаклланди.

Истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб Юртбошимиз юксак демократик талабларни ҳаётимизга жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш каби бир-бири билан чамбарчас боғлиқ вазифаларни белгилаб берди. Уларни амалга ошириш узлуксиз давом этадиган жараён эканини таъкиллаб, бундай даражага кўтарилиш учун бугун жамият бир сўқалан

Ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларига, ҳатто асрларга тенглаштириш мумкин, десак муболаға бўлмайди.

Ислом Каримов

бош чиқариб ҳаракат қилиши зарурлигини уқтириб, барчамизни ана шу эзгу мақсад сари даъват этдилар.


Ислом Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йилларидаги ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида 5 та асосий тамойилни белгилаб берди. Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур нафақат бугунги, балки келажак авлодларнинг ҳам тақдирини ўйлаб тузилган эди. Мамлакатимизни дунёдаги етакчи ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишни кўзда тутган эди. Бу ҳақиқатан ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган ва тез орада жаҳонга танилган **тараққиётнинг ўзбек модели, олис ва яқин келажакимизнинг ривожланиш стратегияси эди.**

Тараққиётнинг ўзбек модели қуйидаги тамойилларга асосланади:

биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши лозим. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур;

иккинчидан, ўтиш даврида давлат асосий ислохотчи бўлиши лозим. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт;

учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз барча ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;



5.1.1-расм.

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш. Бу аҳолининг салкам 50 фоизини 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда алоҳида аҳамиятга эга эди;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишда юз берган «инқилобий сак-

рашлар»сиз, ижтимоий ларзаларга йўл қўймасдан, эволюцион, яъни тадрижий йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бундай оқилона йўли ҳар бир ишда оғир-босиқлик билан, пухта ўйлаб қарор қабул қиладиган, муҳтож инсонлардан ўз ёрдами аямаслиги, бағрикенглиги, қонунни ҳурмат қилиши ва тинчликсеварлиги билан алоҳида ажралиб турадиган халқимиз фикрлаш тарзи ва миллий менталитетига айнан мос эди.

Яна бир ғоят муҳим жиҳати, миллий тараққиётнинг бундай босқичма-босқичли, изчил ва давомли жараёни давлатнинг туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, бутун жамият аҳлининг қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда амалга оширилиши учун қулай ижтимоий-сиёсий имкониятлар яратиб беради.

Таъкидлаш жоизки, тараққиётнинг ўзбек модели бундан олдин дунё мамлакатларида ишлаб чиқилган ва ҳаётга жорий этилган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўзининг стратегик моҳияти ва тактик қўлланиш усулларига кўра бутунлай янги тараққиёт модели бўлди (5.1.1-расм), деб айтишга барча илмий, ҳаётий асослар, далил ва исботлар етарлидир.

5.2. ИҚТИСОДИЁТНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ЗАРУРАТИ


Мамлакатимизда ўзига хос ва ўзига мос миллий тараққиёт йўлимизни шакллантириш жараёнида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик мақсадлари ҳам аниқ-равшан белгилаб олинди. Улар қуйидагилардан иборат эди: кишилар турмушини яхшилайдиган, мунтазам ривожланиб борадиган иқтисодий тизимни барно этиш; кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; иқтисодиётни, молиявий аҳволини барқарорлаштириш; иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш, илғор технологияларни жорий қилиш; кенг қўламда аграр ислоҳотлар ўтказиш; аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш; мамлакатимиз экспорт салоҳиятини жадал ривожлантириш; хорижий сармояларга кенг йўл очиб бериш.

Ислоҳотлар — иқтисодий тараққиётнинг бош мезони, Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки инсон учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилиши билан қадрлидир.

Шундай экан, демократик жамият қуришдан кўзланган мақсад юртимизда истиқомат қиладиган барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган мамлакатлардаги каби кафолатланган юксак турмуш даражасини таъминлашдан иборат (5.2.1-расм). Бундай эзгу мақсадни амалга ошириш учун бирламчи аҳамият касб этган, яъни ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларга эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислоҳотлар эса, ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас, узвий боғлиқликда амалга ошириб келинмоқда.

Халқимиз босиб ўтган ана шу шонли йўлга назар соладиган бўлсак, собиқ тузум давридаги яккаҳоқимлик тизими ва унинг самарасиз хўжалик механизми оқибатида юртимизда халқ хўжалиги издан чиққани, ишлаб чиқаришнинг паст даражаси туфайли 1990 йилда республикалараро савдо айланмасида салбий сальдо, яъни 3,7 миллиард рублни ёки яппи миллий маҳсулотнинг қарийб 11 фоизини ташкил қилган эди. Бундай ҳол аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келган эди. 1990 йилда 70 фоиз республикада аҳолисининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди.



5.2.1-расм. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг янги босқичида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

Юртбошимиз мамлакатимиздаги ҳақиқий ҳолатни эътиборга олиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни ўз сиёсати марказида турган энг муҳим ва устувор йўналишга айлантирди. Шу асосда Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама асослаб берди. Бу ҳақда гапирганда қуйидаги тамойилларни алоҳида таъкидлаш лозим:

❖ аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш;

❖ иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан старли даражада таъминлаган ҳолда макро-иқтисодий ўсин суръатлари ўртасидаги нисбатнинг тенглиги;

❖ барча хўжалик юритувчи субъектларни бозор механизмдан фойдаланиш асосида иқтисодий бонқарини;

❖ ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бонқарилишидан узоқлашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга эркинлик бериш;



5.2.2-расм. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркиби.

❖ инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлаш ва чет эл сармоясини жалб этишда ҳар томонлама мақсалга мувофиқ бўлган қулай шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бонқаришда давлатнинг фаол йўлини сақлаб қолиш;

❖ бозор муносабатларини шакллантиринининг барча босқичларида, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга аниқ йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва вазифалари билан бирга, уларнинг устувор йўналишлари ҳам аниқ-равшан белгилаб олингани ҳамда шу асосда улар изчил ва қатъият билан амалга оширилиб келинаётгани эътиборлидир.

Айниқса, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш — бу миллий манфаатларни таъминлайдиган, иқтисодий ўсинга йўл берадиган ва

ниҳоят, аҳоли фаровонлигини муттасилошиб боришга олиб келадиган янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишни билдиради. Бу — иқтисодий ислохотларнинг муҳим стратегик вазифасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилишининг шаклланишида юртимизнинг табиий ресурсларга бойлиги, иқтисодий салоҳияти, географик жойлашуви, малакали ишлаб чиқариш кучларига эга экани каби бир қатор омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 24 фоизга етди.

Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизга ўсди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестицияларнинг устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Президентимиз томонидан 2010 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдирish ва ички бозоримизда товарлар мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан, экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлайдиган оптимал таркибни шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

5.3. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У, энг аввало, танглик ва инқироз ҳолатларига барҳам беришга қаратилган. Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда танглик ҳолатларининг олдини олиш, иқтисодиётдаги реал аҳволни ифода қилувчи мезон бўлиб хизмат қиладиган

кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга, иқтисодиётни инқироз ҳолатига олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганиш, бу борада турли хил чалғишлар ва номуносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътиборни қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш талбирларини фаол амалга ошириш фоят муҳим.¹

Ўзбекистоннинг мустақиллиги унинг иқтисодий тараққиётида янги давр — иқтисодий янгилашни ва барқарор иқтисодий ўсиш даврини очиб берди. Юқорида зикр этилганидек, Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг эгасига айланди, иқтисодий тараққиётда ўз йўлини танлаб олди, миллий манфаатларга мос ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришга киришди ва ниҳоят, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди.

Мустақиллик йиллари давомида иқтисодиётни янгилаш унинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини ўзгартириш борасида кўп иш қилинди. Иқтисодиётни ислоҳ этиш натижасида давлат мулки қатъий чегараланди, нодавлат мулк шакллари, энг аввало, хусусий мулк юзага келди, унинг ривожланиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Ўтиш даврида давлатимиз ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, яъни энг муҳим устувор йўналишларни аниқлаб, (нефть мустақиллиги, ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) шу асосда иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон иқтисодиёти шўролар давридан мерос бўлиб қолган аграр-индустриал характери, яъни қишлоқ хўжалигининг ва бу соҳа маҳсулотларини қайта ишлашнинг ишлаб чиқаришда катта ўрин тутиши (65 фоиз) билан ажралиб турар эди.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон асосан пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, собиқ иттифоқда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини етиштириб, қизил империянинг саноат марказлари ва ҳатто бутун социалистик система учун хом ашё базасига айланиб қолган эди. Республиканинг барча иқтисодий ресурслари пахта комплекси деб аталган мажмуага йўналтирилиб, хўжаликнинг бошқа соҳалари эътибордан четда қолар эди. Пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида республиканинг дон ва энг муҳим озиқ-овқат турлари — гўшт ва сут, ун, шаккар бўйича собиқ марказга, бошқа республикаларга қарамлиги вужудга келган эди. Шу боис, айниқса мустақиллик арафасида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Пахта яккаҳокимлиги оқибатида илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон» — 1995 й., 197-б.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп бўлса-да, уларни қайта ишловчи саноат тармоқлари ва корхоналари юртимизда ривож топмади.

Саноат тармоқлари таркибий тузилишида ҳам чуқур номутаносиблик мавжуд эди. Саноатда тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоизни ташкил этар эди, холос. Бу эса саноатнинг ҳам хом ашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганидан далолат берарди.

Ишлаб чиқариш таркибий тузилишидаги номутаносибликларнинг барчаси Ўзбекистонга юқорилан туриб зўрлаб тикштирилган сохта ихтисослашув оқибати эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди.¹

Мустақилликка эришгандан сўнг ёш давлатимиз олдида жуда кўп муаммолар қаторида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам кўндаланг турар эди. Юқорида баён этганимиздек, энг катта муаммо шунда эдики, собиқ иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга шу чоққача кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилади. Жумладан, 90-йилларда Ўзбекистонда ҳар бир киши йилига ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилган бўлса, 1994-йилларга келиб бу рақам 152 килограммни ташкил этди. Ўзбекистонга йилига четдан ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтирилар эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакатимизда ғалла тақчиллиги жиддий муаммога айланган эди. Ўша пайтда юртимизда атиги 12–15 кунга етадиган ғалла захираси қолган кунлар бўлганини эсга оладиган бўлсак, муаммонинг нақадар кескин ва хатарли тус олганини тасаввур этиш қийин эмас, албатта.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда Президент Ислон Каримов қатъият билан иш юритиб, зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўради. Натижада тез кунлар ичида юртимизга Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 минг тонна дон келтирилди. Шу тариқа юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги муаммоси бартараф этилди. Қарийб очарчилик ёқасига келиб қолган мамлакатимизда катта фожианинг олди олинди. Шундан сўнг Юртбошимиз ғалла мустақиллиги масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйдилар. Бу йўлдаги ишлар кенг кўламда бошлаб юборилди ва атиги ўн йил ичида мамлакатимиз ғалла бўйича бошқаларга қарамликдан бутунлай халос бўлди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги баъзи давлатларга бундай муҳим стратегик мақсадларга эришиш учун 30–40 йил керак бўлганини кўраимиз.

¹ *Абулқосимов Ҳ.* Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. – Т.: «Академия», 2008.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республикамизда 1990 йилда 1 миллион тоннадан зиёдроқ галла ҳосили олинган бўлса, 2009 йилда 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди.

Мустақилликдан сўнг иқтисодий эътибор этиш ва қайта қуриш учун таркибий янгилаш йўли танланди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни жиддий қисқартириш; экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўпайтириш; мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатланув салоҳиятини ошириш; Ўзбекистондаги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, истеъмолга тайёр маҳсулотларни кўпайтириш йўналишларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

5.3.1-жадвал

Ўзбекистоннинг айрим муҳим маҳсулотлар билан таъминланиш борасидаги кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткич	1991 й.	2010 й.
Иқтисодий эътиборнинг ўзимизда тайёрланган ёнилғи-энергетика ресурслари билан таъминланиши	70–75	100
жумладан, нефть маҳсулотлари билан таъминланиши	30–35	100
Иқтисодий эътиборнинг ўзимизда тайёрланган галла ресурслари билан таъминланиши	15–18	100
Ўз кучимиз билан қайта ишланаётган олтин рудаси	0	100

Натижада, Ўзбекистоннинг индустриал салоҳиятини сақлаб қолиш ва оширишга, унинг мустақиллигини кучайтиришга эришилди. Ўзбекистон иқтисодий эътиборнинг ихтисослашуви унинг миллий манфаатларига бўйсундирилди. Бундай ютуқларга эришишда, албатта, Президентимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган дастур ва вазифаларнинг ўз вақтида аниқ кун тартибига қўйилиши, уларнинг изчил бажарилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бу борада иқтисодий инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳеч кимга сир эмаски, инвестициялар иқтисодий эътиборнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва қўламига таъсир этади, унинг илмий-техникавий асосдаги тараққиётини таъминлайди, аҳоли бандлигини янада оширади. Бунга сабаб — иқтисодий эътибордаги институционал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилиши ва ривожланиши кўпинча инвестицион фаолликка боғлиқ бўлади. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш ва уларнинг амалда фаолият юритадиганларини қўллаб-қувватлаш ҳам инвестиция асосида амалга оширилади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб инвестициянинг муҳим бир тури бўлган чет эл инвестицияларини жалб қилишга катта эътибор берилди. Бу жараён Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги тамойилларга асосланмоқда:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётига капитал маблағни бевосита кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириб бориш;

учинчидан, энг замонавий технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибий тузилишига эга бўлиши учун кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни мамлакатимиз мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.¹

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Шу ўринда электр ва газ тармоқларини барпо этиш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларининг мамлакатимиз учун нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида:

1) мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари яқунланиб, улардан узлуксиз ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш ва таъминлаш;

2) Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

3) электр энергиясини экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имкониятлари қўлга киритилди.

Хусусан, мамлакатимизда электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш борасида:

... Стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан яқунланди.

Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергиясини экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Ислом Каримов

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 277-бет.

– меъёрдагидан ортиқча ёки кам қувват билан ишлаётган 283 та трансформатор подстанцияси янгиларига алмаштирилди (ушбу талбирларга 2,9 миллиард сўм маблаг сарфланди);

– меъёрдагидан ортиқча қувват билан ишлаётган 308 километр узунликдаги электр тармоқларини алмаштирини ишлари амалга оширилди (1 миллиард сўм);

– ҳудудларда жами 964,2 километрлик газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;

– 2,3 минг километрлик сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;

– 366 та қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик суви объектлари қуриб фойдаланишга топширилди (19 миллиард сўм).

Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:



Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш



Ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш



Истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш



Энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб этиш



Электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимида бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш



Электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш



Электр энергияси ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш

5.3.1-расм. Электр энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

Барчамизга маълумки, мустақилликдан кейин мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, қолаверса, Ўзбекистонни жаҳоннинг турли нуқталари билан туташтирадиган, ҳар томонлама қулай, самарали ва энг муҳими, ишончли автомобиль йўларининг ягона умуммиллий тизимини барпо этиш гоят долзарб вазифага айланди. Шунга кўра, ҳозирги кунда юксак халқаро стандартларга жавоб

берадиган, мамлакатимизнинг барча хуудларини ўзаро ишончли боғлайдиган, минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42530 километрга етди (5.3.2-жадвал).

5.3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари
тармоғининг умумий узунлиги**

Йўл турлари	Узунлиги, км
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари	42530
Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари	61 664
Хўжалик автомобиль йўллари	79367
шу жумладан:	
– ички хўжалик йўллари	67274
– корхоналарга қаршли йўллар	12093

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 51 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги, 40 фоизи давлат аҳамиятидаги ва 9 фоизи халқаро аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади.

**5.4. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА
МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИНГ
ТАЪМИНЛАНИШИ**

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимидан бошланиб, кўлаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизимини ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли аса-рида мазкур дастурда белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрса-тиб ўтилган эди:


1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

4) электр энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.¹



5.4.1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

Инқирозга қарши чоралар дастуридан ўрин олган ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлаганини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмага эга бўлишини таъминлаш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, мамлакатимизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (5.4.1-расм).

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

¹ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: «Ўзбекистон», 2009. 31–34-б.

Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбир – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари сезиларли даражада пасайтирилиб борилмоқда (5.4.1-жадвал).

5.4.1-жадвал

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31	9
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15 фоиз, 25 фоиз, 36 фоиз, 40 фоиз	11 фоиз, 17 фоиз, 22 фоиз
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15	7
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4	3,5
Ягона ижтимоий тўлов	40	25

Жадвалдан кўришиб турибдики, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,1 баробар, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда. Агар 2000 йилда юртимиздаги солиқ юки 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 22,6 фоизни ташкил этди, яъни 1,6 баробардан кўпроқ қисқарди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг янги ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида, энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тadbиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

1996–2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизга, яъни 5,4 марта қисқартирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001–2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Юртимизда охириги йилларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича эришилган натижалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– инфляция даражаси йилига 7–8 фоиздан ошмаган ҳолда сақланиб қолмоқда;

– олтин-валюта захиралари охириги 5 йил мобайнида 6 баробар ўсиб, ҳозирги кунда деярли 1,5 йиллик импорт ҳажмини қошлайди;

– жами давлат ташқи қарзи ЯИМнинг 9,5 фоизини ташкил қилиб, экспорт ҳажмига нисбатан 26 фоиздан ошмайди. Бу кўрсаткичлар Жаҳон банкининг мезонлари бўйича ижобий баҳоланади.

5.5. МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИ ВА БУНДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий тараққиётимизнинг юксалиш босқичи изчил равишда давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олганидан кейинги тарихан қисқа давр ичида демократик жамият ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижалар қўлга киритилди. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан миллий тараққиёт стратегиясининг пухта ишлаб чиқилгани, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсад ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ-равшан кўрсатиб берилгани барча ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 27 январь) маърузасида

Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганини таъкидлаб ўтди.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустақкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009–2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.¹

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнининг ўрни алоҳида аҳамият касб этди.

Бугунги кунда модернизация жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш муҳим ўрин тутди.

Чунки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, унинг турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имкониятлари ва салоҳиятлари айнан ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқ. Бироқ, шу билан бирга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.

Шу ўринда модернизация жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш ло-

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. — Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи», 2010 йил 29 январь.

зим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизация қилиш, энг аввало, ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзоларининг дунёқараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқ.

Президентимиз томонидан илгари сурилган тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

Маълумотлардан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2009 йилда 21209,6 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 2,23 марта ўсди (5.5.1-расм).



5.5.1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси динамикаси.

2000—2009 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (5.5.1-жадвал).

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улуши 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоиз, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизга пасайишига олиб келди.

5.5.1-жадвал

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт, жами (миллион АҚШ доллари ҳисобида)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт, жами (фоиз ҳисобида)	100	100	100	100
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5
Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7	5
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

2000–2009 йилларда мамлакатимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (5.5.2-жадвал).

5.5.2-жадвал

Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт, жами (миллион АҚШ доллари ҳисобида)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт, жами (фоиз ҳисобида)	100	100	100	100
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металллар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7	8,3	9
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

5.6. ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад — аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 миллион кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, юртимизда янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмлари таркиб топиб, бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юқори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб, макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайгани ҳисобланади.

Сўнги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини насайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарини учун кенг имкониятлар яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятларидан янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.


Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёни аҳоли ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар яратади. Бу шароитлар «турмуш сифати» тушунчаси билан тавсифланади. Турмуш сифати кўплаб омиллар таъсирида шаклланади (5.6.1-расм).



5.6.1-расм. Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш жараёнида хонадонларни газлаштириш ва етказиб бериладиган табиий газ нархини белгилаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз аҳолисига табиий газ қўшни давлатлардагига нисбатан арзон нархларда етказиб берилди. Масалан, аҳолига 1 минг м³ ҳажмдаги табиий газни сотиш учун Қирғизистонда 309 доллар, Тожикистонда 303,5 доллар, Қозоғистонда 100–140 доллар, Ўзбекистонда эса 30 доллар нарх белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимизда мустақилликка эришилгач, аҳоли уй-жойлари ва хонадонларни газлаштиришга катта эътибор қаратилди (5.6.2-расм). Айниқса, бу борада шаҳар ва қишлоқларнинг газ билан таъминланиш даражаси ўртасидаги тафовутни кескин қисқартиришга аҳамият берилди.



5.6.2-расм. Уй-жойларнинг табиий газ билан таъминланиш даражаси.

Бунинг натижасида 2010 йилнинг 1 январигача мамлакатимиздаги хонадонларнинг газ билан таъминланиш даражаси шаҳар жойларда 85 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78,7 фоизни ташкил этди. Шу кунга қадар жами газлаштирилган хонадонлар сони 4270,6 мингтани ташкил этиб, шундан 2419,8 мингтаси шаҳарда, 1850,8 мингтаси эса қишлоқда жойланган.

Аҳолининг истеъмол буюмлари билан таъминланиши ва реал даромадлари ҳажмининг ўсишини уларнинг жамгармалари, хусусан, молиявий муассасалардаги омонатлари миқдорининг ошиши мисолида ҳам кузатиш мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари қолдиги 2009 йил давомида 1 триллион 190,4 миллиард сўмга ёки 69,1 фоизга ошиб, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 2 триллион 914,2 миллиард сўмни, шу жумладан, тижорат банкларида – 2 триллион 749,9 миллиард сўмни ташкил этди. Демак, 2009 йилнинг ўзида аҳолининг тижорат банкларидаги омонати 1,7 баробар ошгани унинг реал даромадлари ўсиб бораётганидан дарак беради.

5.7. ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИГА ХОС УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН КЕНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИ

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган, ўтган 19 йил давомида жамиятнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган тараққиётнинг ўзбек модели бутунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини амалда яна бир бор исботлади. Буни дунёдаги таниқли иқтисодчилар, давлат арбоблари ва атоқли сиёсатчилар, нуфузли эксперт ва таҳлилчилар ҳам эътироф этишмоқда. Улар томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳамда инқирозни бартараф этиш борасида олиб бораётган изчил чора-тадбирлари ҳар томонлама теран таҳлиллар орқали ўрганиб чиқилмоқда. Ва улар молиявий инқирозни бошидан кечираётган давлатлар учун мазкур модель қайсидир жиҳатдан татбиқ этилиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

Шу билан бирга, 2010 йилнинг 1–4 май кунлари Тошкентда ўтказилган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида иштирок этган Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мото Конишининг ҳам бу мавзудаги самимий сўзларини келтириш мумкин. «Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юри-

тилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда» («Ўзбекистон овози», 2010 йил 6 май, 53-сон).

Шу ўринда жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатдонлари, иқтисодчи олимларининг Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг юксак самаралар бераётгани тўғрисидаги оммавий ахборот воситалари ва матбуот саҳифаларида эълон қилинган эътирофларини келтиришни лозим топдик.

Масъуд АСАД, «Gulf University» олий ўқув юрти Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори (Қувайт):

– Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У «шок терапияси» ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг хонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганини яхши биламиз. Ҳозирга келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири – мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканини кўрсатмоқда.

Эмилио БОНИФАЦИ, Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими (Италия):

– Ўзбекистон Президентининг асарида глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон-бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислоом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислоом Каримовнинг асарини мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран ҳал қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина

киритилган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканини кўрсатади.

Б. АШАВСКИЙ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор:

– Ислом Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон хўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда «Ўзбек модели» деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олин керак, бу йўл афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради.

А. ЛОКЕ, Италиянинг Осие ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, «Италия – Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёрқин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда тажрибасини намоян этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фавқуллоҳда жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислом Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий ва молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифодаб беради.

G20 гуруҳига кирувчи давлатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инқирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан кучлироқ назорат ўрнатиш борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва у Президент Ислом Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалик тармогида, банк тизимида, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланиши ва қаровчисини йўқотган oilалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оши-

рилиши аллақачон бошланган, инқирозга қарши танланган чоралари тўғрилигини кўрсатади.

Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Покистон):

— Глобал инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодий босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди.

Президент Ислам Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимига мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаши лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди.

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):

— Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади.

Норазиза БОРХОН хоним, Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти:

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлар тушиб қолган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори энг юқори баҳога муносибдир. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий захираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар котировкаси гаровида қолмади, «шок терапияси» усулини қўлламади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни тақсимлаш масаласига оқилона ёндашди.

Жером де ля ПОРТ, Руан университетининг ҳуқуқшунос профессори (Франция):

— Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқар эканман, мамлакат раҳбариятининг 2010 йилни «Баркамол авлод йили» дея эълон қилишини қўллаб-қувватлайман. Бу — ҳукуматнинг ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялашга эътибори юқори эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Ўзбекистонда бўлиб, мен мамлакат ёшларининг саводхонлиги ва чет тилларини, хусусан, француз тилини пухта билишлари билан ажралиб туришлариға шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

... Ўзбекистон — ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Ислом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғри эканидан далолат берди. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат Францияда ривожланган жамият барпо этишга кўп жиҳатдан меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

Сафо Маҳмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

— Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентида сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шунинг алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

Ван Аҳмад Ван УМАР, Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:

— Ҳукумат томонидан юритилаётган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бонқарини, айниқса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг қўлга киритилгани Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигидан далолатдир.

Электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоян қилди, бундан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатида 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

Аҳмад Фуад бин ИСМОИЛ, Куала-Лумпур шаҳри ҳокими:

— Мамлакатда тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон ажойиб инвестиция салоҳиятига эга. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмоқда.

Евгений ВОЙКО, Россия Сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти:

— Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси бу — бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг якунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш ҳамдир.

... Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилиш ва

Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ислам Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрини эътиборга молик, деб ҳисоблайман. «Қонун» тушунчасининг ўзини теран англаб етмасдан, унга тизимли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдеворига қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳуқуқий масаланинг долзарбланиши — халқ томонидан сайланган вакилларни мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим даъватдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, чунки маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салоҳияти юқори эканига очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил тараққиётнинг 19 йили давомида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ҳар томонлама чуқур асосланган сиёсати, толмас меҳнати ва бунёдкорлик фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ.

6. ИЖТИМОЙ ДАСТУРЛАР – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛИШИ

- 6.1. Истиқлол даврида мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий дастурлар ва миллий тараққиёт
- 6.2. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифалари
- 6.3. Маънавий камолот – тараққиёт асоси
- 6.4. Баркамол авлод тарбияси ва маърифат

6.1. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЖТИМОЙ ДАСТУРЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

«Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлиши истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда»,¹ – дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ягона мақсадга, яъни юртимиз фуқароларининг молдий ва маънавий камолотини янада юксалтиришга қаратилган бўлиб, унинг асосий ғояси «**Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон**» деган чуқур маъноли сўзларда мужассамдир.

Халқимизнинг фаровонлигини ва маънавий юксалишини таъминлаш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб энг муҳим вазифа қилиб белгиланди ва барча саъй-ҳаракатларимиз ушбу юксак вазифани амалга оширишга қаратилди.

Мамлакатимиз тарихида улкан тadbирларни амалга ошириш билан бир қаторда, жуда муҳим ижтимоий дастурлар ҳам қабул қилиниб, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши юртимизнинг гуллаб-яшнашида, ёшларимиз тарбиясида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик режалари анча мустаҳкамланиб, жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллаганимиздан кейин, 1996 йилга келиб дастлабки ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Бу, авваламбор, ҳар қайси йилга алоҳида ном бериш ва шу асосда Давлат дастурларини қабул қилиш билан боғлиқдир.

Йилларга алоҳида ном беришдан мақсад – шу муаззам ўлкада яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти янада мазмунли, завқли, тўлақонли бўлишига етарли шароит ва имкониятларни яратишдан иборат. Ҳар бир йилда инсон

¹ «Ўзбекистон овози», 2010 йил 1 июль.

ҳаётининг қайсидир жабҳасини ўрганишга, такомиллаштиришга замин яратувчи дастурлар ишлаб чиқилди ва режалаштирилган вазифалар амалга оширилди.

Жумладан, мамлакатимизда 1997 йил «*Инсон манфаатлари йили*» деб эълон қилинди. Дастурнинг бош мақсади — ҳур ўлкамизда яшаётган ҳар бир инсон манфаатига эътибор бериш, жамият манфаатлари билан ҳар бир шахс манфаати уйғунлигини таъминлаш ва комил инсонни тарбиялаш учун қулай тарбиявий муҳитни вужудга келтириш эди.

«Инсон манфаатлари йили» Давлат дастури бўйича ижтимоий-маданий тadbирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Дастур доирасида давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тadbирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

Шу йили 6,7 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқ жойларда барпо этилди. Сотиб олинган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун давлат бюджетидан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжаллаган шифохоналар, бир сменада 12 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ ҳаётини шаҳар ҳаётига яқинлаштиришдан иборат бўлиб, халқимизнинг турмуш даражасини оширишда, авваламбор, қишлоққа эътибор бериш алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу борада қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш мақсадида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув тармоғи ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та тиббиёт пунктлари ишга туширилди, 202 та тиббиёт муассасаси тиббиёт пунктларига айлантирилди. Европа ҳамжамияти комиссияси кредити ҳисобидан 5,3 миллиард сўмлик дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди.

Бундан ташқари, юртимизда 30 турдаги янги дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўлкамизнинг мураккаб шароитида ўта зарур бўлган қонга қуйиладиган суюқ эритмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошкентда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Юнусобод» ёпиқ теннис корти, бошқа бир қанча спорт ва соғломлаштириш муассасалари қурилиши тугалланди. Тошкентдаги ҳайвонот боғи қуриб битказилди.

Ногиронларни даволаш бўйича республика маркази ташкил этилди. Тошкент, Навоий ва Фарғона шаҳарларида болалар ва катталар учун полиомиелит марказлари қурилди, 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Илк бор 1-синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандлари эса қишки кийим-бош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароити ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Қаердаки, инсон манфаатлари поймол этиладиган бўлса, у ерда баркамол авлодни шакллантириш учун зарур бўлган тарбиявий муҳитни яратиш, ҳеч шубҳасиз, қийин бўлади. Буни чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати инсонни энг олий қадрият сифатида улуғлаб, унинг манфаатларини ҳимоялаш масаласини ўз олдига устувор вазифа қилиб қўйди.

«Инсон манфаатлари йили» дастурининг мантиқий давоми сифатида 1998 йил юртимизда «*Оила йили*» деб эълон қилинди.

Маълумки, ҳар бир инсон оилада таваллуд тонади ва илк тарбияни шу маконда олади. Оиладаги соғлом муҳит фарзанднинг соғлом бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Оилада шахснинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун унда зарур руҳий-маънавий, ахлоқий муҳит яратилган бўлиши керак. Ана шундай намунали оилани шакллантириш мақсадида «Оила йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси орқали оилани ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлигини янада кенгайтириш ва кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Оила кодекси қабул қилинди. Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оиланинг мустақкам ва барқарор бўлишига, оилавий муносабатларни соғломлаштиришга, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида соғлом ва барқарор бўлса, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Президентимиз ибораси билан айтганда: «Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарордир».

Оила манфаатларини таъминлаш борасидаги давлат дастури комплекс мазмунга эга бўлиб, у бир юз эликдан ортиқ тадбирни ўз ичига олади. 1998 йилда ушбу тадбирларни бажариш учун давлат бюджетидан 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилди.

19 йиллик мустақил тараққиёт даврида оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний асоси яратилди ва давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали сиёсат туфайли оналар ва чақалоқларнинг саломатлигини яхшилашга эришилди.

Маълумки, оиланинг меҳр сарчашмаси, бекаси ва фариштаси аёлдир. Фарзанднинг баркамол шахс сифатида камол топишида ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи инсонни етиштиришда онанинг роли беқиёс. Шу сабабли 1999 йил юртимизда «*Аёллар йили*» деб эълон қилинди. «Аёллар йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди, оила, оналик, болалик масалаларининг жамиятимиз миқёсида устувор аҳамиятга эга эканидан келиб чиққан ҳолда, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси орқали аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, меҳнат фаолиятини ташкил этиш

учун шарт-шароитлар яратилш каби ишлар амалга оширилди. Аёллар соғлиги, хусусан, оналар саломатлигини яхшилаш, уларнинг ижтимоий, бошқарув фаолиятидаги иштирокларини таъминлаш ва кенгайтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий асос яратилди. Дастурда аҳолининг энг гўзал ва нозик қатлами бўлмиш аёллар маънавиятини юксалтириш асосида ижтимоий тараққиётни янги босқичга кўтаришга қаратилган кўплаб амалий чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топди.

Онани эъозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга хос шарқона эҳтиром ва эъоз биз учун ибратли меросдир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Қурбонжон додхо, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл — аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Ўсиб келаётган янги авлодни она ўз алласи билан эзгуликка ўргатади, уни парвариш қилади, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди ва етук инсон қилиб вояга етказади. Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

«1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, — деган эди Президентимиз, — аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим».

Юртимизда 2000 йилга «Соғлом авлод йили» деб ном берилди.

Ҳар қандай давлатнинг мустаҳкам бўлиши ва тараққий этишининг биринчи шarti — ақл-идроки мукамал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, руҳи тетик, ўзининг фуқаролик бурчи ва масъулиятини тўла англаб етган соғлом авлодни шакллантириш билан боғлиқдир.

Соғлом авлод деганда, энг аввало, соғлом насл, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳан, фикран соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод кўз олдимизга келади. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Аслида Оллоҳ таоло инсон зотини табиатан соғлом, мукаммал яратади. Лекин, афсуски, аввало одам боласининг ўзи, қолаверса, носоз муҳит бу мукаммалликни бузади. Одамзод кўп жойларда, таассуфки, нафс, кибру ҳаво, жаҳолатга берилиб, ўзини ўзи турли балоларга гирифтор қилади.

Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш гоят мураккаб вазифа. Айниқса бугунги кунда — мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Халқимиз азалдан бўй-басти келишган, ботир ва полвон ўғлонларни «қиличдек йигит» деб эъзозлаган, улар билан ғурурланган. «Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур» деган, — деб таъкидлайди Президентимиз, — шу фикрни давом эттириб, мен «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади», деб айтмоқчиман».

«Соғлом авлод йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар соғлом авлодни тарбиялаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилди. Бу йилда бошқа муҳим мақсаллар қатори соғлом авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-психологик муаммоларига ҳам эътибор берилди. Соғлом авлод тарбияси учун масъул бўлган тиббий муассаса ходимлари, ёш ота-оналар учун «Соғлом авлод асослари» ўқув қўлланмаси ёзилди ва бошқа бир қатор ишлар амалга оширилди.

2001 йил мамлакатимизда «*Оналар ва болалар йили*» деб эълон қилинди. Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, «Соғлом авлод йили» деб номланган 2000 йил мобайнида амалга оширилган барча ишлар янги 2001 йилда ҳам давом эттирилди.

«Она ва бола» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида кўздан кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришилди. Айниқса, юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, юртимизнинг барча минтақаларида «Она ва бола скрининги» каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда 580 мингдан ортиқ аёл профилактик кўриктан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олди ва уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Ҳомилалор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан беғул таъминлаш, тўрт ёшгача бўлган болаларни сариқ касаллигига ва полиомиелитга қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган хотин-қизлар ва болаларнинг ёз мавсумида яхши дам олишини таъкидл этиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар опа-сингилларимиз, 20 мингдан ортиқ

фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тошкент педиатрия-тиббий институтида Республика перинатал маркази қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани ҳам ана шундай муҳим тадбирлар қаторига киради.

«Она ва бола» дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балогат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

2002 йил мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. Бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсад – халқимизнинг азалий удумларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатини изчил давом эттириш, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустақамлашдан иборат эди.

Содда қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсати, қурилаётган давлат тизими, барпо этилаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажигини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз ҳисесини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек мақсад мужассамдир.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга йўналтирилган дастурларни бажариш учун керакли имконият ва маблағ топиб, қилинган ишларнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бугун самара бераётганига ҳамма гувоҳдир.

Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2002 йилда пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли эътибор берилиб, пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўламини кўрсатиб турибди.

Ёки қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда икки миллионга яқин қариялар диспансер назорати ва тиббий кўрикдан ўтказилгани, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббий масканларида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Ортопедик реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилди.

Ёки бўлмаса, 2002 йилда Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиатош» санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийла-

рига мўлжалланган «Косонсой» сихатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгисер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам, албатта, амалга оширилган ишлар салмогидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахоннинг уй-жойи давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилгани, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз оталигига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани, айниқса эътиборлидир.

2003 йил юртимизда «Обод маҳалла йили» деб номланди. Шу мақсадларда тузилган махсус дастур ва уни амалга ошириш бўйича эришилган пировард натижаларни ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу дастур аввало юртимиздаги ҳар қайси инсон ва оиланинг ҳаёт тарзи ва шароитини яхшилаш, имкон борида одамларга эркинлик ва қулайлик яратиб беришга хизмат қилганини кўрамыз.

2003 йил давомида маҳаллаларни янада обод қилиш мақсадида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб маданий-маиший бинолар, спорт майдончалари, хиёбон ва бог-роғлар барпо этилди.

Буни 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 310 та маҳалла гузари бунёд қилингани, шаҳар ва қишлоқларимизда 25 миллиондан зиёд дарахт кўчати ўтқазилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда долзарб масала бўлган маҳаллалар аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қарийб минг километрлик сув тармоғи ва 1 минг 322 километрлик газ тармоғи ишга туширилди, бу эса одамларнинг, аввало, аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга сезиларли таъсир кўрсатди.

Маҳалла ва мавзелар ҳудудидаги минг километрдан ортиқ йўллар қайта таъмирланиб, ободонлаштирилгани ҳам бу борада амалга оширилган катта ишлар қаторига киради. Бу ишларнинг кўпчилиги ота-боболаримизнинг эзгу удуми бўлиши ҳашир йўли билан бажарилгани, айниқса ибратлидир.

«Обод маҳалла йили» давомида юртимиздаги 5 минг 630 та маҳалла ҳудудида кўплаб кичик ва хусусий тadbиркорлик корхоналарини ташкил этиш ҳисобидан қарийб 155 мингта янги иш ўрни яратилди ва бунинг натижасида кам таъминланган фуқаролардан 110 минг нафари иш ўрнига эга бўлди.

Бу муҳим ишга тижорат банклари томонидан 36 миллиард 155 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан қарийб 8 миллиард сўм, шу жумладан, оилавий тadbиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун имкон яратди.

Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 минг-

дан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланди, шунингдек, 180 мингта кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдорида кўмак берилди.

Бунга қўшимча равишда республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муҳтож оилаларга 509 миллион сўм маблағ ажратилганини, кўп болали оилаларнинг 240 минг нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул дам олдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

2004 йил «*Меҳр ва мурувват йили*» деб номланди. Мазкур ном билан аталган Дастурда белгиланган тadbирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланди. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширилган ишларнинг кўлами ва миқёсидан далolat беради.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича белгиланган кенг кўламли тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этди.

Умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарелик ва ўқув қуролилари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишқи кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилди, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилди.

Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйи ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйлариининг ўзига 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи ҳомийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айни пайтда 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, «ЮНИСЕФ», «Ворлд концерн», «Енграг», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Шулар қаторида «Фриденслорф интернейшнл» халқаро ташкилоти кўмагида Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Фаргона вилоятларидаги 156 нафар боланинг Германияда жарроҳлик усули билан даволаниши ташкил этилди.

2004 йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионерлар, 535 мингдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди, кўплаб эҳтиёжманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланди.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳомийлар маблағи жалб қилингани бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 19 февралдаги «2004–2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига биноан тузилган махсус комиссия томонидан 2004–2009 йилларда «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» ишлаб чиқилди ва 2004 йил 9 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида 2004–2009 йилларда эски умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий принциплари белгиланди. Шунингдек, дастурда умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш талбирлари аниқ белгилаб берилди.

Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялашнинг асосий манбалари этиб белгиланди. Ушбу маблағларни жамлаш, улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари махсус Мактаб таълими жамгармаси ташкил этилди.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигида умумтаълим мактабларимиз аҳволини тубдан ўзгартиришга қаратилган хайрли саъй-ҳаракатлар тез орада юсак самаралар бера бошлади.

2005 йил «*Сиҳат-саломатлик йили*» деб ном олди. «Сиҳат-саломатлик йили» давомида мамлакатимиздаги 38 та шифохона ва сиҳатгоҳ янгитдан барпо этилиб, тўлиқ капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди, 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Шунингдек, бир смнада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 210 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, қанча-қанча одамларнинг шифо топишига, касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар юртдошимиз сифатли тиббий хизматдан фойдалангани ва қўшимча равишда 2 миллион кишига хизмат кўрсатиш имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим қадам сифатида баҳолаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ибратли ишлар нафақат пойтахтда, балки барча вилоят ва туманларда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги шифохона, Боғот туманида эса янги туғруқхона мажмуаси барпо этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани марказий касалхонасида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фаргона вилоятидаги «Чимён» санаторийсида янги корпус, Фаргона шаҳрида болалар аквапарки каби тиббиёт ва ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилди.

Шулар қаторида Республика шошилинич тиббий хизматининг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланиши мазкур тизимнинг самарадорлигини оширишга ҳисса қўнади.

Тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида пойтахтимиздаги иккита медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

2005 йилда академия қошида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ҳам иш бошладди. Бундан ташқари, 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, уларда минг нафар талаба таҳсил олди ва тиббий кадрлар тайёрлаш ишини яхшилашга хизмат қилди.

2006 йил Президентимиз ташаббуси билан юртимизда «*Ҳомийлар ва шифокорлар йили*» деб номланди. Ҳомийлик ва саховат деган тушунчаларни бири-биридан ажратиб бўлмайди. Шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган «Аллоҳ таоло сахийдир, сахийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши кўради», деган ҳикматни эслаш жоиз.

Ҳомийлик инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қалрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонлар тушунилади.

Муқаддас Қуръони каримда зикр этилган «Хайрли, савобли ишларда бири-бирингиздан ўзишга шошилиниг» деган ҳикматли сўзларда қандай чуқур маъно мавжуд.

2006 йил мобайнида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этиш, жумладан, қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уй шароитида чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган кишиларга меҳнат дафтарчаси очиб ва пенсия бадалларини жамғариб бориш имконияти яратилгани, айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим масала — муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўнлаб тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда ҳомийлар кўмагида юртимиздаги кўп болали, кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани мамлакатимизда саховат ва ҳимматликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Чунки бундай тадбирлар одамларнинг меҳнат билан шуғулланиши, оила аъзоларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, қўшимча даромад топиш имконини берди.

Миллионлаб юртдошларимиз иштирок этган умумхалқ хайрия ҳашарларидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 минг нафар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилди.

Қарийб 23 минг нафар қаровчисиз қария ва ногирон кишига ижтимоий хизмат кўрсатилиб, республикадаги барча «Саховат» ва «Мурувват», «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилганини бу боралаги муҳим ишлар сифатида қайд этиш лозим.

Шунингдек, 2006 йилда кам таъминланган оилаларга мансуб салкам 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд кийим-бош билан таъминланди.

Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан беғул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар ўқувчига қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди.

Дастур доирасида яна бир муҳим масала — ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бўйича қилинган қатор амалий ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2006 йил давомида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилиб, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдиғидир.

2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номлангани боис, бу йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтиришга эришилди, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалашган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилди, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш борасида мақсадли ишлар бажарилди. 2007 йилда қишлоқ жойларда 1,6 минг километрдан ортиқ сув қувурлари ва 710 километрлик газ

тармоқлари фойдаланишга топширилди. Шу йили барча турдаги таълим муассасаларида янги замонавий ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 169 та касб-ҳунар коллежи, 18 та академик лицей ҳамда 336 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 558 та умумтаълим мактаби ишга туширилди. Шу билан бирга, 2007 йилда 170 та болалар спорти объекти, жумладан, 27 та спорт иншооти, 143 та мактаб спорт зали барпо этилди.

2008 йилга муҳтарам Юртбошимиз томонидан «Ёшлар йили» деб ном берилди ва шу борада махсус Давлат дастури қабул қилинди. Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси орқали мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга, она юртига садоқатли ёшларни тарбиялаш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича ишларни янада кучайтиришга эришилди, ёшларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилди. Шу йилнинг 18 майида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент қарори қабул қилинди. Натижада ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ишига давлат томонидан ипотека кредитларини ажратишнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳудудларимизда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди.

Йил охиригача яна шундай 52 та кўпқаватли уй битказилиб, 1 минг 900 та ёш оила квартира билан таъминланади. Шунингдек, 1 минг 300 нафар ёш ўқитувчининг оиласига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилганини ҳам қайд этиш лозим.

2008 йилда «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини оилавий тураржой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартиралар берилдики, бу ўз навбатида, хайрли ишлардан бири бўлди.

Шу йили 14 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи ҳисобидан 15 мингдан зиёд оилага қорамол берилгани, кам таъминланган ва ёш оилаларга шахсий чорвачилик билан шуғулланиш учун 6,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган бошқа қатор ишларни айтиб ўтиш жоиз.

«Ёшлар йили» давлат дастури доирасида белгиланган чора ва тадбирларни амалга ошириш учун 1 триллион 248 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, 1 триллион 96 миллиард сўмлик бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфлангани бу борада бажарилган ишларнинг кўлами ва миқёсини яққол намён этади.

2008 йил давомида соғлом авлодни вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишларга эътиборни қаратсак, «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик – 2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилгани, Жаҳон овқатланишни яхшилаш жамғармасининг 6 миллион долларлик маблағи ҳисобидан ун маҳсулотларини фортификация қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилгани, Япония

хукуматининг гранти асосида Республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти 3,5 миллион долларлик замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозлангани, Саудия Тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан юртимиздаги 28 та янги мактаб қурилишига 21 миллион, Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси томонидан Республика нейрохирургия маркази қурилишига 13 миллион, Ислом тараққиёт банки томонидан 5 та касб-хунар коллежи қурилиши учун 10 миллион доллар, Бирлашган Араб Амирликлари томонидан янги мактабларни жиҳозлаш, компьютерлар билан таъминлаш учун 16 миллион доллар миқдорда маблағ ажратилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки ва Хитой Халқ Республикасининг молия институтлари томонидан коммунал хизмат соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ ажратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш учун йил давомида 186 та спорт иншоотида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, миллионлаб фарзандларимизнинг спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада Пекинда бўлиб ўтган 29-ёзги олимпиада ўйинларида спортчи ёшларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлилар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1096- сонли ҳамда 2009 йил 1 июлда «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури» ҳақидаги ПҚ-1144-сонли Президент қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий вазифаларни ҳал этишга қаратилгани билан гоё аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2009 йилнинг 1 январигача 27 миллион кишидан зиёдни ташкил этган бўлса, шундан 15 ёшгача бўлган болалар 38,5 фоизни, фертил ёшидаги оналар 28,4 фоизни ташкил этади. Бундан кўринадики, Ўзбекистон аҳолиси таркиби нисбатан ёш бўлган давлатлар қаторига киради.

Шу боис, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилала эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тушунтириш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни юқори поғонага кўтариш мақсадида махсус жамоатчилик кенгаши фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон барча ривожланган давлатлар қатори Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб оналикни муҳофаза қилишга доир ўнлаб халқаро ҳужжатларни ратификация қилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3165 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

Уларга жами 10,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар етказиб берилди ва яна 2,5 миллион долларлик асбоб-ускуналар қўшимча равишда харид қилинди.

Мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилишининг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

— халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эзгу ниятлари марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради;

— фақат ҳар томонлама етук авлодгина бугунги ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ўта мураккаб, огир синов ва қийинчиликларни енгиш, кўзланган юксак марраларимизни эгаллашнинг энг асосий шarti ҳисобланади;

— ҳозирги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, айти шундай огир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эришишда ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилгани, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар қилиб тайёрлангани мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда;

— юртимизнинг эртанги ривожини йўлида тузилган дастурлар ва уларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил — бу юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон ҳукумати «Баркамол авлод йили» давлат дастурида белгиланган комплекс чораталбирларни бажариш учун 2010 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтиришни

Янги йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилишининг сабаблари халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлмасин, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмасин, барча ҳаракатлар, эзгу ниятлар марказида, табиийки, фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Ислом Каримов

мўлжаллаган. Айтиш керакки, жаҳондаги ҳеч бир давлат ёш авлод камолоти учун бунчалик катта эътибор ва маблағ ажратмаган.

Ўлкамизда инсон шаъни ва ғурури эъзозланиб, у жамият тараққиётининг асосий омили, қудратли куч сифатида эътироф этилгани сабабли истиқлол йилларида қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар бир-бирини мантиқий давом эттирган ҳолда, аввало, инсон манфаатларини кўзлашга, унинг камолотини таъминлашга қаратилган яхлит тизимни ташкил этди.

6.2. «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

«Баркамол авлод йили» давлат дастури 11 та йўналиш ва 102 банддан иборат бўлиб, унда болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлиги муҳофазасини, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини кучайтириш асосида ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Дастурда ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Бундан ташқари, таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, бу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, информация ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини кенгайтириш, билим юргларида ўқув лабораториялари базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топган.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, бугун мамлакатимиз ёшларининг ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Президентимизнинг беқиёс гамхўрликлари боис, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган кичик мутахассис кадрларни иш билан таъминлаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиб, юз минглаб ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмак берилмоқда. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча ҳудудлардаги бошқармалари билан ҳамкорликда таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда иш берувчи корхоналарни жалб этган ҳолда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар йўлга қўйилди. Ана шу олижаноб ишларнинг мантиқий давоми сифатида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари ва олий

таълим муассасалари битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, иш ўринлари билан таъминлаш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Соглом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамгармалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг орзу-истак ва ингилишларини рўёбга чиқариш йўлида самарали хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Келажак овози» республика танловининг якуний босқичида 2006 йил 8 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ўқувчиси голиб бўлган бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 26 нафарни ташкил этди. Мана шу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларнинг қобилиятларини аниқлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларни илмий ишларга жалб этиш масаласига катта эътибор қаратилди.

2009–2010 йилларда умумтаълим муассасаларида спорт заллари янгидан қурилди ва мавжудлари таъмирланди. Бунинг натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 34,8 фоизга етди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида навқирон авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни янада кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Яратилган ана шундай имкониятлар туфайли ёшларимиз жаҳон миқёсидаги спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, юқори натижаларга эришдилар. Сўнгги беш йил давомида биргина умумтаълим фанлари бўйича 100 га яқин ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси Япония, Германия, Испания, Россия, Греция мамлакатларида турли фанлардан ўтказилган нуфузли олимпиадаларда иштирок этиб, 3 та олтин, 8 та кумуш, 36 та бронза медални қўлга киритишди.

Президентимизнинг «Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак», деган фикрлари ушбу дастурга асос қилиб олингани унинг муваффақиятли амалга оширилишида алоҳида аҳамият касб этади.

6.3. МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Инсоният тараққиётининг ҳар бир даврида маънавий камолот масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, жамиятнинг эволюцион тараққиёти маънавият ривожига бевосита боғлиқ. Маънавиятнинг юксалиши жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ривожига асос бўлиб хизмат қилади.

Маънавий баркамоллик инсоннинг руҳий покланиши, юксак онгу та-

факкурга эга бўлиши, ҳалол ва пок яшаш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлишида яққол намоён бўлади. Айтиш жоизки, ўзбек халқи қадим-қадим замонлардан бошлаб маънавият, ахлоқ масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Олис ажлодларимизнинг жамият, табиат, бутун борлиқ ҳақидаги билимларини ўзида акс эттирган зардуштийлик таълимотининг ёдгорлиги бўлмиш «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий ёдгорлигимизда маънавиятга оид дастлабки ғоялар ўз аксини топган.

Буюк ажлодларимиз илм-фаннинг қайси соҳаси билан шугулланмасин, инсон маънавиятини шакллантиришга, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», Ибн Синонинг «Қуш рисоласи», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» каби асарлари инсон шахсини, унинг ахлоқий тарбиясини, маънавиятини шакллантириш муаммосини таҳлил этишга бағишланган. Маънавий тарбия масалалари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Саъдийнинг «Гулистон», Алишёр Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», Абдулла Авлонийнинг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» каби асарларида ёритилган. Атоқли алиб, педагог Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асарида инсон ахлоқи хусусида фикр билдириб, шундай дейди: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир».

Буюк мутафаккир ва маърифатнарварларнинг тарбияга оид қарашлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, орадан юз йил ўтиб, ҳозирги кунда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки, илм-фан ва техника тараққиёти, замонавий кашфиётлар инсониятнинг қудратини оширади, унинг учун янги имкониятларни вужудга келтиради. Бундай ҳолат инсондан янада юксак маънавият даражасига кўтарилишни талаб этади. Ўз навбатида, шахсининг маънавий юксалиши унинг ижтимоий фаоллигини оширади ва жамиятнинг тараққиётини тезлаштиради. Юртбошимиз Ислом Каримов тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур таҳлил этган ҳолда «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»,¹ деб таъкидлаши бежиз эмас, албатта.

Дарҳақиқат, маънавиятни юксалтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлса, келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш асосида баркамол авлодни шакллантириш эса ундан ҳам долзарб вазифадир.

Чунки Ватанимиз келажаги, халқимиз олдида турган улкан мақсадларга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 137-бет.

эришиш аввало ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Президентимиз маънавият тушунчасини талқин этар экан, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажagini таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин эканини уқтиради. Чиндан ҳам, дунёдаги тажовузкор кучлар бирор халқни ўзига бўйсундирмоқчи ва унинг бойликларига эгалик қилмоқчи бўлса, авваламбор, ана шу халқни ўз миллий қадриятларидан ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Чунки, ҳар бир халқнинг тараққиёти ўз миллий қадриятлари ва бой маънавий меросига асосланади.

Менинг назаримда, «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади.

Ислом Каримов

Маънавият инсонни руҳан покланиш ва улғайишига чорлайдиган, унинг иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч бўлгани боис юртимизда маънавиятни юксалтиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Негаки, иқтисодиётни ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни жаҳон сиёсати саҳнасига олиб чиқиш каби вазифаларни маънавиятни юксалтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Маънавиятни юксалтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилгач, жумладан, миллий тарихни турли бўҳтон ва қатагонлардан тозалаш, миллат гурури бўлган ўнлаб ва юзлаб алломалар хотирасини қайта тиклаш, миллий анъана ва маросимларни халққа қайтариш каби хайрли ишлар маълум даражада амалга оширилгач, миллий мафкура ва миллий истиқлол ғояси масалаларини кун тартибига қўйиш учун маънавий асос яратилди. Ана шу маънавий асос мамлакат тараққиётини таъминловчи ёш авлодни маънавий камол тоштириш, янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда янги жамият бунёдкори бўлмиш комил инсонни тарбиялаш жараёнида биз миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланамиз.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик тарбия ва маданиятни ривожлантириш, инсон саломатлигини асраш, қонли урушларга йўл қўймаслик, тинчликни сақлаб қолишга қаратилган, ҳеч қачон завола билмайдиган умуминсоний қадриятлар, шу билан бирга, халқнинг миллий ғояси, ўзига хос қарашлари, диний эътиқоди, маънавий турмуш тарзи, орзу-истаклари, келажак мақсадини ифода этадиган қадриятлар эъзозланмоқда.

Айтиш жоизки, маърифий-маънавий қадриятлар миллий истиқлол мафкураси ва сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, у халқ онгининг ўсиши ва турмуш маданиятининг ривожланишида, ёш авлод камолотида беқиёс аҳамият касб этади. Шу сабабли миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш

масаласини ўз олдимизга вазифа қилиб қўяр эканмиз, биринчи навбатда собиқ мустабид тузум даврида ўз ўрнини йўқота бошлаган миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор қаратдик.

Бугунги кунда, фан-техниканинг жадал тараққиёти шароитида ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширувчи ёш авлод қобилиятини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2010 йилги Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилгани ҳам келажакимиз ворисларига бўлган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Ёшлар бизнинг бугунги орзу-ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлайдиган, ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўқис намоён эта оладиган авлод сифатида шакллансагина, бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб Ватанимиз тақдирини ўз қўлига олади, уни янги-янги марралар сари бошлаб, она юртимиз шухратини бутун дунёга тараннум этади.

6.4. БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ВА МАЪРИФАТ

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти, миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Ана шу фикрга таянган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбия масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиб, бутун мамлакатимиз миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунарга ўргатиш тизимининг самарадорлик даражаси, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди. Замонавий тараққиёт босқичининг талабларига тўла жавоб берувчи таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ўлкамизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатларнинг туб моҳияти, мақсад ва вазифалари юртимизда етук ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, унда бир қатор устувор йўналишлар белгилаб қўйилган. Хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ёшларда маънавий-ахлоқий тарбия асосида келажакка нисбатан юксак ишонч ҳиссини юксалтириш, ўқувчи ва талабалар маънавияти ва мафкуравий иммунитетини миллий истиқлол ғояси асосида мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, ёшларда Ватанга, халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсон-

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ислом Каримов

парварлик, ўзликни англаш, миллий гурур, миллий ифтихор, ўзга миллат вакилларининг қадриятларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни тарбиялаш, мустақил фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмаларини камол топтириш масалаларига дастурда алоҳида аҳамият берилган.

Спорт инсоний камолотнинг муҳим шарти бўлгани учун истиқлол йилларида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масаласига жиддий эътибор берилди, жумладан, болалар ва ўсмирлар орасида, айниқса, қишлоқ жойларда спортни кенг ривожлантиришга оид қатор комплекс дастурлар қабул қилинди.

Бу борала кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон болаларни соғломлаштириш, уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш доимий равишда давлатимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Биргина 2008 йилда юртимиз бўйича 184 та болалар спорт иншоотлари қурилгани ана шундай эзгу мақсадларни янада кенг кўламда амалга ошириш имконини бермоқда.

Ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда мактабдан ташқари кўшимча таълим муассасаларининг тармоқлари ҳам кенгайтирилмоқда.

Мамлакатимизда умумтаълим мактаблари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Унинг ижроси натижасида:

– ўлкамизда махсус мебель, ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқарувчилар сони 2–2,3 баробар кўпайди, 10 дан ортиқ вилоятда тегишли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди;

– соҳада ишлаб чақаришнинг ўсиши 1,3 мартага ошди, лаборатория ва махсус ускуналарни четдан олиб келиш 25 фоизга камайди;

– 170 турдан ортиқ мебель ва ускуналарни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди ва уларнинг турлари 1,2 мартага кўпайтирилди.

2008 йилнинг ўзида 69 та янги мактаб қурилди ва 582 та мактаб реконструкция қилинди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси ёшларни кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишларига имкон яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 427-қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар натижасида 2009 йили умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 100 фоиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан қамраб олинишига эришилди.

Ўқувчилар ихтиёрий равишда ўз қизиқишлари ва қобилиятидан келиб

чиққан ҳолда, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириш имконига эга. Уларга ўз қизиқишлари, қобилият ва имкониятларидан келиб чиққан тарзда, касб танлашига ёрдам бериш мақсадида Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази тузилди. Ушбу марказ ўқувчиларнинг интилишлари, қобилияти ва имкониятларини ўрганиб, касбга йўналтириш масалаларини тадқиқ этмоқда ҳамда ота-оналарга асосли маслаҳатлар бериб келмоқда. Бундан ташқари, 9-синф ўқувчиларига касб танлаш жараёнида ёрдам бериш мақсадида академик лицей ва коллежларга экскурсиялар ташкил этиш, турли касбларнинг хусусиятлари билан танишиш имкони яратилди. Келажакда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг кўرғазмасини ташкил этиш, мавжуд касбий ахборотлар банкани ҳар бир мактабга етказиш асосида касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш режалаштирилган.

Тасдиқланган амалдаги таълим йўналишлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисликлари ва касбларининг классификаторида 348 та мутахассислик ва 840 та касбни ўз ичига олади. Мамлакатимизда бугунги кунда 712 та касбни ўз ичига оладиган 268 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Мустақиллик даврида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 2008 йилда 169 та касб-ҳунар коллежи қурилди, 23 та академик лицей фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2005 йилнинг 23 ноябрида «2006—2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва меҳнатидан фойдаланиш бўйича намунали ҳудудий дастур»ни қабул қилди. Ушбу дастур асосида ҳар бир маъмурий тузилма — вилоятлар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди, ҳокимликлар ҳузурида ҳокимлар раҳбарлик қиладиган ҳамда таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилган мувофиқлаштириш кенгашлари ташкил этилди.

Ҳудудий дастурларда қуйидагилар кўзда тутилган:

❖ имкониятга қараб, битирувчилар меҳнатидан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, бюджетдан ташқари Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда, янги иш ўринларини ташкил этиш;

❖ ҳудудлардаги касб-ҳунар таълимини маҳаллий меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олиб ривожлантириш; меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг реал аҳволини ҳудудий даражада аниқлаш;

❖ иш берувчи нуқтаи назаридан, касб-ҳунар коллежлари фаолият юритишининг тезкор мониторинги механизмини яратиш.

Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги «Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида амалга оширилган ишлар натижасида биргина 2009-2010 ўқув йилининг ўзида ҳудудлардаги 118 та касб-ҳунар коллежида 62 та ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилиб, талаб катта бўлган 90 та мутахассислик бўйича янгидан кадр-

лар тайёрлашга киришилди. 34 та касб-хунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди. Ушбу чора-тадбирлар битирувчиларнинг барчасини иш билан таъминлашга йўналтирилганини таъкидлаш зарур.

Баркамол авлодни шакллантириш жараёнида олий таълим тизимининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ислохотлар мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланди. Олий таълимни ислох қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

- университет таълимининг устуворлиги;
- олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштириш;
- олий таълимни ҳудудийлаштириш.

1996 йилда олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва жамиятнинг барча қатламлари иштирокида кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Ушбу концепциянинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

❖ олий таълимнинг икки босқичли тизими — бакалавриат ва магистратурага ўтиш;

❖ олий таълим тизимини молиялашнинг янги тизимига ўтиш (давлат грантлари шаклида бюджет маблағлари ва шахсий манбалар ҳисобидан молиялаш, яъни талабаларни олий ўқув юртига тўлов-шартнома асосида қабул қилиш);

❖ талабаларни мамлакатнинг бутун ҳудудида бир кунда ва бир вақтда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали қабул қилишга (аввалги оғзаки ва ёзма имтиҳонлар ўрнига) тўлиқ ўтилди.

Ўзбекистонда таълим секторини молиялаштиришда бюджет ва хусусий манбалар билан бир қаторда молия институтлари, хорижий, халқаро донорлар томонидан кўрсатилаётган ташқи ёрдам ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. 2000 йилдан 2007 йилгача ушбу ёрдам доирасида умумий улушнинг ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 122 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларга доир 100 га яқин ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларнинг барчаси таълим-тарбия самарадорлигини оширишга, ижтимоий муҳофазага, соғлом авлодни тарбиялашга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. «Баркамол авлод йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришишнинг ишончли кафолати бўлиб, мустақил фикрга эга бўлган, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни вояга етказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

7. ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ: ЁЗ УЙИНГНИ ЁЗИНГ АСРА!

Халқимиз XX асрнинг сўнгги йилларида ёз тақдирини ёз қўлига олиб, тинчлик ва барқарорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлини танлади. Собиқ иттифоқ таркибидаги айрим давлатлар сиёсий тажрибасизлиги, демократия қонун-қоидалари ва талабларини юзаки талқин қилиши туфайли оғир ва сермашаққат кунларни ҳанузгача бошидан кечираётган бир пайтда Ўзбекистон улкан, ҳар томонлама салмоқли натижалари билан бошқаларни ҳайратга солмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг ўтган 19 йили мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий соҳаларда муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Биз танлаган ўзбек модели ўзини тўла оқлади. Оламларнинг турмуш ва ҳаёт тарзи тубдан ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда халқимиз, миллатимиз ва ҳар бир фуқаро ўзлигини англаб, жаҳонда, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгариш, янгиланиш жараёнларига чуқур дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда. Ўзлигини англаб, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаб, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз кўзлаган демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган жонажон Ўзбекистонимиз дадил одимлар билан ривожланиб, тенглар ичра тенг бўлган озод ва обод диёрга айланди. Унинг шаҳару қишлоқларидаги янгиланишлар, энг чекка ҳудудларда ҳам кўз кўрса қувондиган муҳташам бинолар, замонавий турар-жойлар, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт ва маданият масканлари қал ростлаётгани, фарзандларимизнинг ҳар томонлама қулай шароитларда вояга етаётгани — буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.

Солда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, ҳар қайси жамоа, бутун юртимиз учун бугунги кунда ҳақиқатан ҳам ўзгариш ва юксалиш, бунёдкорлик манбаига айланиб, ҳаётимизнинг кундалик қиёфаси ва манзарасини тубдан ўзгартириб бораётганини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан таъкидлаб ўтилганидек, бу улуг, энг азиз байрамимиз «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ғоя асосида катта тайёргарлик, шоду хуррамлик кайфияти билан кутиб олинмоқда.

Мустақиллик биз учун нафақат юксак гурур-ифтихор манбаи, улкан имкониятлар тимсоли, айни вақтда жуда катта масъулият ҳамдир. Мустақилликни асраш тинимсиз изланиш, фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлаб бориш уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Мустақиллик йилларида халқимиз бошидан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, буюк мақсадларимиз йўлидан қайтмадик. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, одамларимизнинг онги ва қалбида миллий ва умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлаб, бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлидан дадил бормоқдамиз. Бу йўлда эришган улуғ ва беқиёс ютуқларимизни асраб-авайлаш, кўз қорачигидек сақлашимиз лозим. Чунки, унутмаслигимиз лозимки, дунёда бизга ҳавас билан қарайдиган одамлар билан бирга, ҳасад билан қарайдиган кучлар ҳам йўқ эмас. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган даъвати ҳамisha бонг ургандек қалбимизда жаранглаб, акс садо бериб туриши керак. Ўзимизнинг энг катта бойлигимиз бўлган бугунги эркин ва озод, тинч-осойишта ҳаётимизни, фарзандларимизнинг шодон кулгиси, кексаларимизнинг кўнгил хотиржамлиги, ору номусимиз ва гуруримизни сақлаб, бу дунёда бошимизни баланд кўтариб яшаш фақат ва фақат ўзимизга, ўзимизнинг куч-қудратимиз, салоҳиятимизга боғлиқ. Бу муқаддас Ватанда инсон ҳамisha азиз ва мўътабар бўлиб келган экан, бунинг замирида эл-юртимизнинг доимо, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз шаъни ва гурурини ҳимоя қилиб яшашга қодир бўлгани мужассамдир.

«... Озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл! Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл! Мустақиллигимиз йўлида мен жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман», деган эди Юртбошимиз. Чунки Ватанни чин маънода Ватан, инсонни том маънода улуғлаб ҳазрати инсон даражасига кўтарадиган дунёдаги энг буюк қадрият — бу мустақиллик ва озодлик, бировга қарам бўлмасдан яшаш ҳуқуқидир.

Кейинги йилларда «Ҳизбуг-тахрир», акромийлик каби диний оқим тарафдорлари ўзларининг зарарли ғоялари билан ёшларимизнинг қалби ва онгини эгаллаб, уларни Ватанга хоинлик йўлига бошлашга уринмоқда. Лекин улар дунё харитасини ўзгартиришга, халқларни ўрта асрларда ҳукм сурган жаҳолат даврига қайтаришга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир ёвуз ниятларига эриша олмайди.

Бундай вайронкор оқимларнинг, ҳаракатларнинг илдири мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремистик марказларга бевосита боғлиқ эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг руҳига ёт ва бегона бўлган бундай зарарли оқимларнинг асл мақсадлари нимадан иборат эканини ўз асарларида, турли нуфузли минбарларда сўзлаган нутқ ва маърузаларида ҳаётий далиллар билан ҳар томонлама исботлаб келмоқда. «Халқаро терроризм кучлари қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни

кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда», деб таъкидлаган эди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари «Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак», дея халқимизни бугунги мураккаб замонда ҳар доим огоҳ ва ҳушёр бўлишга даъват этган эди.

Афсуски, бизнинг онгимизда тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, ҳокимият идораларининг, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага, авваламбор, мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаллас бурчи бўлмоғи керак.

Шунинг учун ҳам, бугун ҳар биримиз «тинчлик-осойишталикни, шу тинч ва осуда ҳаётни, мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қилишман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечинга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур. Масалан, «*Ўз уйингни ўзинг асра*» деган шиорни кўн такрорлаймиз. Лекин уни амалда ҳаётимиз қоиласига айлантириш учун барчамиз старли аҳамият беряпмизми? Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишлар талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ҳолбуки, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш — қандайдир ўтқинчи мавсумий компания эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлмоғи лозим.

Аввало, тинчлик ўз-ўзидан бўлаверади, деган солда ва зарарли тасаввурдан қутулиш керак. Тинчлик учун ҳар куни, ҳар сонияда курашиб яшаш лозимлигини чуқур англаб туриш зарур.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласида таъкидланганидек, «Тинчлик — Оллоҳнинг буюк нсмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин «тинчлик бўлсин» деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмунини нечоғлиқ теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмунини англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди... Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак».

Халқимизда «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган нақл бор. Эл-юртимиз ана шу мақолга амал қилиб, доимо кўшни давлатлар халқлари билан тил топишиб, ҳамжиҳатликда яшашга интилиб келмоқда. Кўшнилариимизнинг бошига кулфат тушганда, биринчилардан бўлиб уларга ёрдам кўлини чўзмоқда, дардларига ҳамдард бўлмоқда.

2010 йилнинг 11–15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган қочоқларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, беминнат ёрдам кўрсатишда халқимизнинг ана шу фазилатлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Мана шундай ўта қалгис вазиятда

айнан бизнинг Президентимиз, айнан бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутилиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб аланга олиб кетишига йўл қўйилмади. Ва бу ҳақиқатни бутунги кунда дунёдаги кўплаб нуфузли сиёсатчи ва таҳлилчилар эътироф этмоқда.

2010 йил 18 июнь куни Президентимиз Ислом Каримов Бухоро вилоятининг Вобкент туманида қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатда бу воқеалар ҳақида атрофлича фикр билдириб, «Биз ҳар доим вазмин, ориятли, орномусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаганмиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга фақат омонлик, тинчлик тилайман», деб таъкидлади.

Ўзбекистон халқининг ва Президентининг қўшни Қирғизистондаги воқеаларга бўлган инсонпарварлик муносабатини бутунги кунда хорижий давлатларнинг нуфузли сиёсатчи ва таҳлилчилари тўла эътироф этмоқда. Чунончи, Европа халқаро муносабатлар институти вице-президенти, сиёсий фанлар профессори (Бельгия) Ж.Липпер бу ҳақда тўхталиб, шундай фикр билдирганди: «Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қўшни мамлакатда содир этилган воқеалар миллатлараро можаро эмас, балки четдан туриб уюштирилган кўпоровчиликдир. Бу кўпоровчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган, деган фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлайман...».¹

Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ) Парвиз Морвиж эса қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир этилган ваҳшийлик, зўравонлик, болаларнинг, аёллар ва қарияларнинг ҳаётига қасд қилиш билан боғлиқ ваҳшиёна ҳолатларни ўз ичига олган оммавий жиноятлар ташқаридан туриб, узоқни кўзлаб ташкил этилган ва бошқарилган фитнадир, деган фикрларига тўла қўшиламан... Мен Ўш ва Жалолобод вилоятларида бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилар эканман, Президент Ислом Каримовнинг пухта ўйланган ва оқилона қарори бутун минтақани қамраб олиши мумкин бўлган мулҳиш уруш оловини ўчирди, деб айта оламан».

Қирғизистон Республикасининг собиқ давлат котиби (2000–2005), профессор Осмонакун Ибраимов «Белый Парус» (2010 йил 23 июнь, Қирғизистон) газетасида шундай ёзади: «...Бу воқеаларга Ўзбекистоннинг расмий позицияси ҳайрат ва ҳақиқий ҳурмат уйғотди. Бутун Марказий Осиёдаги вазият кўп жиҳатдан минтақадаги етакчи давлат бўлган мана шу мамлакатнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Яқинда Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликдан қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам жабр кўрди... Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари қўшни қардош мамлакат раҳбари сиймосида ҳақиқий раҳнамо ва буюк сиёсатчини эътироф этишга ундайди: «Биз буюк халқимиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан ўзимиз тил топамиз, бу можароларни ечишга ўзимизнинг қурбимиз, ақлимиз ва тажрибамиз етади».

¹ Инсонпарварликнинг юксак намунаси // «Халқ сўзи», 2010 йил 9 июль.

Мен ўз сиёсий фаолиятимда жуда кўп нарсаларни кўрганман, лекин Ислоҳ Каримовнинг бу сўзларини кўзга кўринадиган барча жойларга ёзиб қўйиш керак...».¹

Бундай фикрларни яна кўшлаб келтириш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз, бутун минтақамиз келажагини ўйлаб, куйиниб айтган сўзлари ҳеч кимни бепарво қолдирмайди: «Жаҳолат ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим. Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан муҳим».

Чиндан ҳам, фақат огоҳлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик гўзал ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳисобидан биз кўзлаган эзгу мақсадларимизга етишимиз, фарзандларимизнинг бахтли келажагини таъминлашимиз мумкин. Бу ҳақиқатни

¹ *Ибрагимов О.* Ўрта Осиёда, чамаси кенг кўламли урушнинг олди олинди. Бу Президент Ислоҳ Каримовнинг хизматидир // «Адолат» газетаси, 2010 йил 25 июнь.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-1358-сонли қарори. «Халқ сўзи», 2010 йил 1 июль.
3. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 80 б.
4. *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Т. 17. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 280 б.
5. *Каримов И.А.* Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
6. *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
7. *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16 – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 368 б.
8. *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
9. *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. 320 б.
10. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // «Халқ сўзи», 2007 йил 8 декабрь.
11. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2006. 280 б.
12. *И.А. Каримовнинг* 2005 йил 28 декабрдаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги нутқи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: 2006.

13. *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
14. *Каримов И.А.* Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, леб ҳисоблашар эди. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
15. *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 686 б.
16. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
17. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: 1998.
18. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
19. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, – 380 б.
20. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 364 б.
21. *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 269 б.
22. *Каримов И.А.* Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
23. *Абулқосимов Ҳ.* Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. – Т.: «Академия», 2008.
24. Асрларга тенг йиллар. Мустақиллик дарси (маъруза матни). «ЎАЖБНТ» маркази – Т.: 2001.
25. *Данияров П.* Курсом либерализации уголовно-правовой сферы // «Народное слово», 23 сентябрь 2008 г., №186.
26. *Жавакова К.* Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни // «Халқ сўзи», 2009 йил 21 ноябрь, 227-сон.
27. Инсонпарварликнинг юксак намунаси // «Халқ сўзи», 2010 йил 9 июль.
28. *Ибрагимов О.* Ўрта Осиёда, чамаси кенг кўламли урушнинг олди олинди. Бу Президент Ислом Каримовнинг хизматидаир // «Адолат» газетаси, 2010 йил 25 июнь.
29. *Луқмонов В., Турақулов О., Ёдгоров Э., Қурбонбоев Ф.* Изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари // «Халқ сўзи», 2010 йил 19 июнь.
30. Маланий меросимиз муҳофазада // www.region.uz.
31. *Мустафоев Б.* Ҳар бир шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш – бош мезон. «Халқ сўзи», 2010 йил 19 февраль.
32. Мустақил юрт галласи. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. 136 б.
33. Мустақиллик биз учун - ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир: ЎЗР Давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот иш-

ларида фойдаланиш учун қўлланма / ЎзР Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, Республика миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика маънавият тарғибот маркази. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. 88 б.

34. *Ражабова М.* Фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асоси // «Халқ сўзи», 2009 йил 17 ноябрь, 223-сон.

35. *Раҳмонов Д.* Ижтимоий хизмат нима? // «Жамият ва бошқарув». - 2009, 3-сон.

36. *Саидова Х.* Конституция ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2008, 1-сон.

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. 2010. 340 бет.

38. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. (Амалий қўлланма). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, «ILM ZIYO», 2009. 312 б.

Муқаллима.....	3
1. Ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли – Ўзбекистоннинг ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври	
<i>(А. Бекмуродов, У. Фафуров, Ш. Мустафақулов, Н. Каттаев)</i>	
1.1. Сиёсий соҳала ҳамда давлат ва жамият қурилиши борасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар	6
1.2. Иқтисодийнинг ривожланиши ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалланиши	15
1.3. Ижтимоий ҳаёт ва маънавиятнинг юксалиши	28
1.4. Суд-ҳуқуқ тизимининг такомиллаштирилиши	32
1.5. Тапқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида эришилган ютуқлар	36
2. Тинч-осуда ҳаёт, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити – Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори	
<i>(Н. Маҳмудов, А. Мухторов, Т. Султонов)</i>	
2.1. Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти – барқарор тараққиёт гарови	41
2.2. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити – ижтимоий-маънавий юксалиш омили	44
2.3. Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги – Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори	53
3. Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси – маънавий ҳаётнинг узвий қисми	
<i>(И. Шодмонқулов, Қ. Эргашев, И. Абдурахмонов)</i>	
3.1. Маънавий ҳаётимизда Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси	58
3.2. Бетақрор миллий меросимизнинг тикланиши	60
3.3. Кўхна урф-одат ва анъаналаримиз – миллий ўзликимиз тимсоли	63
3.4. Диний бағрикенглик – ижтимоий барқарорлик мезони.....	66
3.5. Бой тарихимизнинг тикланиши	69

4. Истиқлол – халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш йўлидаги буюк имконият <i>(М. Болтабоев, Б. Алиев, О. Йўлдошев)</i>	
4.1. Истиқлол – янги уфқ ва имкониятлар манбаи	75
4.2. Истиқлол – ҳар бир шахснинг истеъдоди ва қобилиятини намоён этишнинг кафолати	79
4.3. Истиқлол – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун мустаҳкам замин	82
5. Ислоҳотларнинг янги босқичи: эришилган натижалар, юксак эътирофлар <i>(А. Бекмуродов, У. Фафуров, Ш. Мустафақулов, Н. Каттаев)</i>	
5.1. Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тараққиёт йўли	89
5.2. Иқтисодий тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишнинг зарурати	91
5.3. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлашуви	94
5.4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши	100
5.5. Модернизация жараёнларининг чуқурлашуви ва бундан кутилаётган натижалар	103
5.6. Халқ фаровонлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар	107
5.7. Тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойилларнинг дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётгани	109
6. Ижтимоий дастурлар – ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг мақсадли йўналиши <i>(Г. Ахунова, М. Ҳошимова)</i>	
6.1. Истиқлол даврида мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий дастурлар ва миллий тараққиёт	115
6.2. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифалари	129
6.3. Маънавий камолот – тараққиёт асоси	130
6.4. Баркамол авлод тарбияси ва маърифат	133
7. Ҳушёрликка даъват: ўз уйингни ўзинг асра!	137
<i>(Ш. Холмўминов, А. Мухторов, Т. Султонов)</i>	
Фойдаланилган манбалар рўйхати	142

Илмий-оммабон нашр

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

*Муҳаррир Шойим Бўтаев
Мусаввир Шухрат Мирфаёзов
Техник муҳаррир Татьяна Смирнова
Саҳифаловчи Елена Толочко
Мусаҳҳиҳ Гулчеҳра Азизова*


ИБ № 4958

Босишга рухсат этилди 09.08.2010. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₈.
Timez TAD гарнитураси. Шартли б.т. 17,2. Нашр б.т. 12,0.
Шартнома № 89 –2010. 24900 нусхада. Буюртма № 218

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100128 Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.
Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Буюртма 10-307.

**Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz**

Кореяда – 17 та, Францияда – 18 та, Голландияда – 19 та, Молдовада – 24 та жиноят тури бўйича белгиланган.¹



1.4.7-расм. Жаҳоннинг турли мамлакатларида жиноий жавобгарликка тортилиш даражаси.

Мустақил тараққиёт даврида «сулларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция суллари, хўжалик суллари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди».²

Жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини тартибга солувчи қонунларнинг тўлақонли бўлиши ва изчиллигини таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги меъёрий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди: давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар; тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга, шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар; хўжалик юригишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишга қаратилган қонунлар; мамлакатимизни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормалар; кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунлар.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши арафасида собиқ иттифоқдаги ҳуқуқ-тартибот тизимининг ҳам таназзулга юз тутиши умумий беқарорликнинг кучайиб, жиноятлар сонининг кескин ўсиб кетишига сабаб бўлган эди. Маълумотларга кўра, 1985–1990 йиллар давомида

¹ Данияров И. Курсом либерализации уголовно-правовой сферы // «Народное слово», 23 септября 2008 года.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш йўлида. / Асарлар. 16-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008, 13-б.

рўйхатга олинган барча жиноятларнинг сони 1,2 баробар ўсган. Бу жиноятлар таркибида, айниқса, фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш, талаш ва босқинчилик, қасддан одам ўлдириш, харидор ва буюртмачиларни алдаш каби жиноят турлари 2 баробар ошган. 1990 йилда қайд этилган жиноятларнинг ҳар саккизинчиси оғир жиноят ҳисобланар эди.

Шундай ҳолатдан келиб чиқиб, мамлакатимизда қонун устуворлигининг таъминланиши аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишига, унинг эртанги кунга бўлган ишончининг ошишига катта таъсир кўрсатди.

1.5. ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бунда мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсати ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсати негизига қуйидаги устувор тамойиллар асос қилиб олинди:

— давлат миллий манфаатларининг, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— барча низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

— бирор-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслик;

— тўла ишонч;

— халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш.

Тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойили асосида турли давлатлар билан кенг кўламли алоқалар ўрнатилиши Ўзбекистонда жаҳон хўжалик алоқалари тизимида муваффақиятли интеграциялашув, халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни фаол ривожлантириш учун имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши — *қўшни давлатлар, аввало, минтақадаги давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдир.* Минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш — Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг гаровидир.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-бирдан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунга ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

Ислом Каримов

Шунга кўра, мустақил тараққиёт даврида интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик ташкилотги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ғарб, Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари билан алоқаларни изчиллик билан ривожлантириб, мамлакатимиз уларни янгича маъно-мазмун билан тўлдиришга интиломоқда.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, Европа Иттифоқи билан сиёсий мулоқотлар, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланмоқда ва мустақамланмоқда.

Ўзбекистон билан Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари, жумладан, АҚШ ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда. Ўзбекистон ва АҚШ хавфсизликка таҳдид солувчи глобал жараёнлар — наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши кураш соҳасида ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш борасида ўзаро ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Осиёдаги, Яқин ва Ўрта Шарқдаги эътиқоди, анъаналари ва урф-одатлари ўзаро яқин бўлган мусулмон давлатлар билан ҳам тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш имкониятига эга бўлди. Ушбу давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқалар ривожланмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — бу *МДҲ давлатлари билан алоқалардир*. МДҲга аъзо давлатлар кўп томонлама ва икки томонлама асосда умумий ва миллий манфаатларни рўёбга чиқариш, самарали ҳамкорликни ривожлантириш имкониятига эга.

Ўзбекистон таъқи сиёсатининг устувор йўналишларидан яна бири — минтақавий ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлидаги халқаро ҳамкорликдир. Хавфсизликнинг ажралмас ва яхлит ҳодиса экани тўғрисидаги умумэътироф этилган асосий тамойилга асосланган ҳолда, Ўзбекистон халқаро тузилмаларнинг, энг аввало, БМТнинг халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ролини кучайтириш зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишни тезлантиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Европа қитъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман, минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустақамлашдан манфаатдордир. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин туталиган давлатлар — АҚШ, Россия, Япония, Житой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга юртимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Жанубий Корея Республикаси, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатган.

Мустақил тараққиёт даврида «қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу тариқа юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустақам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтлари, хусусан, парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди».¹

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқа ўрнатган. Тошкентда 42 та элчихона, 1 та бош консулхона, 9 та фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси чет давлатларда ва халқаро ташкилотлар ҳузурида, шу жумладан, Нью-Йорк шаҳрида — БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, Женева шаҳрида — БМТнинг Европа бўлими ва бошқа халқаро ташкилотлари ҳузуридаги ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. /Асарлар. 16-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2008. 13-б.

Ўзбекистон Республикаси дунёдаги 100 дан зиёд халқаро ташкилот аъзосидир. Улар орасида айниқса, БМТ, ШХТ ва МДХ нуфузли ташкилотлардир. Юргимизда Европа Иттифоқи ва НАТО билан яқин ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.¹

Ўзбекистон БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Евроида хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти каби халқаро ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда ўз Қуролли Кучларини тузди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври яқунлангач, навбатдаги вазифа уни замон талаблари асосида ислоҳ қилишдан иборат бўлди. Бунда, аввало, қўшинлар қўлланишининг стратегик ва тактик жиҳатидан келиб чиқиб, асосий эътибор мамлакатимизни ҳимоя қила оладиган қўшинлар ва махсус қўшинларни тузишга қаратилди. Булар:

- Қуруқликдаги қўшинлар;
- Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан муҳофаа қўшинлари;
- Махсус ва муҳандислик-қурувчилик қўшинлари;
- Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари;
- Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари;
- Чегара қўшинлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ 14-сессиясида эътибор Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич чуқур ислоҳ этиш масалаларига қаратилди. Ислоҳотлар ҳақидаги қарорларни қабул қилишда Қуролли Кучларнинг жанговарлик қобилиятига фаол таъсир кўрсатувчи қуйидаги асосий омиллар ҳисобга олинди:

Биринчи омил — Қуролли Кучлар техникавий жиҳатдан яхши таъминланган ҳамда бошқарувнинг ишончли воситасига эга бўлиши лозимки, бу жанговар воситалар таркиби кам, аммо самарадорлиги юқори бўлган Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш имконини бериши зарур. Бу ўз ўрнида шахсий таркибнинг касбий малакаси юқори, техника ва қурол-аслаҳаларнинг жанговар имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш маҳорати аъло даражада бўлишини тақозо этади.

Иккинчи омил — Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз миқёсидаги ҳарбий ютуқлардан, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибалари ва

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучлари ҳарбий округлари:**

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус шаҳрида);

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ (Бухоро, Павлоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қариш шаҳрида);

Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах шаҳрида);

Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент шаҳрида);

Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон шаҳрида).

¹ Манба: <http://mfa.uz>.

илмий янгиликлардан фойдаланилди. Жанговар ҳаракатларнинг янгича усул ва шакллари пайдо бўлган шароитларда жанговар вазифаларни ҳал қилишнинг янада самарали имкониятларини излаш борасида фаол иш олиб борилди. Бунда, албатта, экстремизм ва халқаро терроризм фаолиятининг фаоллашуви каби янги таҳдидларга қарши кураш ҳам назарда тутилди.

Учинчи омил – Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлишидир. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, уларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бугун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. У жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустақкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратишга йўналтирилган.

2. ТИНЧ-ОСУДА ҲАЁТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПЙДЕВОРИ

- 2.1. Халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти – барқарор тараққиёт гарови
- 2.2. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикентлик муҳити – ижтимоий-маънавий юксалиш омилли
- 2.3. Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги – Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори

2.1. ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Яқин ўтмишда, собиқ Иттифоқ даврида халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўн тортди. Шунинг учун у жабру ситам ва тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. Бойнқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қайтадан қўллик кишига тушинини асло хоҳламайди.

Мустақил Ўзбекистон, аввало, мамлакатимиздаги барқарорликни, ўз халқининг тинч-осуда ҳаётини таъминлаш борасида тўғри ва одилона олиб борилган сиёсат туфайли барча жабҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Президентимиз истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ бу борада зарур чоратадбирларни кўрди, барча ижтимоий кучларни ягона мақсад сари бирлаштириб, сафарбар этди. Бугунги кунда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайли мамлакатимизнинг улкан ижобий натижаларга эришаётганини дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда, энг муҳими, халқимиз бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш лозимки, фақат мустақил давлат ва эркин жамиятгина тинчлик, осудалик асосида ислоҳотларни амалга ошириши мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, бундай тараққиёт йўли нечоғлик тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам ҳаққоний равишда қайд этмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, мапхур беш тамойилга асосланган, тараққиётнинг

Халқаро терроризм кучлари қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёиларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда.

Ислом Каримов

Ўзбек модели деб аталган стратегик йўлимизнинг амалий натижасидир. Буни миллий тараққиёт моделимизнинг маъно-мазмунига сингиб кетган қуйидаги қоидалар мисолида ҳам кўриш мумкин:

- миллати, тили ва динидан қатъи назар, давлатимизда яшовчи барча кишилар учун муносиб тинч-осуда ҳаёт шароитини яратиб бериш;

- ҳар бир инсон учун ижтимоий қафолаб турмуш даражасини ва эркинликларини таъминлаш;

- халқимизнинг қадриятлари ва менталитетига, миллий давлатчилик анъаналарига таяниш;

- дунё тажрибасининг илгор ютуқларига асосланиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш.

Мустақиллик йилларида тинч ва осуда ҳаётни барпо этиш мустақилликни қўлга киритишга нисбатан оғир ва масъулиятли вазифа эканига яна бир бор амин бўлдик. Маълумки, жаҳон тарихида ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин уни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, халқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жиддий ёндаша олмаслик сабабли яна бошқаларга қарам бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам кам эмас. Бу эса биздан доимо огоҳ бўлишни, мустақиллигимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан, жумладан, диний экстремизм ва халқаро терроризм балосидан кўз қорачиғидек асраб, ҳимоя қилиб яшашни талаб этади.

Дунёдаги турли террористик ва экстремистик кучлар, мафкуравий марказлар томонидан халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини бузишга қаратилган ҳаракатлар ҳам бўлиб турди. Албатта, бу қабиҳ кучлар ўз олдларига қўйган гаразли ниятларини турли даъволар, «олижаноб», «эзгу» ғоялар билан қанчалик ниқобламасин, уларнинг пинҳоний мақсади - мустақил Ўзбекистонни эркин ва озод тараққиёт йўлидан қайтариш, халқимизни яна бошқа кўринишдаги қарамлик сиртмоғига солишдан иборат эди.

Ҳозирги кунда ҳам жаҳоннинг айрим минтақаларида бундай разил кучлар ва марказлар пухта ўйланган режа асосида, катта маблағ билан таъминланган ҳолда энг замонавий восита ва имкониятларга эга бўлган тарзда ҳаракат қилмоқда. Улардан бири «Ҳизбут-таҳрир» диний-экстремистик оқимидир. Мазкур диний оқим тарафдорлари ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсонавий ғояни олдинга суради. Яъни, гўё дунёдаги барча мусулмонлар «халифалик» деб ном олган ягона диний давлатга бирлашиши керак ва уни битта халифа бошқариши зарур эмиш. Ҳолбуки, ҳозирги ХХІ асрдаги шароит бундан минг йиллар олдинги шароитдан тубдан фарқ қилади. Биз юксак технологиялар асрида, ахборот ва тафаккур асрида яшамоқдамиз. Тарихни орқага қайтариш мумкин эмас. «Ҳизбут-таҳрир» диний оқими, унинг ақидапараст «доҳий»ла-

Биз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз, Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шайни, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Ислом Каримов

ри жаҳон харитасини ўзгартиришга, халқларни ўрта асрларда ҳукм сурган жаҳолат даврига қайтаришга қанчалик уринмасин, улар ўз ёвуз ниятларига эриша олмайди. Биз, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, «қандайдир бечора, кимнингдир стаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз».¹

Бизнинг мустақил ва эркин ҳаётимизга қарши қаратилган ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз тапқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремистик марказларга бевосита боғлиқ эканига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Юртбошимиз Ислом Каримов бу масалани ўз асарларида, нуфузли минбарлардан сўзлаётган нутқ ва маърузаларида старлича далиллар билан исботлаб келмоқда.

Шу ўринда афсус билан таъкидлаш керакки, бизнинг онгимизда тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деган ногўғри тушунча ўрнашиб қолган. Тўғри, бу масалага, авваламбор, мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаллас бурчи бўлмоғи керак. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «мана шундай тинч, осуда ва мазмунли ҳаётимизнинг қадрига стип, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш учун, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир».²

Шунинг учун ҳам бугун ҳар биримиз «тинчлик-осойишталикни, шу тинч ва осуда ҳаётни, мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиляпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечингга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

«Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорни Президентимиз кўн марта такрорлайдилар. Бугунги кунда мана

шу долзарб вазифага барчамиз старли аҳамият беряпмизми? Афсуски, баъзи жойларда бу боралда ҳануз бетамлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик ҳавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Ислом Каримов

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. 6-б.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотлари чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2007. 37-бет.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» ри-соласида таъкидланганидек, «Тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъматидир, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин «тинч-лик бўлсин», деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпин-ча унинг маъно-мазмунини нечоғлик теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъ-но-мазмунини англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди... Бун-дай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак».

2010 йилнинг 11–15 июнь кун-лари Қирғизистон Республикаси-нинг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган қочоқ-ларга зарур шарт-шароитларни яра-тиб бериш, беминнат ёрдам кўрса-тишда халқимизнинг юксак фази-латлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Мана шундай ўта қалтис ва-зиятда айнан бизнинг Президентимиз, бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутилиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб аланга олиб кетишига йўл кўйилмади.

2010 йил 18 июнь куни Президентимиз Бухоро вилоятининг Вобкент туманида қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатда бу воқеалар ҳақида атрофлича фикр билдириб, «Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаган-миз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кестанмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга фақат омонлик, тинч-лик тилайман»,¹ деб таъкидлади.

Мамлакатимиз фуқаролари ва жаҳон жамоатчилиги бу воқеаларга ўз вақ-тида холис баҳо берди. Давлатимиз раҳбарининг «Жаҳолат ҳеч қачон яхши-ликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим. Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан муҳим», деган фикрлари ҳаммамизни яна бир карра огоҳ бўлишга, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка, гўзал ҳаётимизнинг қадрига етишга даъват этади.

2.2. ЎЗARO ҲУРМАТ, МЕҲР–ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ — ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» аса-рида Шарқ оламида, хусусан, Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туй-гуси гоят муҳим аҳамият касб этишини баён этиб, эзгу олатимизга айланиб

¹ Луқмонов В., Тўрақулов О., Ёдгоров Э. Изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари // «Халқ сўзи», 2010 йил 19 июнь.

Мен хавфсизлик, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи биз учун нақадар долзарб эканлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бундан яқинда қўшни давлат ҳудудида юз берган воқеалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ислом Каримов

кетган меҳр-оқибат тушунчасининг теран тарихий, миллий, диний илдиэлари борлигини таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бундай туйғу ва тушунчалар, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшинининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош билан, оиланинг оила билан, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқилидан, бега-раз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ота-боболаримиз неча асрлардан буён шу минтақала қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам эл-юртимиз ана шундай дўстлик, ҳам-корликни қўллаб-қувватламоқда. Бу миллий менталитетимизнинг асосини таш-кил этади.

Ғарб оламида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий ман-фаат устунлигини кузатамиз. Гегель Ғарбни гоёлар, қонун-қоидалар дунёси бошқарса, Шарқни урф-одатлар, қадриятлар бошқаради, де-ганида ҳақ эди. Минг афеуски, шун-дай тарихий ҳақиқатни англамаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистоннинг 19 йиллик мустақил тараққиёт йўли даврида бағрикенглик олижаноб фазилат си-фатида қадрланиб, улугланиб кел-моқда.

Бағрикенглик (толерантлик) — бу ҳар хил эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ва-танда олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида мамлакатимизни ривожлантириш учун асос бўладиган қуйида-ги маънавий-ахлоқий негизларни кўрсатиб берган эди:

- 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- 2) халқларнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- 4) ватанпарварлик (филоийлик, жасорат, талбиркорлик каби тушунчалар билан бoғлиқ).

Ўтган 19 йил давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифати-да шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимиз-нинг яқин ва олис ўтмишига, аждоқларимизнинг бой тарихий меросига,

Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, боғи-қаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўза ро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат дегаги, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалағи туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул бир муаммо.

Ислом Каримов

маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Аён-ки, мустақиллик учун кураш маънавий жиҳатдан баркамолликка интилган фуқаро ва халқ томонидангина амалга оширилади. Онгли, маънавияти кучли халқ барча қийинчиликларга чидаши мумкин. Аммо эркисизлик, қулликка чидай олмайди. Маънавияти юксак халқ ўз тарихи, тили, маданияти, қадриятлари, анъаналарини сақлаб қолишни ўзининг фуқаролик бурчи, деб билади.

Шубҳасиз, бундай дунёқараш ўзини англаган халқни ҳаракатга келтиради. Эрон аҳамонийларига қарши 200, грек-македонларга қарши 180, араб истилочиларига қарши 200, мўғул босқинчиларига қарши 150, чоризм ва коммунистик мафкура ҳукмронлигига қарши олиб борилган 130 йиллик курашлар замирида ҳам аслида мустақиллик ғоялари, юксак маънавият, ўзини англашга интилиш, миллат ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ётибди.

Шунинг учун ҳам истиқлол даврида маънавиятга миллий тараққиётимизнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилди.

Миллий маданиятимизни, тарихимизни ўрганиш, улар ҳақида холисона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратилди. Осори атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, халқимизнинг мустақил ва эркин ҳаёт йўлидаги шонли курашлари, бунёдкор фаолияти ва меросини тўлақонли ёритиш имкони туғилди.

Айни пайтда миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда нишонланди.

Кўплаб Шарқ алломаларининг нодир асарлари она тилимизга таржима қилиниб, нашр этилди. Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган юртдошларимизнинг номи абадийлаштирилди. «Шаҳидлар хотираси» хиёбони, «Хотира майдони» барпо этилди. Диний байрамларимиз — Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, халқимизнинг қадимий байрами — Наврўз қайта тикланди.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида кўпгина буюк ашюма ва азиз-авлиёларимиз қатори Абдулҳолиқ Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборақ сиймоларини ёд этиб, уларнинг маънавият оламидаги ролига юксак баҳо беради.

2007 йил дунёдаги нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислон конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари

бўйича тузилмаси АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳри Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Бу халқимизнинг ислон дини ривожига қўшган буюк ва беқиёс ҳиссасининг яна бир ҳаққоний эътирофи бўлди.

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат.

Ислон Каримов

Диний бағрикенглик (толерантлик) ғояси – тинчлик ва миллий хавфсизликнинг муҳим омилларидан бири. Диний бағрикенглик миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, турли диний эътиқоддаги кишиларнинг ягона умуммиллий мақсад ва манфаатлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини аниқлатади.

Бугунги кунда юртимизда 17 та диний конфессия (уюшма), 3000 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Тошкент Ислам университети, 14 та мадраса, 400 га яқин исломий диний ўқув муассасаси ишлаб турибди. Диний таълимот масканларида 4200 дан ортиқ ёшлар дин асосларини ҳамда дунёвий билимларни ўрганмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг ўзига хос самарали тизими юзага келди. Юзлаб санъат ва маданият масканлари, музейлар, маданият уйлари ва саройлар, ахборот-ресурс марказлари, истироҳат боғлари, хиёбонлар маънавий-маърифий тарғибот марказларига айланиб, эл-юртимизга хизмат кўрсата бошладди. Жумладан, ҳозирда Республика маънавият тарғибот марказининг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари кенг фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида яна қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Юртимизнинг барча вилоятлари, йирик шаҳарлари ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, Мустақиллик куни, Наврўз, Меҳржон байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, ёш истеъдод соҳиблари, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик-танловлари, «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Энг улуг, энг азиз», «Келажак овози» ва бошқа кўрик-танловлар мунтазам ўтказилмоқда.

2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатагон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 31 август тонгида бу масканда халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилини, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакилларининг бу срга келиб, марҳумларни ёд этиши, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланди.

Мустақилликни қўлга киритишимиз шарофати билан мустабил тузум даврида топталиб келинган миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз қайта тикланиб, бугунги миллий-маънавий тараққиётимизга хизмат қилмоқда. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Айни пайт»

да юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англари эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди». Ушбу китобда маънавиятнинг миллий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти, уни ўзлаштириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».¹ Бу концептуал ғоя бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантиришда давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бири сифатида ижобий натижалар бермоқда.

Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг руҳи, дунёқарashi ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқарashi ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади.

Ислом Каримов

Бугунги кунда ОАВ, хусусан, телевидение маданиятни оммалаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб келмоқда. Аммо жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган «оммавий маданият» экспансияси таъсирида қадриятлар тизимида содир бўладиган бузилишлар инсонда муайян ўзгаришларни келтириб чиқариши, инсон ва жамият ўз маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилиши мумкин. Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоъвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий губанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак... Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваламбор, эзгу инсоний ғоялар ва юксак

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008. 117-б.

маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маланий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истисод мусобақасида беллашувга қолди бўлишимиз шарт». Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазаларида «оммавий маланият»нинг мазмун-моҳияти, оқибатлари ҳамда унга қарши курашишнинг изчил восита ва омиллари аниқ баён этилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда мусиқа, маланият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди. Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, юксак истисодли ижрочилар танловлари ва кўргазмаларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилари сони кўпайиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маланий жамоатчилиги ўртасида кенг шуҳрат қозонмоқда.

Ҳозирги кунда гоявий муҳолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса, ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, «оммавий маданият» шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда.

Ислом Каримов

Маълумки, маланий-маънавий ривожланишнинг энг муҳим пойдевори — таълим тизимидир. Чунки замон талабларига жавоб берадиган, илгор фан-техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни етиштирмасдан туриб жамиятни юксалтириб бўлмайди. Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасидаги эски тузумдан мерос бўлиб қолган нохуш ҳолатларни бартараф этишга, уни тубдан ислоҳ этишга, халқаро талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга қатъият билан киришилди. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлди. Дастурга кўра, юртимизда таълим ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилди ва ҳозирги кунда янада такомиллаштирилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Ўзбекистонга хос энг муҳим хусусияти — янги турдаги 3 йиллик ўрта-маҳсуе, касб-ҳунар таълими тизимини яратилдан иборат вазифа собитқадамлик билан амалга оширилди. Замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, янги таълим стандартлари, дарсликлар, қўлланмалар яратилди ва ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари, интерактив усуллар татбиқ этилди.

Олий таълимда бакалаврият ва магистратура тизими жорий қилинди. Жаҳон стандартларига мос бу тизим олий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: «Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайратшижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маланияти дурдоналарида н

баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллаггина буюк келажакка эришиши мумкин».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил жорий этилди. Бу дастур АҚШдан сўнг дунёда иккинчи бор фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва бугунги кунда турли мамлакатлар бизнинг бу борадаги тажрибамизни катта қизиқиш билан тўла ўрганмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 3 босқичдаги ислохотлар асосида амалга оширилди.

1-босқич — 1997—2001 йилларда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлари яратилди. Бу даврда давлат томонидан қўшимча равишда 65 миллиард сўм маблағ сарф қилинди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моддий-техник базасини яратиш даври деб номланди.

2-босқич 2001—2005 йилларни ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи деб ном олди.

3-босқич 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ҳам ўз ичига олади. Бу босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўтланган тажрибалар умумлаштирилиб таҳлил этилмоқда. Шу асосда юртимизда шаклланган янги таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам бу босқич таълим тизимининг модернизация даври деб аталмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маросимдаги (2009 йил 5 декабрь) маърузасида таъкидлаганидек, «бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади».

Ҳақиқатан ҳам, бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди, реконструкция қилинди. Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 мингдан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида, бошқарув тизимида, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилмоқда. Юртимизда жами 1 минг 957 та мактаб қурилди ва реконструкция қилинди. 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларида бунёд этилди. Ҳозирда Ўзбекистонда 9772 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд.

Таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар юртимизда маданият ва маърифатни янада юксалтиришдек дунёдаги энг эзгу мақсадлардан бирига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 63 та олий ўқув юрти, жумладан, 20 та университет фаолият кўрсатмоқда. 400 мингдан зиёд талаба юксак замонавий талаблар асосида таҳсил олмоқда.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Жумладан, Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети иш бошлади. И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисликларга бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим оломоқда ва ўз малақасини оширомоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўлаб симпозиумлар, конференция ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч итубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббийнинг, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби гурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Ўзбекистонда давлат томонидан миллий тараққиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган яна бир ўта муҳим ва долзарб масала — турли миллат ва этник гуруҳларнинг ривожига мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги миллий сиёсат қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг ривожини учун шароит яратилди;

— миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминланди;

— давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига ҳосликлар ҳисобга олинди;

— миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик муҳити шаклланди;

— ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштироки таъминланди;

— мамлакатимизда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилишига, уларнинг фаолиятига йўл қўйилмади.

**Ўзбекистонда турли миллат вакиллари томонидан тузилган миллий
маданий марказ (МММ)лар**

Ўзбекистонда МММни ташкил этган миллатлар	Ташкил этилган МММлар сони	Ўзбекистонда МММни ташкил этган миллатлар	Ташкил этилган МММлар сони
Корейслар	31	Уйғурлар	3
Руслар	23	Бухоро яҳудийлари	3
Тожиқлар	10	Белоруслар	2
Татарлар	9	Қрим татарлар	2
Шу жумладан, бошқирд татарлари	3	Араблар	1
Озарбайжонлар	8	Болгарлар	1
Туркманлар	7	Бошқирдлар	1
Украинлар	6	Греклар	1
Қирғизлар	6	Грузинлар	1
Турклар	5	Литвалиқлар	1
Европа яҳудийлари	5	Қорақалпоқлар	1
Немислар	4	Хитойлар	1
Поляклар	4	Дунганлар	1
Арманлар	4	Жами	141

Ўзбекистонда 137 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги миллатлараро аҳиллик ва тотувликни таъминлашда хизматлари катта бўлган 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 14 таси республика миллий маданий маркази мақомига эга (2.2.1-жадвал).

Мустақиллик йилларида Республика байналминал маданият маркази ва МММ фаолларидан 71 киши давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Шу жумладан, 32 киши «Дўстлик» ордени билан, 2 киши «Меҳнат шўхрати» ордени билан, 13 киши «Шўхрат» медали билан мукофотланди. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилди. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор.

Ўзбекистон Миллий телерадиокўмпаниясининг теле-радио каналлари орқали 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиздаги газеталар 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилмоқда.

Миллатлараро тотувлик гоёси азал-азалдан эзу умумбашарий қадриятлардан бири бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тугали, улар учун тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилиб келали.

Бугунги Ўзбекистон мисолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини тонаётгани нафақат юртимиздаги, балки хорижлик мутахассислар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

2.3. МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деган мавзудаги маърузасида юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларининг энг асосий ва устувор жиҳатларини яна бир бор таъкидлаб ўтди. «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янала чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғинмай, изчил ва қатъият билан боришдир»,¹ деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиз аҳолисининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олиб, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баён этилган бўлиб, улар аввало, бугун дунёда эътироф этилган умумбашарий қадриятларга, тамойилларга асосланган.

Дунёда эътироф этилган умумбашарий қадрият ва тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, яъни қонун олдида тенг эканли;
- давлатнинг асосий вакилик органларига сайланиш, яъни ҳокимият органларининг эркин ва адолатли сайловлар асосида сайланиши;
- очиқ ва ҳисоб берувчи ҳукумат;
- давлат ҳокимияти органларининг бўлиниш принципи: қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимиятларининг ва оммавий ахборот воситалари («тўртинчи ҳокимият»)нинг мустақиллиги;
- сўз, матбуот, виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги;

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиши. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 34-б.

- фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг мавжудлиги ҳамда тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шакллланган давлат органларининг сайлаб қўйилган органлар олдида ҳисоб бериб туриши;
- жамиятда кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- давлат ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган умумий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;
- сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши;
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар рангбаранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг амалий ҳаётга жорий этилишининг таъминланиши ва ҳ.к.

Ушбу умумбашарий қадрият ва тамойиллар Ўзбекистоннинг Конституцияси, асосий қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топган ҳамда улар шахс, жамият ва давлат фаолиятига, амалиётга жорий этилмоқда.

Миллий маънавий қадриятлар — муайян миллат вакиллари учун зарур ва аҳамиятли, азиз ва ардоқли бўлган, унинг эзгу манфаати ва мақсадларига хизмат қиладиган маънавий бойликлар, амаллар ва тамойиллар, ғоялар ва меъёрлар миллий маънавий қадриятлардир (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Маънавий қадриятларнинг таркибий тузилиши.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг қуйидаги тамойиллари таъминланди:

- халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳиятининг устуворлиги;
- халқ онгида устувор бўлган фикр: дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқин ҳамкорликда яшаш;
- оила, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътиборнинг бутун жамиятни ҳурмат қилиши билан уйғунлиги;

— миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи сифатида она тилига муҳаббат уни севиш билан уйғунлашиб кетгани;

— каттага ҳурмат, кичикка иззат;

— аёл зотига эҳтиром, яъни муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли, абадий ҳаёт рамзи бўлган аёлни қадрлаш;

— сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

— ҳалоллик, меҳр-оқибат;

— азалий қадриятлар, урф-одатлар, миллий-маънавий меросни қайта тиклаш, ривожлантириш.

Умумбашарий қадриятлар сифатида инсон, Ватан, интеллектуал мулк, демократик сайловларни кўрсатиш мумкин.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда». Масалан, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалқ ҳашарлари бунинг тасдиғидир.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик гоёси миллий истиқлол гоёси ва мафқурасининг асосий устунларидан бири бўлиб, у умумбашарий қадрият саналади. У турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилаб берадиган муҳим омилга айланмоқда, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда миллатлараро тотувликнинг қуйидаги принципларига амал қилинмоқда:

— барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

— миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка таяниш;

— турли миллий маданиятлар ривожини учун йўл очиб бериш;

— бошқа миллат ва элат вакилларига ҳурмат билан қараш;

— миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлигини таъминлаш.

Мустақиллик йилларида демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда тарихий анъаналаримиз, миллий хусусиятларимиз ҳамда миллий қадриятларимиз янада бойиб бормоқда ва ҳаётимизга кенг жорий этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Баркамол авлод йили» муносабати билан ишлаб чиқилган

Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз строфида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорасдан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шартини ва мезонини бўлиши даркор.

Ислом Каримов

давлат дастурида бошқа муҳим вазифалар қатори ёшларда миллий ва маънавий қадриятларни юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, қуйидагиларни баён қилди: «Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор».

«Оммавий маданият»ни асосан Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, уни гоёсизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. XX асрда радио, телевидение, кино санъати, видео ва компьютер техникасининг пайдо бўлиши натижасида «оммавий маданият» янада авж олиб кетди. Бу ҳақда гап кетганда, оммавий маданиятнинг ҳақиқий ва сохта кўринишларини фарқлаш лозим. Маълумки, дунёдаги ҳар бир халқ маданиятида унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган ҳақиқий оммавий маданият намуналари бўлади. Жумладан, бизнинг миллий маданиятимизда «Тоҳир ва Зухра», «Маҳаллада дув-дув гап» кинофильмлари, «Келинлар кўзголони», «Олтин девор» спектакллари ана шундай ҳақиқий оммавий маданият намуналаридир. Айни пайтда ана шундай халқ дилига яқин асарларни ҳаётимиздан сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнини эгаллашга уринадиган сохта «оммавий маданият» турлари ҳам борки, улардан доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим. Улар, асосан, турли хорижий сериаллар, енгил-елпи китоблар, жанғари фильмлар, беҳаё тасвирлар сифатида тарқалиб, ёшларимизнинг қалби ва онгини бузади.

Бугунги кунда «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга кириб келаётган хуружлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида «оммавий маданият»дан фойдаланиши;

2) одамларнинг, ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқариб, сохта гоё ва мафкураларни тарғиб этишга уришиш;

3) ғаразли мақсадларни амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

4) мафкуравий тарбия, мустақил тафаккурни издан чиқаришга уришиш.

Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқлардан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Ислом Каримов

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашини нақалар муҳим эканлигини англаб олмақда.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимизда 19 йиллик тарихан қисқа муддатда, мустақил тараққиётнинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда халқимиз томонидан босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган ютуқ ва марралар, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ қилишда, яъни ҳаёт ҳақиқатини ёритишда, қўлга киритилган натижаларни жамоатчиликка етказишда биз баъзан ҳаётдан орқада қолмоқдамиз. Хусусан, истиқлол замонида лиёримизда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг замини ва омилларини кўрсатишда ладилроқ ва қатъийроқ бўлишимиз лозим. Мустақиллик ўзбек халқига қандайдир туҳфа тариқасида тақдим этилмаганини ҳар тарафлама ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий изланишлар ва кенг таҳлиллар ҳозирги кунда ўта долзарбдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 19 йиллик мустақил тараққиёт йўлининг бутун мураккаблиги ва қамрови билан ёритиб бериш Ватанимизнинг истиқлол тарихини ўрган ишда, уни тарғиб этишда, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

3. ВАТАН ТАҚДИРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ – МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИ

- 3.1. Маънавий ҳаётимизда Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси**
- 3.2. Бетакрор миллий меросимизнинг тикланиши**
- 3.3. Кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз – миллий ўзлигимиз тимсоли**
- 3.4. Диний бағрикенглик – ижтимоий барқарорлик мезони**
- 3.5. Бой тарихимизнинг тикланиши**

3.1. МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ВАТАН ТАҚДИРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бирон-бир халқ ўз тарихини билмасдан, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмасдан, уни янада ривожлантирмасдан туриб ўз келажагини тасаввур эта олмайди.

Бироқ, ўтмишга мурожаат қилишдан аввал, унга бўлган муносабатни холис ва ҳаққоний йўлга солиш керак. Бусиз тарихни холисона яратиш мумкин эмас. ХХI аср бўсағасида Ватанимиз тарихида янги давр бошланди. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди. Дунё харитасида яна бир мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ҳар бир халқ, ҳар қайси мамлакат ўзининг бетакрор тарихига эга бўлганидек, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг тарихи ҳам бой ва сермазмундир.

Тарихий воқеаларни ўрганишда илмий, назарий-методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта. Шўролар даврида уни ўқитиш ва ўрганиш ишлари марксистик методологияга бўйсундирилди. Ҳар қандай воқеани ёритишга коммунистик мафкуравийлик, партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндашилди. Оқибатда кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар сохталаштирилди, ўтмишимиз ноҳақ қораланди, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз ҳақоратланди. Улар ёш авлодга хурофот, эскилик сарқити деб ўргатилди. Тарих фақат жангу жадал, уруш ва қирғин, синфий зиддиятлардан иборатдек қилиб кўрсатилди.

Маълумки, тарихда ҳеч бир халқ ёки миллат ўз озодлиги ва мустақиллигини осонлик билан қўлга киритмаган. Жумладан, бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳам асрлар давомида босқинчилар зулми остида яшаб, доимо озодлик учун курашиб келди. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолдин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур сингари қаҳрамон аждодларимиз бошчилигидаги курашлар, сўнгги 130 йилдан ортиқроқ исканжа ва истибдод даврида кечган озодлик курашлари бу фикрларни яққол исботлайди. Шу билан бирга, истиқлолга эришиш ва

унинг неъматларидан баҳраманл бўлиш бир кунлик ва ҳатто бир неча йиллик иш эмаслиги ҳам тарихдан аёнлир.

Шунинг учун ҳам биз бугун эришган истиқлолимиз не-не қурбонлар, гинимсиз курашлар эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон ёлдан чиқармаслигимиз лозим.

Халқимизнинг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда биз қураётган буюк давлат асослари ана шу қадимий пойдеворга таянади. Тарихий илдишлар бор жойдагина тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлар ҳам бунга тасдиқлайди. Бу қоидалар бугунги кунда мустақкам асосда барпо этилаётган мустақил Ўзбек давлатчилиги миқсолида яна бир бор амалий ифодасини тономқда.

Албатта, неча асрлик курашлар оловида куйиб-ёнган бу табаррук замин, жонажон Ватанамиз — Ўзбекистон ўзининг оғир, мусибатли тарихи билангина эмас, балки жаҳон маланиятига ўз муносиб ҳиссасини қўшган фозилу фузалоларни етиштириб бергани билан ҳам машҳурлир.

Ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳса киришишга чорлаган миллий истиқлол ғояси бизнинг саъй-ҳаракатларимиз мезонига айланиб, биз собиқ тизимдан мерос иллатлар — қарамлик, боқимандалик кайфиятидан тўла озода бўла бошладик. Мустақиллик даврида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли келажак тақдиримиз фақат ўз фаолиятимизга, ўзимизнинг кучимиз ва салоҳиятимизга боғлиқ эканига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Биз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек мақсад сари қалам тапшамоқдамиз. Бундай далил қаламларимизда маънавиятга эътибор ва унга интилиш асосий роль ўйнамоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маънавиятга муҳим аҳамият берилмоқда.

Мустақиллигимизнинг уч таянчи — мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақилликнинг замини мўрт бўлади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди. Юртимизда ана шу уч таянчининг ўзаро уйғунлиги таъминлангани Ўзбекистоннинг улуг юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан сўнг олдимизда турган долзарб муаммолардан асосийси — янги тарихий шароитда жамиятга, эл-юрт ишига ҳар томонлама муносиб, жисмонан тук, онгу тафаккури юксак, маънавий баркамол инсонларни тарбиялашдан иборат эди. Бундай буюк ва олижаноб вазифани бажариш эса аввалги ўн йилликлар давомида элимиздан яшириб,

Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг муътабар хоклари макон топан замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай эсимин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Ислом Каримов

тақиқлаб келинган халқимизнинг кўп минг йиллик маданий меросини, унинг ҳақиқий жонли тарихини тиклаш, кенг, холисона ёритиб, тарғиб этиш билан бевосита боғлиқ эди. Чунки аждодларимиз томонидан яратилган қадимий маънавий ва маданий мерос қанчадан-қанча тарихий-сиёсий жараёнлардан, тазйиқ ва тақиқлардан, замонлар синовидан шу кунларгача эсон-омон ўтиб, сақланиб келган эди. Биз Юртбошимизнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсати, халқимизнинг азму шижоати туфайли ана шу мураккаб вазифани ҳал этиб, аждодлардан мерос буюк маънавий хазинани ўзимизнинг бутунги эркин ва озод ҳаётимиз, эртанги ёруғ келажагимиз учун хизмат қилдиришга эришмоқдамиз.

3.2. БЕТАКРОР МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов собиқ мустамлакачилик даврига шундай таъриф берган эди: «Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар, халқ онгини, унинг барча фаолиятини марказ измига бўйсундириш асосан ўшаларга ишониб топширилган эди».

Мустабил мафкура бизнинг неча минг йиллик маънавий меросимиз, миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳи учун мутлақо бегона бўлиб, фақат сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида четдан зўравонлик йўли билан киритилган, шафқатсиз усуллар билан онгимизга синдирилган эди. «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз, — деб ёзган эди Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, — бу гул билан қопланган йўл эмас, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир».¹

Бутунги кунда ҳам янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб. Миллий мафкурани янада бойитиш ва кучайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш ҳозирги даврнинг ҳам энг муҳим вазифасидир. Мустақиллик масъулияти айни шу вазифаларни мукамал ҳал этишни тақозо қилмоқда.

«Биз, — дейди Президент Ислом Каримов, — иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз».² Чунки халқ маънавияти ўнганмагунча на ижтимоий-сиёсий жараёнларда, на иқтисодий соҳада жиддий янгилашнилар юз беради.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, ватанпарварлик, халқпарварлик, шу заминга муҳаббат ва садоқат руҳидаги янги фуқаролик онгини шакллантирмоғи зарур. Мамлакатимиз тарихида сиёсий ақл-идрок би-

¹ *И. Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: «Ўзбекистон». 1996 йил. 359-б.

² *И. Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: «Ўзбекистон». 1996 йил. 35-б.

лан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўшлаб буюк аждодларимиз миллий маланиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихорига айландилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълуму мағнурдир.

Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Буюк аждодларимизнинг улуг номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир. Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзла ифодаланган. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маланиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради.

Мустақиллик йилларида бой меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маланиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўзбекистон ўзининг бой маланий анъаналари ва жаҳон маланияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халқаро миқёсдаги мавқеи тобора ошиб бормоқда. Бунинг яққол мисоли 1997 йилда ЮНЕСКО ижроия кенгаши аъзолигига Ўзбекистоннинг сайланиши ва 1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155-сессияси ўтказилганидир. Унда Ўзбекистоннинг таклифи билан «Жаҳон маланияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти» деган ҳужжат қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида буюк шахсларнинг хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорликлар мажмуаси жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий гуруҳи янада камол топтириш ҳамда халқимиз, ёшларимиз онгига миллий мафкурамиз асосларини синглиришга, дунё халқларига ўзбек давлатчилигининг илдиэлари нақалар бақувват эканини намоён этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 2700 дан зиёд тарихий ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган. Шундан 806 таси архитектура, 1500 таси археологик, қолганлари эса монументал ёдгорликлардир. 2001 йили Самарқанд «Маланиятлар чорраҳаси» номинацияси бўйича ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган эди. Бинобарин, Самарқандни ва унда қал ростлаб турган бестакрор обидаларни асраб-авайлаш, ҳеч бир муобалағасиз айтиш мумкинки, бутун инсониятга дахлдор бўлган олижаноб вазифадир. Мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Самарқанд замини

ҳам янада обод бўлиб, бу ердаги Имом Бухорий, Имом Могуридий зиёратгоҳлари, Регистон ансамбли, Ҳазрати Хизр ва Бибихоним масжидлари, Шоҳи Зинда мажмуаси каби нодир ёдгорликларда олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишлари натижасида уларнинг чиройи очилиб, бутунги кунда сайёҳлару зиёратчилар олдида бутун маҳобати ва гўзаллигини намойиш этиб турибди.¹

Буюк алломаларимизнинг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари янгиликдан кашф этилиб, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди. Жумладан, Имом Бухорий, Аҳмад Фаргоний, Имом Термизий, Бурҳонуддин Маргиноний, Имом Могуридий, Маҳмуд Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Шарафилдин Али Яздий, Азизиддин Насафий каби улуғ зотларнинг мероси бутун дунёга тарғиб этилмоқда.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби жасур шоир ва ёзувчиларнинг номлари, адабий-бадий мероси тикланиб, ҳурмати жойига қўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, иккинчи жаҳон урушида жонини фидо этган халқимизнинг муносиб фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хогира майдони» барпо этилди.

Мустақиллик йилларида XIX аср охири ва XX асрнинг I ярмида халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш учун фидоийлик кўрсатган жалид маърифатпарварларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Отажон Ҳошимов, Боту, Элбек каби инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, ижодидан намуналар кўплаб миқёсда нашр қилиниб, халқимизга тақдим этилди.

Шарқ халқларининг, жумладан, Туронзамин халқларининг қадимги севимли байрами бўлмиш Наврўз айёмига мустабид тузум даврида, афсуски, диний, реакцион байрам сифатида ёндашилиб, уни кенг нишонлашга йўл берилмади.

Мустақиллигимиз шарофати билан Наврўз байрами юртимизда ҳар йили халқимиз томонидан кенг ва ниҳоятда тантанали нишонланганидан улкан байрамимизга айланди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсадмуддаоларимизга етиш, айти пайт-

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида, айниқса ёрқин намоеън бўлади. Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Ислом Каримов

¹ Маданий меросимиз муҳофазада.// www.region.uz.

да халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бонқа омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи – миллий гурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Ўн тўққиз йил тарих олдида бир лаҳза. Аммо бизнинг ўтган ҳар бир йилимиз асрларга тенг, дессак, муболаға бўлмайди. Бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ҳар бир кунимизни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг навбатдаги қутлуғ 19 йиллик санасини катта шоду хуррамлик билан нишонлаётганимизнинг ўзи танлаган йўлимизнинг тўғрилигига, эртанги кунимизга, ўз кучимиз ва қудратимизга бўлган ишончимизнинг яна бир амалий ифодаси, Ватанимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюклигидан далолатдир.

Чиндан ҳам, истиқлол туфайли бой тарихимиз ва маданий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, дину диёнатимиз қайта тикланди. Қон-қонимизга сингиб кетган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилаглар миллий қиёфа мизнинг ёрқин намоёни сифатида бизни дунёга танитди. Бу бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

3.3. КЎХНА УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Маълумки, юртимизнинг ҳар бир вилояти ва минтақасида айнан шу жойга хос бўлган бтакорор урф-одат, анъана, маросимлар мавжуд. Ўтган 19 йил давомида мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқдаги ана шундай анъана ва қадриятларни тиклаш, тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бундай амалий ишлар ҳақида ганирганда, Жиззахдаги анъанавий «Халқ ўйинлари» фестивали, Бойсунда ўтказиладиган «Халқ фольклор ансамбллари» фестивали каби миллий анъана ва қадриятларни тиклашга хизмат қиладиган кўплаб талбирларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳолбуки, собиқ шўролар даврида қанчалик-қанчалик давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият намояндalари, зиёлилар, олдий халқ вакиллари жанозага боргани, никоҳ ўқитгани, миллий кийимда юргани учун тазйиқларга учрагани ҳали халқимиз ёдидан кўтарилгани йўқ. Кўплаб шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳукмрон коммунистик партия сиёсатини кўкларга кўтариб мақтамагани учун йиллар давомида чош этилмай ётгани ҳам сир эмас. Тарихий қаҳрамонларимиз тасвирланган бадий асарлар эса миллатчилик руҳида ёзилган, дея сохта айблов-

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланғиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатларга тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтиради.

Ислоҳ Каримов

лар билан нашрдан тўхтатилгани ҳам айна ҳақиқат. Умуман, озгина миллийлик нуқси урган ҳар қандай ҳаракат миллатчилик сифатида қоралангани туфайли айрим қадрият ва анъаналаримиз унутилиш даражасига келиб қолган эди.

Асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз халқимизнинг бетимсол бойлиги, истиқлолимизнинг мустақкам пойдевори ва порлоқ истиқболимиз кафолатидир. Бугунги глобаллашув даврида инсон онги ва тафаккурини эгаллаш йўлидаги кураш кескинлашаётган, ёшларни ёт гоё ва мафкура, салбий иллатлар таъсирига тортишга уринишлар тобора кучаяётган бир шароитда аждоқларимизнинг орзу-умидлари, интилишлари ва бой тафаккурини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиғидай асраш ва уни улғайиб келаётган навқирон авлоднинг онгу шуурига чуқур сингдириш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган 19 йиллик даврида тарихий анъаналарга садоқат, аждоқлардан фахрланиш, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш мустақил сиёсатимиз ва миллий гоёмизнинг энг муҳим ҳаётбахш омилларига айланди. Тарих ва маданий мерос миллатнинг асосий бойлиги. Меросга муносиб ворис бўлиш учун урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашимиз, уларни янада такомиллаштириб боришимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида барча жабҳалар сингари миллий маданиятимиз, санъатимизни изчил ривожлантириш, бу боралаги анъаналарни давом эттириш, унинг энг яхши намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш, ижодкорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда турли вазирлик ва илоралар, муассасалар, ижодий бирлашмалар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармасининг фаолияти бунинг далилидир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда маданият, фан ва таълим соҳасида аввалги давр билан таққослаб бўлмайдиган даражада беқиёс ютуқларга эришилди. Чунончи, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, юртимизнинг барча вилоятлари учун анъанавий бўлган ҳунармандчиликка эътибор кучайтирилиб, бу соҳа давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Миллий ҳунармандчилик соҳаси билан шуғулланиб, бу боралаги анъана ва удумларимизни тиклашга ўз ҳиссасини қўшаётган юртдошларимизни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланувчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилингани бунга мисол бўла олади.

Мустақиллик туфайли мусиқа, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон нуфузли халқаро мусиқа ва театр фестивалларига, истеъдодли ижрочилар танловлари ва кўرғазмаларига ҳам мезбонлик қилмоқда.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ўстириш маънавий-маърифий ишларимиз марказида турган энг буюк вазифага айлангани, айниқса, қувончлидир. Шу мақсадда истиқлолнинг дастлабки йилларида ҳукуматга қарангли бўлмаган «Соғлом авлод учун» жамгармаси ташкил қилиниб, шу номдаги дастлабки орден таъсис этилди. Мамлакатимизда «Она ва бола» ижтимоий дастури қабул қилиниб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, янги-янги скрининг ва перинатал марказлар, замонавий шифохоналар барпо этилди. Бундан таниқари, мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ягона узлуксиз тизимнинг шаклланиб, самарали фаолият кўрсатиб келаётгани ҳам соғлом авлод тарбиясида катта роль ўйнайди. Ҳар йили Президентимиз ташаббуси билан янги йилга махсус ном бериб, давлат дастури қабул қилишда баркамол авлод масаласи алоҳида эътибор марказида тутилмоқда. Айниқса, «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Ёшлар йили» ва ниҳоят, бу йилги «Баркамол авлод йили»да бу борала улкан амалий ишлар қилинди.

Юртимизда ногирон болалар учун «Меҳрибонлик» саховат фестивали мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонимизда маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган халқаро кино, театр ва мусиқали фестиваллар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Халқ бахшчилиги санъатига эътибор кучайиб, республика конкурслари ўтказилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилари сони кўнаиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маланий жамоатчилиги орасида кенг шуҳрат қозонмоқда. Шунингдек, миллий курашимиз халқаро мақомга эга бўлиб, бу борала мунтазам равишда жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда миллий курашни олимпиада ўйинлари рўйхатига киритиш учун амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Тошкент миниатюрачи рассомларининг монументал санъат соҳасидаги ижодий ишлари ҳам муваффақиятли бормоқда. «Саной нафис» гуруҳи томонидан 1996 йил Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи залларида бажарилган миниатюра услубидаги нақшлар мутахассислар ва томоншабинларнинг юқори баҳосини олди.

1990-йилларда кинематографияда репертуарнинг янги кино талқинларига мос равишда жанрларнинг ўзига хос ва услубий ҳамда техник янгиланиши кузатилди. Тарихга, миллий анъаналарга, халқ оғзаки ижоди мотивларига кўпроқ мурожаат қилиб, халқ руҳига яқин асарлар яратилди.

2004 йили миллий кинематографияни молиялаштириш билан боғлиқ муҳим қарор қабул қилинди. Юртимизда миллий тарих, анъаналар ва маланиятни ёритишдаги ютуқлар рағбатлантириб борилмоқда. Пойтахтимизда 2009 йил охирида бўлиб ўтган «Art Week Style.uz – 2009» санъат ҳафталиги юқоридаги фикрларимизга яққол далил бўла олади. «Ўзбекистон маланияти ва санъати форуми» жамгарма томонидан бундай нуфузли талбирлар кўлаб ўтказилиб, улар орқали миллий меросимизни асраб-авайлаш, амалий санъат ва ҳунармандчилик йўналишидаги қадимий анъаналарни тиклаш, бу борала ижодкорларга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёш истеъодларнинг фаолияти учун зарур шаро-

итлар яратиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, юртимиз ва халқаро миқёсда оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Асрлар садоси», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Келажак овози», «Базар Арт» каби фестиваллар, кўрик-танловлар, миллий ҳунармандчилик ярмаркалари, турли кўргазмалар, концертлар бунинг далилидир. Айни пайтда ушбу ижодий лойиҳалар ижтимоий йўналтирилгани, катта маданий-маърифий аҳамияти билан нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам тобора эътибор қозонмоқда.

2010 йили Хива шаҳрида худди шундай тадбирлардан бири – «Асрлар садоси — 2010» маданият фестивали ташкил этилди. Мазкур фестивал ўтмиш меросимиз ва анъаналаримизни авлодларга етказишда муҳим ўрин тутди. Айни пайтда бу навқирон авлодни миллий маданиятимиз, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларда Ватанга, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиромни шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Миллий маданиятимиз, санъатимизнинг ўзига хос байрами сифатида ташкил этилган ушбу тадбирда фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусиқачилар, раққосалар, қизиқчилар, рассомлар, ҳунармандлар, «Янги авлод», «Келажак овози» фестивали ва кўрик-танловларининг голиб ҳамда совриндорлари иштирок этмоқда.

3.4. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ИЖТИМОИЙ БАҒҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашимиз шубҳасиз.

Биз бугунги мана шундай тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай огир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онига миллий мустақиллик ғоясини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавий ва маърифий тадбирларни янада кучайтиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқнашувлар ва қарама-қаршилиқлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Ўзбекистонда яшаб фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар вакиллари-нинг маънавий дунёси, эътиқод эркинлиги учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб кенг йўл очилди. Ёш давлатимиз дин маънавий-маданий ҳаётнинг узвий қисми эканидан келиб чиқиб, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз раҳбари динга бўлган янгича муносабатни «дунёвийлик — даҳрийлик эмас» деган тамойил асосида аниқ ва равшан белгилаб берди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити ўрнатилиши учун барча

шароитлар яратилган. Кўликонфессияликнинг реал ижтимоий ҳолат экани ва унинг келажакда ҳам сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда, диний бағрикенглик учун тўла шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг давлат ва дин муносабатлари масаласига тааллуқли асосий бандлари ривожланган жамиятларнинг ҳуқуқий мезорларига мос келади. Конституциянинг 18-, 31-, 61-моддалари ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрири 1998 йил 1 майда қабул қилинган) ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлари миллий, ирқий ва диний келиб чиқишидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувликни ҳаётга татбиқ этиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дин давлат сиёсатига аралашмайди. Шу билан бирга, ҳар қандай дин, аввало, маънавий-ахлоқий ҳодиса бўлиб, у муайян бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тўлалигича ўзида мажассамлаштиришга даъво қилолмайди. Акс ҳолда, дин ўз мақсад ва вазифаларидан четлашиб кетади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз қонунларида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланади. Дунёвий давлат тузуми амал қилаётган Ўзбекистонда барча динларга бир хил ва тенг муносабатда бўлиш бугун реал воқеликка айланди. Дин ва давлат муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифалари: виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш, давлат органларининг юртимиз ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан алоқасини амалга ошириш, диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва сабр-тоқатликни мустақамлаш сиёсатини ўтказиш, мамлакатимизда ва чет элларда диний ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатилишини ташкил этиш, фуқароларнинг она диёримиздан ташқаридаги муқаддас жойларга зиёратга бориши, халқаро анжуманлар ўтказилишини уюштиришидан иборат.

Ўтган 19 йил мобайнида бу йўналишда муайян натижаларга эришилди. Энг асосийси – бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланди. Бугун Ўзбекистон Республикасида 17 диний конфессия, 3000 дан ортиқ диний ташкилот фаолият юритмоқда. Юртимизда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўртамаҳсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1991 йил 11 апрель ва 20 июндаги фармонларига биноан «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ва «Ийд ал-Алҳо» (қурбон) ҳайитлари юртимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Истиқлол даврида 80 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлди. Ҳар йили бонқа диний жамоаларнинг юзлаб вакиллари Исроил ва Россиядаги муқаддас зиёратгоҳларга тапшиф буюрмоқда.

2004 йил апрелда мамлакатимиздаги турли конфессиялар ўртасида тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик юзасидан тақлифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита қошида конфессиялар ишлари бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Аждодларимизнинг бебаҳо меросини мукамал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг фармони билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университети очилди. Бу таълим масканида бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш ислом назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда. Тошкент ислом университети халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўҳнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақи, унинг тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий-замонавий билимларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларига яна бир янги мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралда имзолаган «Ҳазрати имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамгармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорда Ҳазрати имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти инобатга олиниб, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш кун тартибига қўйилди ва бу савобли ишларга тезкорлик, куч-ғайрат билан киришилди ва қисқа муддатларда маҳобатли мажмуа барно этилди. Бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ислом конференцияси ташкилоти қошидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа бўлиб, халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Шарқ дарвозаси деб ном олган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак мақомга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Юртимиздан етишиб чиқиб, ислом оламида шуҳрат қозонган алломалар — Баҳоуддин Нақшбанд-

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Қуръони карим, ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Қуръонни кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр қилган дунёнинг учинчи мамлакати бўлди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали, «Ислом нури» газетаси, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг «Восток свыше» журнали чоп этилмоқда.

нинг 675 (1993 йил сентябрь), Хожа Аҳрор Валийнинг 590 (1995 йил ноябрь), Маҳмуд Замаҳшарийнинг 920 ва Нажмиддин Кубронинг 850, Имом Бухорийнинг 1225 ва Аҳмад Фарғонийнинг 1200 (1998 йил октябрь), Имом Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳонуддин Марғинонийнинг 910 (2000 йил ноябрь) йиллик юбилейлари кенг нишонланди, уларнинг номи билан боғлиқ қадимий қадимжолар обод қилинди.

1995 йилда Тошкентда «Бир осмон остида» шиори билан ташкил этилган халқаро христиан-мусулмон конференцияси бўлиб ўтди, унинг ишида Жаҳон черковлари кенгайти, турли хорижий черковлар вакиллари иштирок этди. 1996 йилда Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги нишонланди. Тантаналарда черков тарихида илк бор Москва ва Бугун Русь Патриархи Алексий Иккинчи Марказий Осиё ҳулуғига ташриф буюрди. 2001 йилда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ўзининг 130 йиллигини нишонлади. 2002 йилда Рим-католик черкови католикликнинг Марказий Осиёда қайта тикланганига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам талбирларини ташкил этди. 2003 йилда Самарқанд шаҳрида Арман Аносталлик черковининг 100 йиллиги нишонланди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Қуръони карим, ҳадислар тўплами, Инжил (Янги аҳд) ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Қуръонни кўзи ожизлар учун махсус брайл ёзувида нашр қилган дунёнинг учинчи мамлаката бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали, «Ислом нури» газетаси, Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг «Восток свитче» журнали чоп этилмоқда. Мамлакатимизда диний ақиданарастлик, экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича изчил ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, диёримизга суқилиб киришга ҳаракат қилган, халқимиз орасида мутаассиблик уруғини сочишга уринган ва бу билан ўзларининг гаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган турли гуруҳлар фаолиятини фойс этилди.

Ҳозирги куннинг энг асосий вазифаларидан бири халқимизнинг диний эътиқолига зил бўлган зарарли оқимларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, анъанавий, маърифий, мўътадил исломни ёт ғоялар таъсиридан сақлашдан иборат.

3.5. БОЙ ТАРИХИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ

Истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топди, тарихга муносабат ўзгарди. Топталган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қадимжолари обод гўшаларга айлантилди. Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абалдилаштирини юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бой тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилган айрим талбирлардан қуйилгиларни санаб ўтиш мумкин:

– 1998 йил июль — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Айнан шу қарорга кўра, Я.Фуломов номидаги Ўзбек давлатчилиги тарихи анъанавий илмий анжумани ташкил этилди ва бу анжуманда тарихимизнинг кўплаб ўрганилмаган саҳифаларига аниқлик киритилмоқда;

– 1999 йил 9 майда — Хотира ва қадрлаш куни илк бор нишонланди.

– 1999 йил 22 июлда — «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди;

– 2000 йил 12 майда — «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди.

– 2001 йил 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни деб эълон қилинди ва 2002 йил 31 августда «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ташкил топди.

Тарих хотираси, халқининг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва юксалтириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аждоларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу ўринда мустақиллик солномасидан айрим кўчирмаларни келтирсак:

1992 йилда:

– мумтоз шоиримиз Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги нишонланиб, Наманган шаҳрида музей, боғ ва ҳайкал барпо этилди;

– буюк азиз-авлиё Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

1993 йилда:

– буюк аллома ва давлат арбоби Муҳаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида фармон эълон қилинди;

– Заҳириддин Муҳаммад Бобур тугилган санасининг 510 йиллиги нишонланди.

1994 йилда:

– 1994 йил юртимизда «Улуғбек йили» деб эълон қилинди;

– Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги нишонланди; унинг номи абадийлаштирилди, асарлари қайта чоп этилди.

1995 йилда:

– Улуғ аллома — тилшунос, файласуф, шоир Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий гурур туйғуси,

Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ислом Каримов

буюк аждоларимиздан мерос қолган маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлишни талаб қилади. Бунинг учун ушбу табаррук заминни обод этишга ўз ҳаётини бағишлаган буюк аждоларимиз номини келажак зафарларга ундовчи бир байроқ янглиг билан тутмоғимиз лозим. Ана шундай номи миллатимиз туғига айланган забардаст сиймо улуғ бобокалонимиз Амир Темурдир.

Собиқ тузум даврида кўн йиллар мобайнида, ҳаттоки, Европа давлатлари самимий эҳтиром билан тан олган бобокалонимиз шаънига тухмаг ва ҳақоратлар ёғдириб келинди. Мустахлак зулми исканжасида кун кечирган халқимиз

буюк аждолини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имкони билан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унуттишга маҳкум этилди. Мақсад — халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Ниҳоят, ҳақиқат ғалаба қилиб, Шарқда тенги йўқ саркарда, Ватан ва миллат мустақиллиги учун умрини бахш этган мард ва фидойи инсон, Марказий Осиёда бундан 600 йил аввал улуғ бир салтанат барпо этган давлат арбоби истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди. Ёш авлод онгига миллий маънавиятимиз анъаналарини синдиришда буюк саркарда Амир Темурнинг «Тузук»лари, миллат номини юксақларга кўтаришга сарф этилган ҳаёти буюк ибрат тимсолига айланди.

1996 йил юртимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди ва шу йили улуғ саркарда ва бунёдкор бобомиз шарафига ўтказилган халқаро анжуман ҳамда тантаналар, жойлардаги юзлаб талбирлар том маънода маънавий меросимизга, халқимизга эҳтиромнинг беқиёс намунаси бўлди.

1997 йили беназир ҳассос шоиримиз, истибод қурбони Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди. Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди.

1998 йили буюк муҳаллис Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, улуғ астроном олим Аҳмад Фаргонийнинг 1200 йиллик саналари, қорақалпоқ шоири Бердақ юбилеи тантанали нишонланди.

1999 йилда эса «Алпомиш» халқ эпосининг, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди, хоразмлик атоқли шоир, таржимон, тарихчи Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг, қорақалпоқ шоири Ажиниёзнинг таваллуд саналари нишонланди.

Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ватанимиз истиқлолини янада мустақамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жишлаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Ислом Каримов

2001 йилда Алишер Навоий номи билан юритилувчи вилоятда унинг номидаги муаззам бог яратилиб, шоирнинг ҳайкали ўрнатилиши ҳам маънавий-тимиз оламида катта воқеа бўлди. Бу тантанали маросимда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ мамлакатимизда маънавий меросга муносабат, уни ўрганиш, талқиқ этиш ва авлодларга етказиш масаласи давлатнинг маънавий соҳасидаги утувор сиёсатининг ажралмас қисмига айланганини кўрсатади. Бизнинг ўтмиш маданиятимиз бутун инсониятни қизиқтириб келаётгани, албатта, тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши, Тошкент, Қўқон ва Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча инсонлар учун қутлуғ зиёратгоҳга айланган. Мустақиллик даврида ўзбек олимларининг кучгайрати билан тарихимизнинг кўпдан-кўп гоят муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгитдан кашф этилди.

Маънавийтни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажигига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маланиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиллага етиб бориши учун қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳаларни кўриб, буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Илгари эса республика шаҳарларида кўчаларга Ленин, Маркс, Энгельс, Свердлов, Металлургическая, Донбасская ва бошқа шунга ўхшаш номларнинг берилишига собиқ мафкурани халқ онгига сингдиришнинг бир усули сифатида қаралган.

Қадимий номларда эса ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам вилоят ва ҳудудий топонимик комиссиялари фаолияти шаҳарлар, туманлар, шаҳар кўчалари, маҳалла номлари ва туманлардаги қишлоқлар номлари қайта тиклашга қаратилиб, бу борада катта амалий натижаларга эришилди.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маланиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги – ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломаларимиз инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуғ сиймолардир.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Чунки, Тош-

кентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбар-час боғлиқ.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томониан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамалдунига қўшган ҳиссасининг ўзига хос эътирофи бўлди. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан амалга оширилган ишлар нойтахтимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтириш, унинг халқаро миқёсда янада улугворлик касб этишига хизмат қилмоқда.

2009 йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентда азим шаҳримизнинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида нойтахтимизнинг тугган беқиёс ўрни дунё олимлари томониан алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг 2009 йил 20 августдаги фармонида биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маланий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди. Президентимиз Ислоом Каримов ушбу юксак мукофот — «Мустақиллик» орденини азим нойтахтимиз байроғига қалаб қўйганида барчамизнинг қалбимиз гурур-ифтихор туйғуларига тўлди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддolari, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу боралда тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади».

Биз бу масалага ана шундай илмий асосда ёндашиб, қадимий тарихимизни ўрганиш ва баҳо беришда унинг бирор-бир даври ёки жабҳасини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Жумладан, мустамлакачилик ва совет давридаги олмавий қатағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аجدодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганишни айнан ана шундай маънавий негизда йўлга қўйганимизни қайд этиш зарур.

Ислоом Каримов

9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қилингани, ҳеч шубҳасиз, юртимизда тарихий хотирани тўлақонли тиклаш йўлида ҳаётнинг ўзи тақозо этган яна бир жиддий қадам бўлганини айтиш лозим. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилгани, улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тарихида ибратли маънавий воқеа бўлди.

Маълумки, ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгилалиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсулидир. Мана шундай қонуният ва қарашларни инкор этиш, уларни тан олмаслик ва бунга тескари йўл тутиш кутилмаган ва тескари салбий натижаларга олиб келиши муқаррарлигини кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ халқимиз тоталитар тузум тазйиқидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви таъсиридан халос бўлиб, ўз кучига, ақлу заковатига ишониб, инқилобий бўҳронларсиз, босқичма-босқич озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга киришди. Кишиларимизда ўзининг ақлу идрокига, интеллектуал салоҳиятига, яратувчилик кучига, маънавиятига ишонч уйғонди. Бу борада ҳали баргараф этилиши зарур бўлган тўсиқлар етарлича топилади. Аммо халқимизда, фуқароларимизда миллий ўзлигини англаш ва намоён этиш истаги барқарор қадриятларга айланиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас. Айнан ушбу истак мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларга ва чуқурлашаётган ислохотларга маъно, йўналтирувчилик руҳиятини бахш этмоқда.

4. ИСТИҚЛОЛ – ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ БУЮК ИМКОНИАТ

4.1. Истиқлол – янги уфқ ва имкониятлар манбаи

4.2. Истиқлол – ҳар бир шахснинг истеъдоди ва қобилиятини намоён этишнинг кафолати

4.3. Истиқлол – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун мустаҳкам замин

4.1. ИСТИҚЛОЛ – ЯНГИ УФҚ ВА ИМКОНИАТЛАР МАНБАИ

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Бу йиллар моҳиятан юртимиз тарихида ўта масъулиятли ва шарафли даврни тапқил этди. Шу даврда ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Халқимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабил шўро тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилди. Юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган жараёнларни ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқлол ғояси бизнинг дунёқарашимиз, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланди ва қарамлик, боқимандалик кайфиятидан бутунлай озод бўлдик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдик.

Менинг тақдирим халқимнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ҳеч қачон ўзимиз танлагани мустақиллик йўлидан қайтмаймиз. Биз буюк келажакни, озод ва фаровон ҳаётни қуриш мақсадида матонат ва қатъийлик билан меҳнат қиламиз.
Ислом Каримов

Яқинлашиб келаётган улуг байрам арафасида истиқлол халқимиз учун қандай имкониятлар яратди, деган ўринли савол туғилади. Бу саволга Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан жавоб бериб, шундай дейиш мумкин: «Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда янаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир».¹

Истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, шон-шавкати кўтаралдиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга стказиш ва бахтини кўришдир.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 283-бет.

Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, эркинлик ҳалқимизга фаровон ҳаёт кечириш ва имкониятлардан тўла фойдаланиш кафолатини таъминлаб бермоқда.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахр-ифтихоримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллаш имконини берди.

Ўзбекистон ҳалқи мустақиллик туфайли қуйидаги имкониятларга эга бўлди:

— ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайланган давлат органлари орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;

— ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятларга, табиий ва ҳом ашё ресурсларига тўла эгаллик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;

— тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва ҳалқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;

— тарихимизни ҳолисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратидан ҳалос этиш;

— ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим ва касб-ҳунар бериш;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шакллантириш;

— юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;

— ҳалқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқлилиқ асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақиллик ҳалқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини берди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».¹

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик туфайли биз ўзлимизни англадик, озод ҳалқ, мустақил давлат сифатида олдимизда Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён этиш имкони очилди. Озодлик туфайли бизни жаҳон таниди, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг гайрати, азмушижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар негизида эрганги кунимиз — эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 105-бет.